

СЕРГЕЙ АЛЕКСЕЕВ



ДОВЮРАК ЧАВАНДОЗ

Степан Разин ҳақида ҳикоялар

Русчадан Абдулазал ВАҲОБОВ таржимаси

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ
«ЁШ ГВАРДИЯ» НАШРИЁТИ

Тошкент — 1975

— Разин, Разин келяпти!

— Степан Тимофеевич!

1670 йил. Россия давлатида нотинчлик.
Боярлар ва подшо хизматчилари зўр
ташвишда. Асрлар давомида қийналиб
келган халқ бош кўтарди. Деҳқонлар,
казаклар, бошқирдлар, татарлар, морд-
валар. Улар юзлаб, минглаб.

Деҳқонлар армиясига ботир атаман,
Дон казаги Степан Тимофеевич Разин
бошчилик қиляпти.

— Разинга шон-шарафлар бўлсин!

Бу ҳикоялар халқ йўлбошчиси Степан
Тимофеевич Разин ҳақидадир.

Уқувчи бу китобни ўқиб, халқнинг бу-
юк юриши, озод этилган шаҳарлар ва
қишлоқларда разинчилар ўрнатган ре-
формалар, уларнинг Россиянинг кела-
жакда қандай бўлиши ҳақидаги орзу-
умидлари билан танишади.

70802—338

А М 356 (06)—75 131—75

© Издательство «ЕШ ГВАРДИЯ», 1975.



Биринчи боб

ШАҲАРЛАРНИ ҚАНДАЙ ЗАБТ ЭТАДИЛАР

КНЯЗНИНГ ОТИ

Отлиқлар отряди деҳқонларнинг ерларидан ўтиб борарди. Улар тепаликка қўтарилдилар. Отлиқлар ҳайратланиб қарашди. Деҳқон ер ҳайдаётганди. Лекин омовчи ст эмас, деҳқоннинг хотини, қари онаси ва жуда ёш ўғли тортиб боришарди.

Улар омовчи бир оз судраб боришгач, дам олишар ва яна судрашарди.

Отлиқлар ер ҳайдаётган деҳқон яқинига келишди.

Уларнинг бошлиғи деҳқонга жаҳл билан тикилди-да:

— Ҳой бераҳм, омовча ҳайвон ўрнига одамларни қўшасанми!— деди.

Деҳқон қараса, қаршисида гавдали бир киши турибди. Унинг бошида усти қизил мовут қалпоқ. Оёғида яшил саҳтиён этик. Эғнида бежирим чакмон, чакмон остидан гулли кўйлагининг ёқаси кўриниб турибди. Қўлида эшилган қамчин.

«Эҳтимол бу киши боярдир ёки шу вилоятнинг бошлиғи бўлиши ҳам мумкин,— деб ўйлади деҳқон. У дарҳол боярнинг оёқларига йиқилди ва:

— Биз ғариб-бечоралармиз. Отимиз йўқ. Қарзимиз эвазига тортиб олишди,— деди.

Отлиқнинг газабдан юзи бужмайди. У отдан тушди-да, деҳқонга ўғирилди.

Деҳқон қўрқиб орқасига тисланди, кейин сакраб туриб қоча бошлади.

— Ҳой тентак, шошмай тур! Қаёққа қочясан?!— кулги аралаш овоз эшитилди.

Деҳқон қўрқа-писа орқасига қайтди.

— Мана бу отни ол,— деди деҳқонга от тизгинини ушлатаркан бояги одам.

Деҳқон довираб қолди. Хотини, қари онаси турган ерларидан қўзғалолмай қолишди. Жажжигина ўғилчанинг оғзи ланг очилиб қолганди. Улар бақрайиб қараб туришибди. Содир бўлаётган воқеага сира ишонгилари келмасди.

От жуда чиройли, баланд эди. Унинг туси кўк бўлиб, оқ холи бор эди. Қнязлар минадиган от бу.

«Барин ҳазиллашяпти»,— деб ўйлади деҳқон. У қаққайганича жойидан қўзғалолмади.

— Ма, ушла тизгинни, бўлмаса айнаб қоламан!— деди-да, бояги киши эгат бўйлаб юриб кетди.

Отлиқларнинг ҳаммаси унинг кетидан йўлга тушишди. Фақат ёшгина отлиқ йигит бир дақиқага ҳаяллаб қолди: у қўлидаги тамакни халтачасини тушириб юборган эди.

— Парвардигор, парвардигорнинг иши бу!— деб пичирларди гангиб қолган деҳқон.

Деҳқон яна отга ўғирилди. Кейин бирдан, тағин булар сеҳр бўлса-я, деб ваҳимага тушди. У қўлини отга чўзди. От уни тешиб юборди.

Деҳқон тепки еган жойини ушлаб олиб:

— Ростакам!— деб бақирди хурсанд бўлиб.— Кимсизлар, қардан бўласизлар?!— деб йигитнинг ортидан югурди.

— Қушдай учқур, бургут каби эркин, баҳор шабадасига ўхшаш кишилармиз,— деди кўзини сирли қисиб қўяр экан йигит.

— Кимнинг ҳаққига дуо қилай? Бояги телпакли киши ким?!

— Разин. Степан Тимофеевич Разин!— деб бақирди отини елдириб кетар экан чавандоз йигит.

ИСФАХОН МАМЛАКАТИ

Степан Тимофеевич Разин Доннинг Зимовейск станциясида туғилди. Степанининг отаси, Тимофей Разя ўз ўғлини казакларга хос ҳалоллик, тўғрилиқ, дўстни кулфатда ташлаб кетмаслик, зolim қаршисида бош эгмаслик руҳида тарбиялади. Разин қадди-қомати келишган, чиройли йигит бўлиб улгайди. У жуда ёшлигидаёқ от устида тажрибали чавандозлардек ўтирарди. Унинг сочи қир майсасидек қалин эди. Тимқора кўзлари ўтдай чақнардди.

Кекса Разя ўғлини:

— Казак, казак, қони ҳам казак, ўзи ҳам казак,— деб эркаларди. Доим унга казакнинг шуҳратини авайлаб сақла, ўғлим, дерди...

1667 йилда Степан Тимофеевич Разин ёнига мингга яқин ўзи тенги йигитларни олиб, Дондан чиқиб Волга томон йўлга тушди. Ёйиққа борди ва у ердан Каспий денгизи томон юриб, сўнгра денгиз ортидаги мамлакатларга ўтди. Ўша кезлари казаклар бўш ер излаб тез-тез узоқ-узоқ мамлакатларга боришарди. Ўшанда денгизнинг орқа тарафидан бахт излашарди. Улар Туркия, Эрон мамлакатларига ҳам сафар қилишганди. У пайтларда Эрон «Исфахон мамлакати» деб юритиларди. Разин ҳам ўз казакларини Эрон хонлари ҳузурига меҳмонга бошлаб борди.

Казак кемалари елканларини кўтарди. Улар худди оққуш каби тўлқинлардан тўлқинларга сакраб сузиб борарди. Она ер борган сари узоқлашиб, Каспий тўлқинлари ортида яширинди.

Казаклар — довюрак халқ. Улар жасурликни бегоналардан ўрганишга муҳтож эмаслар. Аммо, денгизда сузиш ўрмонга мева сайлига бориш эмас.

— Узоқ элларда бизни нималар кутаётган экан?

— Исфахон мамлакати бизни қандай кутиб оларкин?

— Ўйга қайтиб келиш бизга яна насиб этармикин?

«Исфахон, Исфахон,— дея узоқ ўйга толганди Разин. У кеманинг олдинги томонида, атаманинг ўрнида тик турарди. У сувга, ҳавога ва қаршидаги мовий сувга тикилиб қарайди.— «Исфахон»— тушуниб бўлмайдиган, ғалати сўз».

Казаклар Каспий денгизини сузиб ўтишди. Боку, Ширван, Дербент шаҳарларида бўлишди. Эрон мамлакатида Решт, Фаробод, Астробод шаҳарлари бор. Донликларнинг абжир, чидамли кишилари бу ерликларга ҳам маълум бўлди. Казаклар юзлаб чақирим ерларни пиёда босиб ўтишди. Форслар билан қизғин жанг ҳам қилишди. Қиш-қировли кунларда бегона юртларда қолиб кетиб, ҳалок бўлишларига оз қолди. Форс флоти билан жанг қилиб, мардлик кўрсатишди. Бироқ ҳеч қаердан бўш ер топиша олмади. Тўғри, улар ўлжалар билан орқага қайтишди.

Каспий стрелецлар кемасини тинимсиз чайқайди. Орқадан эсаётган шамол ҳам уларнинг она юртга тезроқ етиб олишларига кўмаклашади...

«Исфахон, Исфахон,— дея ўзича хаёл суради Разин,— ер юзида бўш ётган ер йўқ экан. Ўзинг туғилиб ўсган юртдан минг чақирим узоқдан бахт излашнинг ҳожати бормикин-а? Қани энди ўз юртимиздаги боярларни йиқитиб бўлса! Халққа нон ва озодлик берилса қандай яхши бўларди».

¹ XVI—XVII асрда махсус доимий қўшинда хизмат қилувчи.

Разиннинг бутун вужудини мана шундай ажойиб мардона фикр қуршаб олган эди.

«Исфакон, Исфакон,— дунёда бўш ётган ер йўқ экан».

Мана, ниҳоят она ер қирғоғига қадам қўйилди. Одамларни чағалоқлар шовқин билан кутиб олдилар.

САЛЛА

Қазаклар сафардан қайтиб келишди. Улар Астраханда дам олгани тўхташди. Форс ерлари томон сафарга отланган казакларнинг ранг-рўйига қараб раҳминг келарди. Кийим-бошлари йиртиқ-ямоқ, кўпларининг эғнида кўйлаги ҳам йўқ эди.

Энди-чи, энди казакларга қарасанг — кўзинг жимиралишиб кетади. Уларнинг баъзиларида мовут, баъзиларида барқут чакмонлар. Яна бировларининг эғнида тулки терисидан, бошқасининг эғнида эса сувсар пўстин. Деярли ҳаммаларида қизил, сариқ, зангори ва пушти ранг чопон.

Август. Қуёш сахийлик қилиб иссиқ ҳовурини пуркайди. Кишилар манглайдан маржон-маржон тер тўкилади. Аммо абжир казаклар иссиққа парво ҳам қилмай чакмон, пўстин ва чопонларини ечмай юришибди. Улар эғниларидаги кийимлари билан мақтанишади.

Форслардан олинган ўлжалар тақсимланган вақтида Симошка Қийиқнинг улушига бир салла тегди. Бу қимматбаҳо шоҳи салла олтин, дур билан безатилган эди. У Симошканинг бошига лойиқ келди. Казак уни бошига кийиб олди. Энди, Симошка казакка эмас, аллақандай турк амалдорига ўхшарди.

Симошкага саллада юриш жуда ёқарди. Одамлар Симошкани кўриб анграйиб қолишарди. Тўда-тўда болалар унинг кетидан эргашиб юришарди. Симошка одамларга ғилай кўзи билан қараб, тентакнамо жилмайиб қўярди.

Симошка дўсти Гаврил Болшайни учратиб, салласини мақтанди.

Любим Непейводани кўриб қолиб, унга ҳам мақтанди.

— Олтин, марваридлар қадалган,— деб тушунтиради ким учраса Симошка.— Бу салланинг нархи икки юзта казак телпагининг нархига баробар. Мендан олдин бу саллани Турк подшошининг ўзи кийиб юрган экан.

Қазак Астрахань кўчаларида сайр қилиб юриб, кутилмаганда Разинга юзма-юз келиб қолди.

Разин казакнинг одатдан ташқари қиёфасига, унинг ғилай кўзлари ва телба жилмайишига бир нафас қараб турди-да, бармоғини найза қилиб:

— Туркмисан?— деб сўради ундан.

Симошка шошиб қолди.

— Отахон атаман, мен казакман. Мен Симошка Қийшиқман,— деди шоша-пиша.

— Қийшиқлигингни кўриб турибман,— деди Разин.— Қийшиқ бор, казакни эса кўрмайпман.

— Отахон Степан Тимофеевич, мен донликман. Мен ўзинг билан бирга Исфaxonга борганман. Мен казакман, казакман,— деб ишонтиришга уринади Симошка.

— Кўрмайпман, кўрмайпман,— деб такрорлади Разин. Унинг овозидан ғазаб сезилиб турарди.

Симошка гап нимадалигини дарҳол фаҳмлади, у жуда ҳам бераҳм эмасди. Дарҳол бошидаги салласини қўлига олди.

Степан Тимофеевич казакка қараб турди-да, яна такрорлади:

— Казак йўқ, казакни кўрмайпман,— деди.

Симошка Қийшиқнинг юраги орқасига тортиб кетди. Чунки Разин қўлини кескир казак шамширига югуртиргандай туюлди.

«Ҳозир чопиб ташлайди!»

— Бир нафас!— деб бақириб юборди Симошка.

У савдогарлар растаси томон ўқдек отилди. Бир минут ўтар-ўтмас қайтиб келди. Симошканинг қўлида салла йўқ эди. У бошига казакларнинг қоракўл телпагини кийиб олганди.

Разин унинг телпагини кўриб жилмайди ва:

— Мана энди казакни кўриб турибман,— деди.

Симошканинг оғзи қулогига етди.

Шундан кейин казак:

— Атаман жуда қаттиққўл одам. Қандай қилиб, унга дуч келиб қолдим-а? Унга йўлиқиб қолмаганимда, ўша саллага икки юзта казак телпагини алмашиб олган бўлар эдим,— деб одамларга ҳасрат қилди.

Салла воқеаси бошқа казакларга ҳам сабоқ бўлди. Разинчилар эгниларидаги тулки, сувсар пўстинларни ечиб ташлашди. Улар яна ўзларининг зипун ва казак чакмонларини кийиб олишди.

Разин денгиз сафаридан қайтиб, Астраханда бир оз дам олганидан кейин казаклари билан яна она юрти — Донга қайтиб келди.

«ҲАММА БАРОБАР»

Разинчиларни Донда шоду хуррамлик билан кутиб олишди. Қўпчилик казакларнинг уйларига омон-эсон қайтиб келишларидан умид узган эдилар. Улар тўғрисида ҳар хил миш-мишлар тарқалганди. Баъзилар донликлар Каспий денгизиде, тўлқинда ғарқ бўлишганмиш дейишса, баъзилар, казаклар аллақайси ерда бўлган қаттиқ жангда қирилиб кетган эмиш, деган хабарларни тарқатишганди.

Мана, кутилмаганда улар тан-жонлари соғ, омон-эсон уйларига қайтишди.

— Қандай абжир одамлар!

— Хўш, у бегона ўлкалар қалай?

— Исфакхон мамлакати дурустми?

— У томонда қуёш, ойнинг йўқлиги тўғрими?

Станицаликлар денгиз ортидан келтирилган ўлжаларни қизиқиб кўришади. Разинга пашшадай ёпишиб, уни саволга кўмиб ташлашади:

— Ўша томонга яна сафарга чиқасанми? Биз ҳам сен билан бирга борардик. Сеникига ўхшаган пўстин ва чопонлар бизга ҳам яраб қоларди, олтин ва қумушлар ортиқчалик қилмасди.

Лекин Разин бошқа парсани ўйларди:

«Наҳотки форсларнинг чопонлари бахт келтирса! Ҳа, ўн кишидан бирининг чўнтаги қаппайса ҳам одамлар бой бўлмайди».

Степан Тимофеевич озмунча дунё кездими. Бир вақтлар қари Разя ҳам:

— Дайдн,— деган эди.

Жанубга — қримликлар ва нўғойлар ҳузурига борди, ҳарбий юришда ғарбга, Польша чегараларигача одимлади. Москвада икки марта бўлди. Ундан ҳам олис ерларга — энг шимолга, совук сувли Оқ депгизгача етиб борди.

Степан жуда кўп юрди, кўпни кўрди. Рус юртининг ҳамма ерида боярлар ҳукмрон. Одамзод ҳамма ерда ҳам муҳтожликда яшамоқда.

— Йўқ, бахт чопонда эмас. Станицаликлар, бахтни бошқа ердан излаш лозим. Қуш эркин яшайди,— деди Степан Тимофеевич.— Балиқ ҳам эркинликка эга. Чўл қўнғизи, ўрмондаги ҳайвон ҳам ўзларига-ўзлари ҳукмрондирлар. Шундай экан, дунёда одамлар нега улардан ёмон яшашни керак? Э-ҳа, Русни боярлар тизгиплаб олган. Қанп энди, гишнинглаб елкасига мишиб олганларни бир силкитиб ағдариб ташласа.

Казаклар бу ғалати сўзни эшитиб ҳайрон бўлиб қолишди. Албатта, ким ўзига дурустроқ, бойроқ бўлса: «Розиман!» дейишга шошилмас эди.

Бироқ кўпчилик:

— Степан, гапинг тўғри, тўғри сўзладинг! Қани энди одамлар тезроқ оёққа турсалар,— деди.

Разин Донга қайтиб келганидан кейин кўп ўтмай, Дон қўшинлари пойтахти Черкасскга келди. Шу ерда қўшинлар атамани Корнила Ходнев билан ўртада қаттиқ гап бўлди.

— Степан, нега халқни йўлдан оздиряпсан?— деди атаман жиддий.

— Корнила, уларни мен қийнаяпманми? Эҳтимол бунинг

учун боярлар айбдордир. Ушаларни жавобгарликка тортиш керак,— деди Степан.

— Ўйнашма, казак, ўйнашма!

Бу ерда, бутун Донда Корнила бошлиқ. У подшо олдида ҳаммасига жавобгар.

— Сен, Стенька, тилингни тийиб юр. Яхшиликча, дўстона гапиряпман.

— Эҳ, Корнила, Корнил Яковлевич!— деди Разин атаманга истеҳзо билан.— Кўриниб турибди, димоғинг кўтарилиб қолибди. Сен ҳам боярларнинг тўдасига қўшилган кўрипасан. Ишқилиб осмондан шалоп этиб ерга йиқилиб кетмагин япа.

Ходневпиг қовоғи осилиб кетди. Жуда дағал гапиряпти, казак. Бунақа сўз учун... Лекин қўшни атамани эҳтиёткор. Донда Разиннинг обрўси баландлигини у биллади. Бутун куч Разин томонда. Шу боисдан Корнила ҳозирча жайжаллашмасликка қарор қилди.

— Хўш, сен ўзинг қайси русни ёқлайсан?

— Аслида камбағал ҳам, бой ҳам бўлмаслиги керак. Ҳамма баробар бўлсин. Мана мен ана шундай Русь тарафдориман,— деб жавоб берди Разин.

БОШЛИҚ

1670 йил. Бундан уч йил аввалгидек Разин яна Волга бўйига келди. Атаман бу сафар бойлик орттириш учун келмади. Бахтин узоқ ерлардан ахтармоқчи ҳам эмас у. Степан Тимофеевич она рус тупроғида бахт учун жанг қилишга отланди. У боярларга қарши уруш эълон қилди.

Қўзғолончиларнинг йўлидаги биринчи шаҳар Царицин эди. Разинчилар шаҳардан сал юқоридаги тик қирғоқда лагерь қурдилар.

— Ҳаялламай Царицинни олсак бўларди,— деган гап тарқалди казаклар орасида.

Бу ерга, Разин ҳузурига Царицин аҳолиси вакиллари ҳам таширф буюрди!

— Отахон, марҳамат қил, ҳукмдоримиз бўл. Царицин аҳли сени кутяпти. Бизнинг мақсадимиз ҳам бир. Сенга шаҳар дарвозасини очиб берамиз.

— Олиш керак, Царицинни олиш керак.— дейишарди маслаҳатчилар ҳам.

Аммо Разин шошилмасди. У Волганинг юқори тарафидан Царицинга ҳарбий кемаларда катта қўшин сузиб келаётганидан хабардор эди. Стрелецларда замбараклар, милтиқлар, пилта милтиқ (мушкет)лар бор. Улар жанг қилишга ўргатилган. Уларга машҳур командир Лопатин бошчилик қилаётир. «Бундай куч-

ли қўшинни шу кучимиз билан қандай қилиб тор-мор этса бўларкин?— деб ўйлайди Разин.— Шаҳарда яшириниб бўлмайди. Фақат узоқ қаршилик кўрсатиш мумкин, холос. Биз бутунлай яксон қилишимиз керак, казакларнинг бутун кучи билан».

Лопатин Царицинга борган сари яқинлашиб келмоқда.

— Атаман, қалъани олиш лозим!— дея шовқин кўтаришди казаклар.

Разин шошилмади. Орқага сурди.

Лопатин ҳар куни олдинга айғоқчилар юборарди. Улар казакларнинг хатти-ҳаракати тўғрисида бошлиқларига: «Улар ҳамон тепаликда туришибди. Шаҳар билан ишлари бўлмапти» — деган хабарларни етказиб туришди.

— Тентаклар,— дея масхара қилади бошлиқ Лопатин.— Уларнинг ичида дурустроқ командир ҳам йўқ-да!

— Отахон, Ота, Царицинни олмоқ лозим, Царицинни!— деб ёлворишади атаманга казаклар.

Разин ҳеч нарса эшитмаётгандай жим туради. Бирдан Разин кутилмаганда ғойиб бўлиб қолди.

Шу пайт Лопатин қарвони казаклар турган тепаликка яқин келиб қолди. У томондан ўқ ҳам узила бошлади.

«Отинги, отаверинг!— деб бақирди Лопатин.— Ким яхши ўқ уза олишини билиб қўйсин».

У хатарли қирғоқдан ўзини четроққа тортарди. Мана Царицин ҳам кўринди. Мана у ёнгинада. Мана, ниҳоят қалъадаги замбараклардан олқиш салютлари ҳам берилди.

Лопатин ўзида йўқ мамнун. Бошлиқ севиниб қўлларини ишқалайди.

Бирдан... Бу нимаси?! Царицин девори томондан замбарак ўқлари ёғила бошлади. Бир марта, иккинчи... ўнинчи... Юзинчи... Улар подшо кемаларига келиб тушарди. Кемалар худди қоғоздан ясалгандай бир томонга қийшаяр, оғар, чўкиб ғарқ бўларди.

Қимдир баланд шаҳар девори устида атаман чакмонида юрган кенг яғринли бир казакни кўриб қолди.

— Разин, Разин Царицинда!

— Қароқчилар шаҳарда экан!

— Тўхта, орқага қайт!

Лекин шу оннинг ўзидаёқ худди команда берилгандай Волганинг ҳам ўнг, ҳам сўл қирғоғида казаклар пайдо бўлди, улар қайиқларга ўтириб, дарёдаги кемалар томон ташландилар. Разинчилар подшо кемаларига бамисоли боларилар асалга ёпишгандай ёпирилишди.

— Ур уларни! Йиқит!

— Бошлиғининг бошини қирқ!

Стрелецлар таслим бўлишди.

— Атаманимиз муғамбир, жуда муғамбир!— деб қойил қо-
лишди ғалабадан сўнг қўзғолончилар.— Уни қара-я, бошлиқни
ҳам алдади! Сўнгги дақиқагача Царинини олмай турди-я.

— Бошлиқнинг боши битта, Разиннинг боши — иккита,— деб
ҳазил мутойиба қилишди разинчилар.

РАЗИН ШАҲАРЧАСИ

— Атаманимиз иш билармон, жуда муғамбир!— деб, Лопатинни тор-мор этганларидан кейин ҳам разинчилар узоқ вақтгача гапириб юришди.

— Ҳа, жуда муғамбир,— деб уларнинг сўзини маъқуллашди
уч йил муқаддам Разин билан Эрон сафарида бўлган одамлар
ҳам.

Разиннинг Ёйиқ бўйидаги шаҳарчани қандай олганини ҳам
эслай бошладилар.

Бу шаҳарчани эса денгиз сафари олдида казакларнинг қар-
ердадир қишлоғи ўтказиши лозим бўлгани учун эгаллаган эди.
Воеводлар казакларни яхшиликча шаҳарга киритишни хоҳ-
ламаган эдилар.

Воқеа бундай бўлган эди.

Ёйиқ дарёси. Каспий денгизи. Ёйиқ бўйидаги тош шаҳарча.

Ёйиқнинг баланд миноралари. Қалинлиги бир неча метр ке-
ладиган деворлар, дубдан ишланган дарвозалар. Шаҳар эмас,
мустаҳкам қалъанинг ўзи.

«Казакларим шу ерда дам олади,— деб хаёлидан ўтказди
Разин.— Қани, тўғри бориб, бу шаҳарни олиб кўр-чи! Қўшин-
нинг ярмини мана шу девор остидаёқ йўқотиш аниқ».

Бир куни Разинга чўлда келаётган одамларни ушлаб олди
деб хабар қилишди. Улар ўттизга яқин. Ёйиқ қалъасига келиша-
ётган эмишлар. Улар зиёратчилар. Монахлар экан.

Разиннинг «Булар художўй, мўмин бандалар. Уларни қўйиб
юборинглар, йўлларида қилишмасин»,— деб юборишига сал
қолди. Лекин, бирдан хаёлига бир фикр келди:

— Ҳой, шошманглар. Уларни бу ерга келтиринглар,— деди.
Монахлар келишди.

— Ечининглар!— деб буюрди монахларга Разин. Сўнг ка-
закларга буюрди:— Кийиб олинглар!

Шундай қилиб улар уст-бошларини алмаштириб олишди.

Ёйиқ қалъаси нотинч. Стрелецлар ҳам, уларнинг бошлиқла-
ри ҳам чўлда, яқин ерда Разин турганини билишади. Ҳали за-
мон қалъа девори ёнида пайдо бўлиб қолиши мумкин.

Бошлиқ қалъа соқчиларини кучайтирди. Уларга рухсатсиз
дарвозадан бирон кимсани киритмаслик ва чиқармасликни
қатъий буюрди. Тунда эса, дарвозани бутунлай тамбалаб қўйи-
ладиган бўлди.

Қуёш ўз ётоғига бош қўймоқда. Соқчилар қоровулликда туришибди. Улар тикилиб, чўлга қарашади. Бирдан шаҳарга қараб келаётган бир тўда одамларни кўриб қолшибди. Яхшилаб қарашса — келаётганлар монахлар.

Зиёратчилар дарвозага етиб келишди ва:

— Очинглар,— деб бақирди.

Соқчилар ҳайрон бўлишди:

— Қаёққа бормоқчисизлар?— деб сўрашди.

— Ёйиқ Соборига. Авлиёлар хочига сажда қилгани келдик.

— Чўлда тунайверинглар. Бегоналарни киритмаслик тўғрисида буйруқ берилган.

— Вой, худосиз бандалар!— дея чувиллаша бошлади монахлар.— Худо уради сенларни...

Соқчилар кенгаша бошлашди. Бошлиқлари ҳузурига бориб хабар қилишди.

— Улар неча киши экан?

— Ўттизга яқин.

— Қўйиб юборинглар. Лекин қараб туринглар, уларга қўшилиб бошқалар ҳам кирмасин.

Бунгача қоронғи тушиб қолган эди. Соқчилар вакили қайтиб келди. Тамба олиниб, дарвоза очилди. Серсоқол соқчи зиёратчиларни дарвозадан бирма-бир санаб ўтказа бошлади.

— Бир, икки... йигирманчи... ўттизинчи... тўхтанглар!

— Ҳой соқол, нима, санашни ҳам билмайсанми?— кимнингдир овози эшитилди.— Ҳали йигирманчиси ҳам ўтгани йўқ-ку.

«Нима бўляпти ўзи?— Соқчи гангиб қолди.— Мана бу қирқинчи. Мана элликта бўлди. Мана энди мужиклар ҳам кириб келяпти. Мана отлик ҳам тиқилиб кела бошлади. Бир отлик, унинг кетидан — иккинчи, иккинчининг кетидан — учинчиси».

— Тўхтанглар! Тўхтанглар!— деб бақирарди соқчи.

Қани энди тўхташса! Шу пайт унинг ёнига бир азамат йигит югуриб келди. Унинг оғзига олдиндан тайёрлаб қўйилган латтани тиқиб қўйди. Қалъадагилар то нима бўлаётганини тушуниб шовқин-сурон кўтаргунларича фурсат қўлдан бериб қўйилган эди.

Разин Ёйиқ шаҳарчасини шу йўсинда жанг қилмай қўлга киритди. Тўғри, шаҳар кўчаларида отишма ҳам бўлди. Лекин бу ҳисоб эмас.

Боярлар шаҳарчаси эди. Энди у Разин шаҳарчаси бўлиб қолди.

«ҚУТҚА-Р-ИНГ-ЛАРИ»

Разин Волга қирғоғида ўтирарди. Тун. Разин қилчига таяниб ўйланиб қолди.

«Қайси томонга юриш қилганим дуруст бўларкин? Жанубга — она Волга бўйлаб қуйи томонга юриб, Астраханга, Каспий денгизга бориш яхшимикин, ёки бўлмаса, Шимолга — Саратов, Самара, Қозон ва ундан кейин Москва томон юрганим яхшимикин?

Москва, Москва! Ҳамма шаҳарларнинг шаҳари. Қани энди ўша шаҳарга қараб юрса! Уни эгаллаб, ҳамма боярларни қувғин қилсанг. Ҳа, бунга вақт эрта. Ҳозирча, кучимиз етишмайди. Замбарак, милтиқ ва ўқ-дориларимиз етарли эмас. Бунинг устига деҳқонлар ҳам жанг қилишни билишмайди. Қўпчиликнинг эғни-боши юпун, йиртиқ-ямоқ. Демак жанубга юрмоқ лозим,— деган фикрга келди Степан Разин. Одамларни тўйғазиб, кийинтириш керак. Қўшин тузиб олиш керак. Ундан кейин...— Разиннинг юраги ҳаприқиб кетди.— Ундан кейин бутун боярлар Русини хиқилдоғидан олса ҳам бўлаверади!»

Атаман ҳамон Волга қирғоғида ўтириб, чуқур ўй суради. Тўсатдан дарёдан бақирик эшитилди. Олдиниға секин эшитилди. Разин менга шундай туюлгандир деб ўйлади. Сўнгра қаттиқроқ, янаям қаттиқроқ эшитилди:

— Қутқаринг-лар!

Атроф тим қоронғи. Зим-зиё. Ҳеч нарсa кўрннмайди. Лекин, кимнингдир дарёнинг тез оқар ерига келиб қолгани ва сувга фарқ бўлаётгани аниқ эди.

Разин дарё ёқасига югурди. У кийими билан ўзини дарёга отди.

Атаман овоз келаётган томонга сузиб кетди. Қулоч кетидан қулоч отади ва:

— Кимсан, ўзингни тут!— дейди у.

Ҳеч ким жавоб қайтармайди.

«Кечикдим, кечикиб қолдим,— Разин афсусланади.— Бекордан бекорга одам ҳалок бўлди». У яна ўн газча сузиб борди. Кейин орқага қайтмоқчи бўлди. Худди шу пайт пахмоқ соқолли одам олдиғинасидан сувда қалқиб кўринди, кимнингдир қўли питиллади.

— Қутқаринг-лар!— деб хириллади серсоқол ва яна сувга ботди.

«Энди қутқармай қўймайман!»— деди атаман хурсанд бўлиб. У шўнғиб, бояги одамни ушлаб олиб, қирғоққа судраб чиқди. Қумга чалқанча ётқизди. Тиззаси билан кўкрагини босди. Қутқазилган кишининг оғзи-бурнидан сув келди.

— Сувга роса мириқибди,— деди жилмайиб Степан Тимофеевич.

Қутқарилган киши кўп ўтмай кўзларини очиб, атаманга қаради:

— Раҳмат сенга, казак.

Разин нотаниш бу одамга тикилиб қаради. У озгин, қуриб қолгандай эти бориб устихонига ёпишган. Оёғида йиртиқ чориқ, эғнидаги кийим-боши эскириб, увадаси чиқиб кетган.

— Қимсан?— деб сўради ундан атаман.

— Қочоқман, Разиннинг ҳузурига кетяпман.

Деҳқон инграб, ҳушидан кетди:

Шу лайт қирғоқда:

— Отахон! Атаман! Степ-ан Тимофеевич!— деган овозлар эшитилди.

Дўслари Разинни қидириб юришганга ўхшарди. Разин зулматга қадам қўйди.

Казаклар деҳқонга дуч келишди. Улар энгашиб, қулоқ солишди.

— Нафас оляпти!

Икки киши қутқазиб олинган одамни лагерга судраб кетишди, қолганлар Волга қирғоғи бўйлаб кетишди.

— Отахон! Атаман!

Эрталаб юзбошилар Разинга казаклардан кимдир тунда бир қочоқни ўлимдан қутқазиб қолганини айтишди. Лекин унинг кимлиги номаълум. Қазак юзликларида қутқарганини ҳеч ким тан олмаяпти.

— Ҳаммадан бирма-бир сўраб чиқмаганга ўхшайсизлар?— деди Степан Тимофеевич, мийиғида кулиб.

Царцинда бир неча кун турганларидан кейин, Разин Астраханга юриш тўғрисида буйруқ берди.

УЗИ ТУШУНИБ ОЛАДИ

Разин Волга бўйлаб қуйи томон боради.

— Разин келяпти. Разин!

— Степан Тимофеевич Разин!

Россия мамлакатида нотинчлик. Боярлар ва подшо малайларни ташвишга тушиб қолдилар. Эркисиз мазлум халқ қўзғалди, бош кўтара бошлади.

— Разинга шон-шарафлар!

Труба-Нашчокин деган бояр ўзининг крепостнойини¹ азобларди. Бечоранинг оёқ-қўлларини чирмаб, чилвир билан курсига боғлаб қўйишди. Бояр деҳқоннинг ёнида туриб қўлидаги қамчи билан унинг яланғоч елкасига саваларди.

— Мана сенга, мана сенга жулдурвоқ! Мана сенга, қулввачча! Хўжайинга тик қараш нималигини сенга ўргатиб қўяман!

¹ Крепостной — 1861 йил ислохотиғача Россия деҳқонлари, помещиклар мўлки бўлиб, уларни сотишар, сотиб олишарди. Уларни крепостнойлар деб аташарди.

Труба-Нашчокин ҳар сафар қамчи урганида терини тилиб қон чиқариш учун уни силтаб ўзига тортади. Кейин нафасини ростлаб олади ва яраланган терига намакоб сепеди. Кейин яна қамчилай бошлайди.

— Отахон Ливонтий Минаич,— деб ёлворади деҳқон.— Раҳм қил! Мени ўлдирма. Ёмонлик қилмадим, келиб қолганингни билмабман.

Бояр бўлса, ялиниб-ёлворишига қулоқ солмай, даҳшатли ишини давом эттираверди. Деҳқон ҳолдан тойди. Лекин у сўнгги кучи ва иродасини жамлаб:

— Шошмай тур, барин! Разин ҳали келади...— деди.

Шу топда: «Разин келяпти!»— деган овозлар эшитилди боярнинг ҳовлисида.

Труба-Нашчокин қўрқинчдан башараси бужмайиб кетди. У қўлидаги қамчини ташлади. Деҳқонни ҳам ташлаб, кафтанининг этагини қўлига олганича эшикдан чиқиб қочди.

Разин казаклари боярнинг қўрасига кириб келиб, унинг майларини савалашди. Лекин хўжайиннинг ўзи қаёққадир яшириниб улгурган эди.

Разин деҳқонларни сайхон ерга тўплади. Уларни эркин деб эълон қилди. Кейин деҳқонларга оқсоқол сайлашни таклиф қилди.

— Гурян ғилайни! Гурка, Гуркани сайлаймиз!— деб бақиршиди тўпланганлар.— У энг ақлли. У ҳаммадан кўра адолатли.

— Гуркани бўлса, Гуркани,— деди Разин.— Унинг ўзи қани? Бу ёққа чиқ-чи.

— Уйда у, уйда. Уни бояр ўласи қилиб калтаклади.

Разин одамлар орасидан чиқиб, Гурян ғилайнинг уйи томон юрди. Ичкарига кирди. Жабрдийда узун курсида ётарди. У қимир этмасди. Унинг елкаси яланғочланган. Аъзойи бадани қоп-қора қонга беланган эди.

— Гурян,— деб чақирди деҳқонни атаман.

У қимирлагандай бўлди. Кўзини бир оз очди.

— Ниҳоят кутганим бўлди, келди,— деб шивирлади бечора. Унинг юзида табассум пайдо бўлди-ю, шу он сўнди. Гурян дунёдан ўтди.

Разин казак ва деҳқонлар даврасига қайтиб келди.

— Бояр қани?— бақирди у.

— Топа олмадик, отахон атаман.

— Қани бояр!— деди Степан Тимофеевич ҳеч нарсани эшитмаган кишидай яна.

Казаклар яна уни излаб кетишди. Тез орада бояр топилди. У ҳаммомида, буғхонадаги печь ичига кириб яшириниб олибди. Ўша ерда ўтирган экан.

Труба-Нашчокинни Разиннинг ҳузурига судраб келишди.

— Осиш керак, осиш!— деган овозлар эшитилди.

— Уни қайини дарахти ёнига олиб боринг,— деб буюрди Разин.

— Раҳм қил! Нобуд қилма!— деб ёлвора бошлади Труба-Нашчокин.— Раҳм қил,— хотинларга ўхшаб чийиллаб, уввос солиб йиғлади у.

Разин ғазабли жилмайди.

— Атаман, тамом қилиб қўя қол! Вақт ўтмасин,— деб шовқин солишди деҳқонлар.

Тўсатдан бир қизча пайдо бўлди. У кичкинагина эди. Қизча Разинга қараб:

— Унга раҳм қилинг, амаки,— деди.

Деҳқонлар жим бўлиб қолишди. Ҳамма қизчага тикилганича: қаердан келиб қолди?— деб ҳайрон эди.

— Бу ишимиз худога маъқул бўлмаяптими?— деб юборди кимдир.

— Норасида бола ишимизни маъқулламаяпти шекилли?

Ҳамма атаманинг кўзига қараганича жим турарди.

Разин олдин қизчага, кейин деҳқонларга ва ундан кейин узоқларга, баланд осмонга қаради ва:

— Катта бўлса, ўзи тушуниб олади, бизни айбламайди. Осавер!— деб буйруқ берди казакларга.

ГУЗАЛ ПАРИЛАР

Разин Царичиндан йўлга чиқиб, Волга бўйлаб қуйи томонга — Астраханга юриш бошлади. Худди шу пайт князь Семён Львов Разин қаршисига Волганинг қуйисидан йўлга тушди. У солдатлари, стрелецлари билан бораркан:

— Ёвуз, энди эҳтиёт бўл!— дерди.

Астрахань билан Царичиннинг қоқ ўртасида унча катта бўлмаган Черний Яр шаҳарчаси жойлашган эди. Черний Яр шаҳарига Разин биринчи бўлиб етиб келди. У шаҳарчани эгаллаб олганидан кейин: «Жанг қилишга яхши жой экан»,— деб ўйлади.

Дарҳақиқат бу ер жуда қулай эди. Шаҳарнинг ўзгинасидан Волга бурилиб ўтади. Дарёнинг бурилган ерида казакларнинг қайиқлари жуда қулай яширина олади. Волганинг қирғоқлари қаминшор. Бу эса иккинчи бошпана бўла олади. Степан Тимофеевич Львовни Черний Ярда кутиб олишга қарор қилди. У олдинга дозорлар юборди. Дозорлар душман кемалари шаҳарга яқинлашиб келаётганини хабар қилганлари ҳамон, у ҳузурига черноярлик аёлларни тўплаб келишни буюрди.

— Аёлларни?— деб ҳайрон бўлишди юзбошнлар.

— Ҳа, ўшаларин,— деди Разин.

«Нима қилмоқчи?— ўйлашарди разинчилар.— Қизиқ, отахон атаман яна нималарни ўйлаб топдидикин?»

Аёлларнинг ёшу қариси йиғилди. Улар бунақанги илтифотни кутмаган эдилар. Энди нима бўларкин, деб қизиқиб кутишяпти. Ҳамма жим. Атаманнинг сўзини кутишмоқда.

— Саломатмисиз, гўзал парилар!— деб мурожаат қилди уларга Разин.

— Саломат бўл, атаман!— деб унга таъзим қилишди черноярсклик аёллар.

— Болаларингиз, набираларингиз соғ-саломатми, эракларингиз ичиб олиб, спэлари уришмаяптими?— деб сўради улардан Степан Тимофеевич ва кутилмаганда:— Нега Волгага кир ювгани бормай қўйдингиз?— деди.

— Ҳозир хатарли-да, отахон атаман. Шаҳарга стрелецлар қўшини яқинлашиб келмоқда. Ахир, тўсатдан...

— Қўшин келса нима қилибди, ўзингиз ҳам қўшиндан қолишмайсиз,— деб жилмайди Степан Тимофеевич.— Қани, тезда кирларингизни олиб, Волга бўйига боринглар. Кейин ўзим бориб текшираман.

— Тавба,— дея ажабланишади аёллар,— казакларнинг бошлиғи ғалати одам экан.

Разин черноярсклик аёлларга жавоб бериб юборганидан кейин, балиқчиларни тўплаб келишни буюрди.

Унинг ҳузурига балиқчилар тўпланишди.

— Салом, балиқчилар!

— Саломат бўл, атаман!

— Қалай, бу ерларда ов қалай?

— Ҳа, атаман, насибамизга лойиқ ов бўлиб турибди. Гоҳида йирик, гоҳида майдароғи нлиниб қолади.

— Ундай бўлса, нега уйда ўтирибсизлар?

— Отахон атаман, ҳозир хавфли. Қуйи тарафдан стрелецлар қўшини келяпти. Ахир, худо кўрсатмасин...

— Мен бўлсам, балиқчиларни довярак одамлар деб ўйлаб юардим!— деди масхаралагандай Степан Тимофеевич.— Адашган эканман-да.

— Адашмагансан. Мутлақо адашмагансан!— деб шовқин кўтаришди балиқчилар.

— Ундай бўлса, майли, худо омадларингни берсин, боравринглар.

Балиқчилар Разин ҳузуридан чиқиб кетишди. Улар ҳайрон бўлиб, бир-бирларига:

— Казакларнинг атамани ғалати одам экан. Ёки у балиқ шўрвани соғиниб қолдими,— деб шивирлашди.

Князь Львов ҳам Разинга ўхшаб, олдинга разведкачилар юборган эди. Айгоқчилар Черныш-Яковлевиқача етиб келишди ва қайтиб бориб, шаҳарга боийишталик ҳуку сураётганини ха-

бар қилишди. Хотинлар кирларини ювишяпти. Балиқчилар сувдан тўр кўтарниш билан овора.

— Князь Семён, қароқчилар кўринишмайди.

Стрелецлар тушган кемалар Черний Яр шаҳарига етиб келишди. Ҳақнқатан ҳам хотинлар кир юварди. Балиқчилар дарёга ташлаган тўрларини тортиш билан овора эдилар. Қирғоқдаги қамишзорлар ҳам қилт этмай осойишта турибди.

Князь жазирама қуёшга қараб эснади-да, кемаларни қирғоқ томонга ҳайдашни буюрди.

Кутилмаганда... Қўшин командири ўз кўзига ишонмай қолди. Дарёнинг бурилган еридан кемалар томонга елканли ва эшкакли қайиқларда казаклар тўс-тўполон ва шовқин-сурон кўтариб яқинлашиб келардилар. Худди шу пайтнинг ўзида қамишзор ҳам ҳаракатга келди, унинг орасидан ўнларча казак қайиқлари душман кемаларининг орқа томонидан сокин Волга қўйнига сузиб чиқди.

— Сарин, чиранма!— деган овоз оламни ларзага солди.

— Са-ари-ин чи-ран-ма-а-а!

Бир соат ичида ҳаммаси тугади! Князь Львовни бўйнида сиртмоқ билан Разиннинг кемасига келтиришди.

Казаклар Львовни шу оннинг ўзидаёқ осмоқчи бўлишди.

Бироқ Разин унга раҳм қилди.

— У биронта одамга ўқ отишга ҳам улгурмади!— деб кесатди Степан Тимофеевич.— Агарда чиндан ҳам қон тўкмайдиган одам бўлса, майли, яшай қолсин.

АСТРАХАНЬ

Астрахань. Ўша кеча ҳаво айниди. Қора булут осмонни қоплади. Узоқ-узоқларда чақмоқ чақнаб, момақалди роқ узундан-узоқ гулдуради.

Астрахань вилоятининг лашкарбошиси Иван Прозоровский Вознесенск дарвозаси деворида турар ва ҳар сафар момақалди роқнинг гулдурашини эшитиб ранги оқариб чўқинарди. Прозоровский болалик чоғларидан момақалди роқдан қўрқар, уни ёмон кўрарди. Уч кундирки Разин шаҳар бўсағасида турибди. Уч кун ва уч кечадан бери вилоят бошлиғи, стрелецлар, солдатлар шаҳарга бўладиган ҳужумни кутишади.

Астрахань — мустаҳкам қалъа. Бу ерда ҳандақ ҳам бор. Бу ерда кўтарма ҳам бор. Деворлари ҳам Царицинникидай ёғочдан эмас, тошдан ишланган. У ерда деворнинг баландлиги ўн газ келса, бу ерда йигирма метрдан кам эмас. У ердаги деворнинг қалинлиги нари борса бир газга етади, бу ердаги деворнинг устида эса уч от қўшилган файтонни чоптириб юрса ҳам бўла-

веради. Бундай қалъани унча-бунча қўшин ололмайди. Бунинг устига ўн икки минг стрелец ва солдатга эга.

Мустаҳкам девор ичкарисиди яшашига, етарли қўшини бўлишига қарамай, Прозоровский доим ташвишда яшайди. У хотиржамлик нима эканини билмайди. Шаҳар халқи ниманидир шивирлашгани-шивирлашган. Эҳ, эндиги одамларга ишониб бўладими! Ишқилиб, улар орасидан сотқин чиқиб қолмасин-да!

Мана лашкарбоши бугун ҳам Вознесенск дарвозасининг деворида қоронғиликдан кўз узмай турибди.

«У қароқчи нимани кутаётганикин?— деб ўйига етолмасди Иван Прозоровский.— Яна макр ишлатмоқчига ўхшайди. Эҳтимол ҳозир девор тагидан лаҳм қазияптимикин? Ёки бўлмаса, бу ёвуз ёрдамчи куч кутяптими? Ёки қалъани оч қолдириб қўлга олмақчимикин? Ёки бўлмаса, шунчаки асабимга тегяптимикин».

Шу кунларда атаман тутаётган йўлга казакларнинг ўзлари ҳам тушунолмадилар.

Улар атаманга бир неча марталаб:

— Отахон атаман, нега қўл қовуштириб ўтирибмиз? Девор томон кўкрагимизни қалқон қилиб борамиз,— деб мурожаат қилишди.

— Кўкракни қалқон қилиб борса бўлади, лекин ақлни ишлатган яхши,— деб жавоб қайтарди Разин.

Мана, ниҳоят, тўртинчи оқшом қўнғач, кундуз куни эмас, момақалдироқ даҳшат солаётган тунда Разин хужум бошлаш ҳақида буйруқ берди.

Казаклар бу сафар ҳам ажабланиб:

— Тун зим-зиё, худди зиндонга ўхшайди! Бундай қоронғи кечада астраханлик стрелец ўрнига ўз туғишганингни чопиб ташлаш ҳам мумкин-ку,— дейишди.

— Сизлар қиличингизга эҳтиёт бўлинг. Дуч келган одамга қилич ураверишнинг ҳожати йўқ,— деди Разин жумбоқли қилиб.

Прозоровский Вознесенск дарвозаси деворидан жилмайиб турибди. У ёмғирдан сақланиш ниятида кафтанининг ёқасини кўтариб олган. У соқолидаги ёмғир томчиларини силкитди. Кейин яна Разин ҳақида ўйлай бошлади.

«У безори, эҳтимол ҳозир чодирда ухлаб ётгандир. Ёки бадмаст қароқчи, кайфини сураётгандир. Сен бўлсанг, бу ерда ахта отдай сувга бўкиб ўтирибсан».

Яна чақмоқ чақди. У ҳамма ёқни бир лаҳзага ёритиб юборди. Лашкарбоши чўчиб тушиб, чўқинмоқчи бўлди, лекин шу он унинг кўзи чўл томонга тушиб қолиб «оҳ» деб юборди: разинчилар ҳужум бошлашган эди.

— Жангга, жангга тайёрланинг!— деб бақирди Прозоровский.

— Оббо қароқчи-ей, унга кундуз куни камлик қилибди-да!

Степан Тимофеевич қоронғи кечани бекорға кутмаган эди. Қоронғи кечада астраханликлар унга ёрдамға келишига шубҳа қилмаган эди. Қоронғи тунда ёрдам қилган осон-да. Стрелецлар тезда сезишмайди.

— Қиличларингизга эҳтиёт бўлинглар,— деб яна такрорлади казакларға атаман.— Девор устида ўтирганларнинг ҳаммаси ҳам душман эмас. Уларнинг орасида дўстларимиз ҳам бор.

Оқибат шундай бўлиб чиқди. Разинчилар ҳужум бошлаганлари ҳамон у ер-бу ердан, аҳоли орасидан, ҳатто стрелецлар орасидан ҳам юзлаб ёрдамчилар пайдо бўлди. Қимдир разинчиларға нарвон туширди, кимдир бошдан ошириб ўқ узди, кимдир ҳужумчиларға қўл чўзиб кўмаклашди.

Қандайдир баҳодир эса овозининг борича:

— Ур чўчқаларни! Ур шайтонларни!— деб бақирарди.

Ўзи эса, қўлидаги арқонни пастга тушириб, «шайтонлар»дан бирипи девор устига тортиб оларди.

Тўғри, баъзи ерларда стрелецлар зўр қаршилиқ қилишди. Улар ўлимдан қўрқмай урушишди. Лекин ўша тунда бундайлар кўп эмас эди. Ғалаба ҳам улар фойдасига бўлмади. Разинчилар Астраханга босиб киришди. Астрахань бўйсунди.

ШАЙТОНДАН БАТТАР

Астраханлик болалардан Лукашка Нагой билан Мокапка Раков Маҳкама палатаси жойлашган майдонда ўралашиб юришибди. Улар казаклар майдонга шох-шабба ва палёнлар келтириб катта гулхан ёқишаётганларини кўриб қолишди.

Болалар казаклардан бирига савол бера бошлашди:

— Амаки, нимага гулхан ёқяпсиз!

Қазак қизиқчи эди. Юзи чандиқ. Шапкаси энгсасида қандай турганига ҳайрон қоласан. Қазак олдин ўйлаб олди, кейин болаларға қаради, ундан кейин кўзини қисиб, шўхлик билан:

— Болалар, ҳозир шайтонни жазолаймиз. Уни ёндириб, кулини кўкка совурамиз!— деди.

Лукашка Нагой жилмайиб қўйди. Разинчи ҳазиллашаётганига тушунди. Мокапка бўлса, чиппа-чин ишонди. У кўчадан чоғиб бораркан, дуч келган кишига:

— Қазаклар шайтонни жазолашади!

— Қазаклар шайтонни жазолашади!

— Ёндириб, кулини ҳавога учирашади!— дерди.

Мокапка қаттиқ қичқирганидан овози хириллаб қолди. Мокапка бақирмаса ҳам гулхан атрофига жуда кўп одам тўпланганди. Одамларнинг юзида ҳаяжон, улар бирор нарсани билишса керак. Бола яна майдонга қайтиб келиб, одамлар орасидан суқилиб, олдинги қаторга ўтиб олди.

Орадан кўп ўтмай Маҳкама палатасидан тўрт казак катта сандиқ кўтариб чиқди.

«Эҳ-ҳа,— деди ўзича тахмин қилиб Мокапка,— мана шайтон қаерга яширинган экан!»

— Ушанинг ичида шайтон ўтирибди,— деди шивирлаб ён-вер-ридагиларга Мокапка.— Ҳозир казаклар уни жазолашади. Ёнди-ришади, кейин кулини кўкка совуришади.

Бир йигит жилмайиб қўйди-да:

— Тўғри айтяпсан, Мокапка, тўғри. Сандиқнинг ичида шай-тон бор. Ҳатто шайтондан ҳам қўрқинчли у,— деди.

Мокапка бошини кўтариб, гапираётган йигитга қаради. Ун-дан: «шайтондан ҳам қўрқинчли нима бўлиши мумкин?!»— деб сўрамоқчи эди, шу пайт майдонга Разин чиқди.

— Салом, отахон атаман!— деб бараварига бақиршди одам-лар қувониб.

— Яшасин, отахон, яшасин!

Донликлар одатига кўра Разин шапкасини бошидан олиб, одамларга таъзим қилди.

Кимдир:

— Ура!— деб олқишлади.

— Ура-а-а!— дея бошқалар унга қўшилишди.

Мокапка ҳам «ура» деб қичқирди. Лекин унинг овози бўғи-либ қолгани учун хириллади, холос.

Разин майдондаги одамларни кўздан кечиргандан сўнг, сандиққа қараб юрди. Казаклар тезда унинг қопқоғини очишди.

Ҳамма жим. Мокапка қўрққанидан кўзларини чирт юмиб олди. Кимнингдир кўйлагини маҳкам ушлади.

Бола бир неча дақиқадан кейин кўзини очиб, майдонга қа-раганда аввалига ҳеч нарсага тушунмади. У даҳшатли махлуқ-ни изларди. Ҳеч қанақа махлуқ кўринмас, Разин қандайдир қоғозни ушлаб турарди.

— Мана у, бизни озодликдан маҳрум қилган нарса,— деди қоғозни баланд кўтариб Разин.— Сизни қул қилган, азоблаган мана шу.

Мокапка сандиқда сақланган нарса нима эканлигини тушун-ди. Ахир бу, Маҳкама палатасидаги қоғоз-ку! Лекин бу қоғоз-нинг шайтондан ҳам қўрқинчли эканига бола дарров тушуна олмади. Мокапка ёш эди. У бу қоғоз одамларга ҳам келтириш-ни: кимнингдир ҳаёт-мамоти ҳал бўлишини, кимнингдир боярга қул қилиб қилиб берилишини, кимдир чақув билан жазо кутаётганини билмас эди.

— Қани, астраханликлар,— деб мурожаат қилди ўзига яқин турган одамларга Разин,— муқаддас ишни бошланг!

Степан Тимофеевич қўлидаги қоғозни биринчи бўлиб гулхан-

га ташлади. У ловиллаб ёнди. Бир дақиқадаёқ қанчадан-қанча қоғоз ёниб кул бўлди, кули ҳавога совурилди.

— Раҳмат сенга, меҳрибон отахон, раҳмат!— деб бақирарди эзилган халқ.

Разиннинг юзига гулхан шуъласи тушиб турарди. Разин шовкинни босиб, халққа қарата:

— Астраханлик халойиқ, ҳаммангиз озодсиз. Хоҳлаган ерингизга боришингиз мумкин. Ўз билганингизча яшайверинг. Энди сизларга ҳукм ўтказувчи бояр ҳам, бой ҳам йўқ. Бизнинг буюк ишимизни, озодликни сақлашга ҳаракат қилинг. Шу дамдан бошлаб ҳуқуқингиз ўз қўлингизда,— деди.

— Ура!— Садоси майдон узра янгради. Ҳатто Мокапканинг овози яна очилиб қолди.

— Ура!— деб бақирарди Мокапка.

БИР ГАЗНИНГ УЧДАН БИРИ

Разин шаҳарларни олаётганида казакларига савдогарларни хафа қилмасликни тайинларди.

— Отахон атаман, биз уларга тегмаймиз,— дейишди қўзғолончилар.— Фақат улар бизни хафа қилишмаса бўлгани.

— Сизларни хафа қилиш осонми!— деди жилмайиб Степан Тимофеевич.— Газдан уриб, тарозидан алдаб хафа қилгудай бўлишса, атаманлик номини ўртага қўйиб, чора кўринг.

Разинчилар Астраханга киришди. Савдогарлар дўконларини очиб, молларини ёйиб қўйишди. Разин растанни томоша қилди. Ҳатто у қизи Парашага жажжигина қизил этикча ҳам сотиб олди.

Степан Тимофеевич чодирига қайтиб келди. У мамнун эди. Савдо-сотик ишлари ҳалол ва осойишта борарди.

Савдогар Окоёмов дўкони олдида одамлар гавжум эди. Селон ва шоҳи матоларнинг бозори чаққон эди. Қазаклар кишилик кийимга мўлжаллаб, қизил, кўк, сариқ матолардан кўйлақлик олишарди. Савдогар ўлчаб берарди. У ўлчаб туриб: «нима, мен савдогарманми ёки газдан уриб қолишни билмайдиган одам бўлиб қолдимми, шундай пайтдан фойдаланиб қолиш керак!» деб ўйлади ичида. Савдогар чўқиниб олди ва ҳар бир харидордан бир газнинг учдан бирини уриб қолаверди.

Кун яримлаб қолган эди, бирдан казаклардан кимдир ғиромликни сезиб қолди. Қазаклар ўзлари харид қилган шоҳи ва селонларни текшира бошлашди. Биринчисида ҳам, иккинчисида ҳам, бешинчисида ҳам, ўнинчисида ҳам ҳар кийимлигида учдан бир газ кам эди.

— Ушла харомхўрни!

— Лаънатини жазолаш керак!

Харидорлар савдогарни ушлаб олишди. Уни дўконидан олиб чиқиб, шу ернинг ўзидаёқ суд қила бошлашди.

Бир соатдан сўнг навбатчи ясовул Разинга хабар қилди:

— Халқнинг роса ғазаби қайнади. Савдогарни калта қилиб қўйишди.

— Қандай қилиб калта қилишди?— деб тушуна олмай сўради Разин.

— Бир газнинг учдан бирича.

— Учдан бирича?! Нимаси ўзи?

— Бошини танидан жудо қилишди.

— Туф сенга!— Разин сўкинди.— Қани, чақириб кел жазо берганларни.

Қазаклар атаман ҳузурига келишди.

Разин ғазаби қайнаб уларга бақирди:

— Учдан бир газ учун савдогарни ўлдирдинглар! Арзимас матони деб қон тўқдингларми?

— Атаман, жаҳлинг чиқмасин, ўйлаб кўр ўзинг,— деб жавоб қилишди унга казаклар.— Гап фақат газда эмас. Ўғрининг бошини танидан жудо қилиш — халқ учун фойдали, холос. Бу бизга ҳам, болаларимизга ҳам, ҳатто набираларимизга ҳам сабоқ бўлсин. Атаман, жаҳлинг чиқмасин.

Разин жаҳлидан тушди:

— Майли, боринглар.

«Савдогар керак, халққа керак,— деб ўйлади ўзича Степан Тимофеевич.— Савдо аҳлисиз яшаб бўлмайди. Лекин бунақа муғамбирлар кўпайиб кетса, катта зарар етказди. Балки одамлар тўғри қилишгандир».

ИККАЛА ҚўЛДАЙ ЗАРУР

Бир тўда қочоқ деҳқонлар Волгага — Разин ҳузурига келишарди. Улар тунда юришарди. Кундузлари эса ўрмон ва бугазорларда ухлаб дам олишарди. Катта йўлдан узоқроқ юришар, қишлоқларни четлаб ўтишарди. Шу йўсинда бир ой йўл юришди.

Деҳқонларнинг кексаси, чўтир Митяй амаки уларга:

— Атаман Степан Тимофеевич даҳшатли одам. У лапашанг кишиларни ёқтирмайди. Бордию: «Қиличбозликни биласизми?»— деб сўраса: «Биламиз»— деб жавоб қилинглар. Агарда: «Найза санчишни-чи?» деса, — «Санчамиз» — денглар, — деб ўргатарди.

Деҳқонлар Разин ҳузурига келишди:

— Отахон атаман, бизларни казак қўшинларинг сафига қабул эт.

— Қиличбозликни биласизми?

— Биламиз.

— Найза санчншин-чи?

— Санчамиз.

— Ростдан-а?— Разин ажабландп. Кейини от келтиришни буюрди.— Қани мин, пахмоқ соқол,— деб Митяй амакини кўрсатди у.— Қилични ушла.

Митяй амаки бунақа текширишни кутмаган эди. «Тамом бўлдим, ўлдим энди! Атаман ёлгон гапирганим учун ўлдиради» деб ўйлади у ва гапни бошқа томонга бура бошлади.

— Айтганча, биз кўпроқ пиёда юрамиз.

— Казаклар сафида пиёда юрмоқчимисан ҳали?! Қани, мин отга!

— Отахон, йўл юриб чарчаганман.

— Жангчи чарчашни билмайди.

Митяй амаки ночор аҳволда қолди. Казаклар уни қўлтиғидан тутиб, отга миндириб қўйишди. Деҳқон қилични қўлига олди.

Казаклар қийқиришган эди, от қушдай учиб кетди. Митяй амаки от миниб ўрганмаган. Қилични ҳам биринчи марта ушлаши. У қилични ўйнатмоқчи бўлди-ю, шу ондаёқ уни тушириб юборди.

— Қилич инжиқ. инжиқлик қилиб бўйин эгмаяпти!— дея мазаҳ қилиб кулишди казаклар.

— Унга қилич нимага керак? У душманини чориғи билан уради!— дея ҳаммадан қаттиқроқ кулади Степан Тимофеевичнинг ўзи.

Деҳқонга алам қилди. У юрак ютиб, Разинга яқин келди-да:

— Атаман, бекорга куляпсан. Қани, сен ўзинг қўш ҳайдаб кўр-чп — эҳтимол биз ҳам кулармиз,— деди.

Бу гапдан Разин қизишиб кетди:

— Хоҳласам ҳайдайман!

Омоч келтириб, унга байтал отни қўшишди. Разин эса ҳамма казаклар каби умрида ер ҳайдамаган эди. У буни оддий иш деб ўйлаганди. Иш бошлади-ю, лекин иши юришмади.

— Қаёққа, эгатни қаёққа қийшайтиряпсан!— қичқирди Митяй амаки.

— Юза кетяпти, юза. Чуқурроқ ҳайда,— деб ўргатишди деҳқонлар унга.

Атаман куч билан босган эди, омочнинг дастаси синиб кетди.

— Омоч инжиқроқ, инжиқлик қилиб бўйин эгмаяпти, қайсар!— деб кулишди деҳқонлар.

— Қазакка омочнинг нима кераги бор? Керак бўлса, у ерни қиличи билан ҳам ҳайдайверади!— деб қичқир-қичқир кулади Митяй амаки.

Разин қовоғини солиб деҳқонларга қаради.

Деҳқонлар дарҳол жим бўлишди. Митяй амаки соқолини силаб: «Атаманинг жуда жаҳли чиқади энди!»— деб ўйлади.

Бироқ Степан Тимофесвич бирдан кулиб юборди:

— Қойилман сенга, патак соқол!— Ў Митяй амакининг елкасига қоқиб қўйди.— Сабоғинг учун раҳмат сенга. Ҳой!— казакларга ишора қилди у.— Деҳқон халқини хафа қилманглар. Ўларга от ва қурол-аслаҳа беринглар. Қазаклар билан барабар бўлишсин.— Кейин ўйланиб турди-да, қўшимча қилди:— қўшчи билан жангчи бир одамнинг икки қўлига ўхшайди.





Иккинчи боб

АРҒИМЧОҚЛАР ДАРАХТДАН ҲАМ ЮҚОРИГА КЎТАРИЛДИ

ШОҲОНА УРИН

Разин Астраханда бир ой турганидан кейин Волга бўйлаб юқори томонга: ўзи эгаллаган Царицин ва у ердан Саратов, Самара, Симбирск, Қазанга қараб юриш бошлади.

Армиянинг бир қисми кема ва қайиқларда Волгадан сузиб кетди. Отрядлар бир неча чақиримга чўзилганди. Разин отрядида икки юз кема ва қайиқ бор эди. Қўшиннинг қолган қисми қирғоқ бўйлаб йўлга тушди.

Царицинга қадар таниш йўлдан, яъни Царициндан Астраханга келган йўлларидан юришди. Олдинги сафар Волга бўйлаб қуйи томонга юришган бўлса, энди улар оқимга қарши юқори томонга боришар эди. Олдин жанг қилиб ўтишган бўлса, энди озод ерлардан боришарди.

Бир неча кундан кейин узоқдан Царицин кўринди.

Шаҳарда Разин хордиқ чиқариб олсин деб, боярнинг уйини тайёрлаб қўйишди. Бу томи туиукали, зиналари мрамардан, эшиклари эмандан ясалган гиштин бино эди.

— Отахон, сенга аталган, дам олишинг учун.

Шаҳарликлар Разинни хонадаи-хонага бошлаб ўтишарди:

— Мана бу ерда бояр овқатланган.

— Мана бу ерда бояр ичимлик ичган.

— Бу ҳали ҳаммаси эмас!

Степан Тимофеевич бояр кошонаси ичра бораркан ўнг ва сўл томонга кўз югуртирарди.

— Бу ерда бояр худога сигинарди,— дея тушунтиришда давом этди шаҳарликлар.

— Мана бу ерда у хизматкорларини жазоларди.

— Бу ҳали ҳаммаси эмас!

Хопадан яна хонага ўтишади. Царицинликлар ўзларида йўқ хурсанд. Ҳар ким ўзича:

«Отахонимиз Степан Тимофеевич мамнун бўлади».

«Қаср деса, арзигудек қаср».

«Царицин отахоннинг эсидан чиқмайдиган бўлди!»— деб ўйлашарди.

Улар Разинни боярнинг ётоқхонасига бошлаб келишди.

— Отахон, бу шоҳона ўрин,— деб унга каравотни кўрсатишди улар.

Бу ажойиб каравот эди. Оёқлари баланд. Тўрт томонига парда осилган. Пар кўрпа устидан пар кўрпа тўшалган. Унинг устидан яна пар кўрпа. Пар ёстиқлар устма-уст тахланган. Унинг устида яна пар ёстиқ. Бу момиқ тўшакка ётсанг, худди чуқур дарёга шўнғигандай бўласан.

Шаҳарликлар таъзим қилиб чиқиб кетишди. Разин ёлғиз қолди. Деворларга қаради — бир метрли деворлар. Замбаракдан ўқ ёғдирса ҳам қимир этмайди. Деразаларга қаради — шапалоқдек, холос. На осмон, на юлдуз кўринади ундан. Разин юқорига қаради. Боши узра худди қабристонга қўйилувчи харсанг тош. Степан Тимофеевич оёқлари остига кўз югуртди, ер ҳам харсанг тош, тепа ҳам тош, ҳамма ёқ гир айлана тош.

Разин белбоғини ечди, қиличини олиб қўйди, этигини, кийим-бошини ечди, пистолетини ёстиғи остига қўйди, ўзи кўрпага чўзилди.

Разин пар кўрпага шўнғиб кетгандай бўлди. Казак боярга ўхшаб ётишга ўрганмаган. У тошдан ясалган шифтга, кейин шапалоқдек деразага, қалин деворларга қаради. Разиннинг нафаси қайтиб кетди. Степан Тимофеевич куни билан йўл юриб чарчаганди. Атаманни уйқу элтиб, кўзлари юмилиб кетаётган эди, бирдан уйқуси қочиб кетди.

Бунинг устига бурга тинчлик бермади. Боярнинг бургалари худди оч қолган бўрилардай ёвуз эди. Улар атаманнинг мартабасини писанд қилмай чақишарди.

Степан Тимофеевич бир соат безовталаниб ётди. Пар кўрпа ва пар ёстиқ ичида ўралашиб кетди. Аъзойи баданини қаший-вериб, тимдалаб ташлади.

— Минг лаънат бўлсин сенга!— деди чидай олмай Разин.

У боярининг тўшагидан турди. Эгни-бошини, этигини кийиб олиб, қиличини белига боғлади. Пистолетларини камарига қис-тириб олди.

Степан Тимофеевич хонадан хонага ўтиб, ташқарига чиқди.

Тунги салқин Разинни қуршаб олди. Шўх шабада юзларини сийпалади. Осмонда юлдузлар кўз қисишди. Степан Тимофеевич кўкрагини кериб, соф ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олди.

Разин атрофга назар ташлади. Ҳовлининг четидаги пичанхо-нани кўриб, ўша томонга юрди. Хушбўй пичан устига чиқиб ётди. Шу оннинг ўзидаёқ қаттиқ ухлаб қолди.

Шаҳарликлар уйларига қайтишар экан:

— Отахон Степан Тимофеевич хурсанд бўлади энди.

— Қаср деса, арзигудек қаср.

— Царининг энди отахоннинг эсидан чиқмайди!— дейишди.

Дарҳақиқат Разин Царинини эслаб қолди. Ўша-ўша бояр-ларнинг кошонасига қарагиси ҳам келмайди.

ИККИ МАРТА УН ИККИ

Царининда қалъа девори эскириб кетганди. Ғўла ёғочлар баъзи жойда чириб қолган, айрим жойлардагиси эса тушиб кет-ганди. Қўрғон тупроғи ҳам нураб кетганди.

Разин Царинин Кремлини тиклашга қарор қилди.

— Ҳозирча қўрғонсиз яшаб бўлмайди. У бизни ҳимоя қилиб туради.

Степан Тимофеевич ҳамманинг ишга чиқишини буюрди.

— Деворни қайта тиклашда ҳаммага юмуш топилади. Девор-ни қаровсиз қолдирган шаҳар ҳокимини аллақачонлароқ осиб ўлдирган савобга қоларди! Ҳамма ишга чиқсин,— деди такрор атаман.— Кимда-ким қайсарлик қилса: у казакми, деҳқонми, шаҳар фуқаросими — бари бир қилмишига яраша жазолансин, ҳамманинг олдида яхшилаб қамчиласин.

Иш қизғин бошланди.

Разиннинг ўзи ҳам қўлига болта олди. Степан Тимофеевич чакмонини ечиб қўйиб, қўлларига туфлаб ишга кирпишиб кетди. У ғўла ёғочни йўна бошлади. Болтани баланд кўтаради. Чопади. Яна кўтаради. Чопади. Унинг қўлида болта ўйинчоқдай туюла-ди. Пайраҳалар атрофга сочилади.

Разиннинг ишини разинчилар кузатишади. Разинчилар Ра-зипдан қолтишмасликка шошилпшади.

Атаманинг буйруғи қатъий бўлишига қарамай, қайсарлар ҳам топилиб қолди. Эҳтимол улар кўпроқ бўлгандир, бироқ ик-ки киши — царининлик фуқаро Кузьма Соловей билан ўзлари-нинг казаклари Остатка қўлга тушиб қолди.

Останка Кузьманикида турарди. Улар саҳар туришди. Юзқўлларини ювишди. Нон ушатиб, сут билан маза қилиб еб олишди. Сўнг ишга боришга отланишди. Кузьма иккита болта олди. Ўзи билан Остапкага. Қолган нонни рўмонга туғиб ҳам олишди, қўргонда иш кечгача чўзилишини билишарди.

Қисқаси, ишга ҳалол отланишди. Иккаласи ҳам эрта туришганди. Ҳали вақт бор эди. Уларни алдаган ҳам шу бўлди. Кузьма билан Остапка ишга бориш олдидан ошиқ ўйнамоқчи бўлишди. Ўша вақтда бу ўйин одат бўлган эди. Бу «чикка» ва «пикка» ўйини жуда содда бўлишига қарамай, қизиқарли ўйин эди. Бу ўйинни танга билан эмас, бир томони қизил рангга, иккинчи томони кўк рангга бўялган ошиқ ташлаб ўйнашарди. Улар ошиқ ўйнашди. Галма-галдан иргитишди. Кимнинг томони юқорига бўлиб тушса, ўша одам ютади.

Ошиқни Кузьма ташлайди.

Ошиқни Остап ташлайди.

Ошиқни Кузьма ташлайди.

Ошиқни Остап ташлайди.

Шу йўсин ўйин қизиб кетди. Гоҳ бирига, гоҳ иккинчисига омад келди. Гоҳ Кузьманинг омади келмайди, гоҳ Остапнинг омади келмайди.

Улар кийим-бошларини: қалпоқ, кўйлак, иштон, этикларини тикиб ўйнардилар. Гоҳ Кузьма иштонигача бой бериб қўяди, худди ҳаммомдагидай ялангоч ўтиради. Гоҳ Остап ютқизади-да, худди янги туғилган боладай курсида шумшайиб ўтириб қолади.

Ўйинга қизиқиб кетишди. Қуёш кўтарилиб, аллақачонлар тикка келиб қолган. Уларнинг қуёш билан ишлари йўқ! Кўзлари ошиқда.

Улар шу алфозда то кеч киргунча ўйиндан бўшамадилар. Улар жангги яна давом эттирган бўлишарди. Лекин шу пайт разинчилар ишдан қайтиб кела бошлашди. Улар буйруққа бўйсунмаганларни фош қилишди.

Айбдорларни Разин ҳузурига келтиришди.

Улар атаманга нимани ҳам баҳона қилишади? Ҳаммасини очик айтиб иқрор бўлишди.

Иккаласи ҳам баробар гуноҳдор эди. Жазо ҳам тенг бўлади деб кутишарди одамлар.

Лекин Разин:

— Кузьмага ўн икки таёқ урилсин. Остапкага ўн икки таёқдан икки марта!— деб буюрди.

Қимдир Разинга эътироз билдирди:

— Отахон атаман, бу қанақаси?! Шаҳар аҳлига раҳм қиласану, ўз одамингни ўлгунигача савалайсанми?

— Ўзимизники бўлгани учун ҳам кўпроқ калтак ейди,— деб

жавоб берди Степан Тимофеевич. — Қандайдир шаҳарлик қулоқсизлик қилса, бизга катта зарар етказмайди. Борди-ю, ўзимизники қулоқсизлик қилса, бутун қўшинга таъсир ўтказди. Жиддий талаб қўйилишининг сабаби ҳам мана шунда.

Разин қўшинда қаттиқ интизом бўлишига эътибор берарди. Интизомсизликка йўл қўймас, талабчан эди.

ВАРФОЛОМЕЙКА

Царицинда бир бола Разинга эргашиб юрди. Унинг исми Варфоломейка эди. Бурнини худди седана сепгандай сепкил босган эди. Қўзлари худди кўм-кўк мунчоққа ўхшарди.

У Разиннинг кетидан биринчи кунни ҳам, иккинчи кунни ҳам эргашиб юраверди. Учинчи кунни Разин болани сезиб қолди-да:

— Хўш, исминг нима? — деб сўради.

— Варфоломейка.

— Хўш, Варфоломейка, нега кетимдан қолмай эргашиб юрибсан?

— Тўппончангиздан бир марта оттиринг!

Разин болага қаради:

— Ёшинг неччида?

— Иккита кам ўн икки.

— Вой сен-ей, ҳисобга уста экансан-ку! — деб кулиб юборди Степан Тимофеевич. — Демак, ўн ёшдаман дегин.

— Йўқ, ўн икки, — деди бола қатъий. Икки йили кам ўн икки.

— Майли, сен айтганингча бўла қолсин, — деб унинг гапига қўшилди Степан Тимофеевич. — Нима, сашашни биласанми?

— Икки марта ўн иккигача.

— Рақамларни қўшишни биласанми?

— Биламан.

— Иккига иккини қўшса неча бўлади?

— Тўрт, — деб жавоб қайтарди мағрур Варфоломейка.

— Учга тўртни қўшса-чи?

Бола ўйланиб қолди. Разиндан яшириб, ўнг ва чап қўлларидаги бармоғини букди, бир дақиқадан кейин жавоб берди:

— Учга тўртни қўшса — етти бўлади.

— Уста экансан, дўндирдинг, — деди кулиб Разин.

Разинга бола ёқиб қолди. У тўппончадан отишга рухсат берди.

Варфоломейка дўстлари ва ўртоқларига Степан Тимофеевичнинг ўзи унга тўппончадан отишни ўргатганини айтиб, роса мақтанди.

Шундан кейин болалар Разиннинг кетидан эргашиб юрадиган бўлиб қолишди:

— Тўппончангиздан бир отай!

— Тўппончангиздан оттирақолинг! Нима, бизни Варфоломейкадан қаеримиз кам?

Ҳар бир бола нима қилиб бўлса ҳам Разинни қойил қолдиришга ҳаракат қиларди.

— Мен оёғим билан қулогимни қаший оламан!— деб бақирди бир бола.

У ерга ўтириб олиб, дарҳақиқат оёғини қулогигача етказди.

— Мен бўлсам қўлимда юра оламан!— деди бошқа бола.

У қўлига туриб олиб, Разин билан ёнма-ён юрди-да:

— Тўппончангизни беринг, бир отай! Тўппончангизни бир марта отиб кўрай!— деди.

Учинчиси, бўлса, атамanning олдига тушиб олиб, қуш овозига тақлид қилади. Гоҳ укки бўлиб қичқиради, гоҳ зағча бўлиб қағиллайди, гоҳ сава бўлиб сайрайди.

Степан Тимофеевич тўхтаб болаларга қараб турди-да:

— Билагонсизлар, билагон!— деди.— Лекин кун иссиғида пўстин керак бўлмаганидек, ҳозир бу билагонликларингиздан бизга нима фойда. Қани, уй-уйларингга жўнаб қолларинг-чи! Йўқолларинг!

Болалар орқада қолишди. Улар ерга ўтириб олиб, Варфоломейкадан қаерлари камлигини ўйлашарди. Варфоломейка оёғини қулогига етказа олганида ҳам уларга алам қилмасди.

ЕГОР БИЛАН ЯКОВ

Разин Царицинда узоқ тўхтамади. Саратов томон йўлга тушди.

Егор билан Яков исмли деҳқон йигитлар йўлда разинчилар сафига қўшилишди. Иккиси ҳам келишган, иккиси ҳам паҳлавон. Уларнинг жуссаларидан ҳам баҳодир эканлари кўриниб турибди. Егор отнинг тақасини оддий миҳдай эгиб ташлайди. Яков оқ қайинни илдизи билан суғуриб олади. Яков пуфласа, одамнинг бошидаги қалпогини учириб юборади. Егор ерни тепса — у жон киргандай тебранади.

Йигитлар жангга шошилади. Жанг майдонида донг чиқармоқчи бўлишади. Бошқаларга қўшилиб, улар ҳам Саратовга кетишяпти.

Дўстлар кекса разинчига савол беришади:

— Шаҳарларни қандай олишади?

— Қандай бўларди? Штурм, жанг билан олишади,— деб жавоб беради разинчи.

Йигитлар қаҳрамонлик кўрсатишни орзу қилишади.

— Мен дарвозани хари билан уриб очаман,— дейди Егор.

Яков ҳам дўстидан қолгиси келмайди:

— Мен биринчи бўлиб девордан ошаман.

Йигитлар сафарда, йўл бўйи машқ қилишади. Егор елкасидан хариини туширмайди. Яков йўлда дуч келган қишлоқлардаги қўнғироқхоналарга худди мушукдай ўрмалаб чиқади.

Дўстлар жангга шошилади.

— Уша Саратовга тезроқ ета қолсак эди.

— Мана Саратовга етиб келдик.

— Орзиқиб кутилган дам ҳам етиб келди!— деди Егор.

— Қани, тайёргарлигингни кўравер!— деди Яков.

Йигитлар жангга шайланиб кутиб туришди. Мана ҳозир штурм бошлашга буйруқ берилади.

Кутилмаганда бирдан шаҳар дарвозаси очилди. Қўнғироқлар байрам бонгини чала бошлади. Шаҳардан Разинни кутиб олгани халқ чиқиб келди. Олдинда серсоқол қария. У пон ва туз кўтариб, салобатли одим ташлаб келяпти. Қариянинг кетидан тўда-тўда бўлиб шаҳарликлар келишяпти. Улар орасида жангчи солдатлар ҳам, Волга бўйидаги ҳар хил табақадаги одамлар: бурлоқлар, балиқчилар, солчилар бор эди. Хотинлар, болалар, қарнқартанглар, ҳатто поп ва монахлар ҳам бор эди.

Егор билан Яков анграйиб қолишди. Егор хариини иргитиб юборди. Яков бўлса энгасини қашир эди.

Саратов штурмсиз, жангсиз таслим бўлган эди.

Егор билан Яковнинг ҳафсалалари пир бўлди, албатта. Улар қаҳрамонлик кўрсатишни орзу қилган эдилар. Бу ерда эса...

— Хўш, шаҳарларни қандай олишни кўрдингларми?— деб сўради дўстлардан кечки пайт кекса разинчи.

— Шу ҳам шаҳар олиш бўлди-ми? Мутлақо қаршилксиз,— деди хафа бўлиб Егор.

— Ҳеч қандай жанг қилмай,— деб қўшимча қилди Яков.

— Қандай? Разинчасига шаҳарни олиш ана шунақа бўлади,— деб жавоб қайтарди кўпни кўрган жангчи.

АТАМАННИНГ ИЛТИФОТИ

Саратовлик савдогарлар Разинни тантана билан кутиб олишга аҳд қилишди. Улар ўзаро шивирлашишарди:

— Дондан келган атаман уни ҳурмат-иззат қилганимизни эътиборга олади. Атаман ҳам бизнинг ҳар биримизни ўз илтифотидан четда қолдирмайди.

Дондгор граждандар — Саратовнинг мугамбирлари мамнун эдилар. Бундан ҳам манзурроқ совға бўлиш мумкинми!

Улар отни узоқ танлашди. Қанақаси яхши бўларкин? Арғумоқми ёки қалмиқ отими, дон қора байирими ёки араб тулпорими? Эҳтимол, ўзимизнинг Волга бўйи чўл чопқир дурустдир?

— Араб тулпори,— деди биров.
— Волга бўйи чопқпри,— дедп иккинчиси.
— Яхшиси дон отини, донинкни сотиб олаверганимиз маъқул!— деди шовқин кўтариб учинчи савдогар.— Ахир қароқчининг ўзи донлик-ку. Шундай бўлганидан кейин унга Доннинг оти ёқади-да.

Шундан кейин олинадиган отнинг қай тусда бўлишини муҳокама қилишди. Қора бўлгани дурустмикин ёки тўриқ бўлгани маъқулмикин, ё бўлмаса оққуш каби оппоқ бўлгани яхшими.

— Қораси,— деди бир савдогар.

— Тўриқ яхши,— деди иккинчиси.

— Йўқ, оқи оппоги!— деб бақирди яна ўша куйинчак савдогар.— Подшоҳлар ҳам шикорга оқ от миниб борншади.

Ниҳоят отнинг устига қандай гилам ёпишни муҳокама қила бошладилар. Гиламнинг қизили дурустмикин, саригими ёки тўқ қизили яхши бўладими?

Узоқ можародан кейин қизил гилам олишга келишиб олишди. Энг шаллақи савдогар:

— Ёвузни қизил ранг билан тезроқ сотиб олиш мумкин! Степка қонга ўхшаш рангини ёқтиради,— деди.

Савдогарлар от сотиб олишди. Унинг устига гилам ёпишди, эгарлашди.

Савдогарлар ҳам барча қатори Разинни кутиб олиш учун шаҳардан ташқари чиқдилар. Улар отни жиловидан ушлаб олиб боришарди.

От Разинга маъқул бўлди. Степан Тимофеевич йўргага миниб олди. Унинг яғринига уриб сўйди. Ёлларини силади. Қўлнинг тизгинга узатди. Лекин шу пайт ишнинг пачаваси чиқди. Жиловини ушлаб бориш талаш бўлиб, савдогарлар орасида тортишув бошланди. Уларнинг ҳар бири ҳам Разиннинг эътиборини ўзига тортишга уринарди. Бири иккинчисини от яқинидан қисиб чиқаришга ҳаракат қиларди. Ҳаммаси жиловга интилади.

— Менинг ҳаққим бор!— деб бақирди бири.— Мен биринчи бўлиб от совға қилишни ўйлаб топдим.

— Менинг ҳаққим бор!— деб бақирди иккинчиси.— Бунақа зотлисини олишни мен айтганман.

— Мен пулни бошқалардан кўпроқ тўлаганман!— деб бақиради учинчи савдогар жаҳл билан.

Тўртинчи савдогар рангини таллаб берганини пеш қилади. Бешинчиси бўлса, бошқалардан ортда қолмасликка интилади.

Разин нимага туриб қолганига тушуна олмай:

— Хўш, нима бўлди сизларга? Қапақа бақироқ халқсиз? Қайси насл ва қайси қабиладан бўласизлар?!— деди уларга.

Жанжалкашлар жим бўлишди-да, сўнгра бараварига гапириша кетди:

— Биз саратовлик савдогарлармиз.
Яна кетма-кетидап:
— Мен донфурушман.
— Мен балиқфурушман.
— Мен мол олиб мол сотаман.
— Мен газламафурушман — Семён Скотининман. Мени эсингдан чиқарма, отахон атаман.— дейишди.

Бояги шаллақи савдогар бўлса, ҳаммадан қаттиқ бақирди:
— Отахон мен туз, туз билан савдо қиламан! От совға қилишни мен ўйлаб топганман. Мен пулни ҳам бошқалардан кўпроқ тўладим...

— Қанақа одам эканликларинг тушунарли энди!— деди кулиб Степан Тимофеевич.— Қани, четга чиқларинг!

Разин отнинг жиловини тортди. Товони билан отни биқинига туртди. Чиройли от жойидан шиддат билан қўзғалди. Қўюндек учди.

Савдогарлар унинг кетидан югуришди.

— Секинроқ, секинроқ. Вой сен қароқчини, секин!

Лекин улар шу оннинг ўзидаёқ орқада қолиб кетишди.

Разин шаҳарга қушдай учиб кирди. Тулпорни тўхтатди-да:

— Салом, саратовлик фуқаро!— деди.

— Салом, атаман отахон!— деб жавоб қайтарди Саратов аҳли.

РАФ ГАЛУШКА

Раф Галушка саратовлик бўчкасоз эди. Унинг фамилияси жуда ғалати, исми ҳам камдан кам учрайди. Ҳаммадан ҳам Галушканинг аксиришн аломат. У аксиргудай бўлса, бир чақирим ердаги кар ҳам эшитади.

Галушка Разин энди Астраханга юриш бошлаган пайтдаёқ қўзғолончилар томонга қочиб кетган эди. У қўзғолончиларга Черний Ярда етиб олган эди. У Черний Ярда бўлган жангларда ўзини кўрсатди. Шундан кейин ҳамма баравар Астрахань деворига тирмашди. Бу ерда ҳам у бошқалардан ажралиб турди. Жасурлиги билан Разиннинг эътиборига сазовор бўлди. Разинчилар Галушкага тан беришди. Уни ўнбоши, яъни ўн кишига бошлиқ қилиб сайлашди. Галушка боярларга қарши бир томчи қонни қолгунча курашишга, ҳеч қандай юришдан қолмасликка, янги дўстларини ташлаб кетмасликка сўз берди.

Галушка Астрахандан чиқиб, дўстлари билан Царицинга келди, мана энди у ўзининг она юрти Саратовга етиб келди.

Разин шаҳарларни олганидан кейин, у ерларда казаклар одатига мувофиқ тартиб ўрнатарди. Шаҳарлик аҳолини юзликларга бўларди. Ҳар бир юзлик ўзига хоҳлаган кишисини атаман

қилиб сайларди. Юзликларга раҳбарлик қилгувчи бу атаманларни — юзбошилар деб аташарди.

Саратовда ҳам ўз атаманларини сайлаш бошланди. Шаҳарнинг Галушка туғилган қисмида ҳам аҳоли сайловга йиғилди. Галушканинг ўзи ҳам сайловга келди. Сайловни томоша қилиш қизиқ эди.

Атаманликка кимни кўрсатиш фурсати келганида одамлар ҳайрон бўлиб туриб қолишди. Улар ҳеч қачон ўзларига бошлиқ сайламаган эдилар-да. Одамлар кимни сайласак экан-а, деб бир-бирига қарашади. Худди шу пайт Галушка аксириб юборди. У аксирди-ю, одамлар эътиборини ўзига жалб қилиб қўйди.

Ҳамма бараварига қичқирди:

— Галушка, Галушка атаман бўлсин!

Шуни эътироф этиш лозимки, саратовликлар Галушкани яхши кўришарди.

У фақат жанг майдонида жасур эмасди. У табиатан тўғри сўз ва ҳалол одам эди.

Галушка, агар уни атаманликка сайлашгудай бўлса, бошқа шаҳарларга юришга қатнаша олмаслигига ақли етар эди. Унда дўстларидан ажралиб шаҳарда қолишга тўғри келади.

— Биродарлар, илтимос!— деб бақирди Галушка.— Биродарлар, бошқа одамни сайланглар. Мен шундоқ ҳам ўнбошиликка сайланганман.

Бироқ халқ разинчининг сўзига қулоқ солмади.

— Галушкани сайлаймиз, Галушкани! У Черний Ярдаги жангда ўзини кўрсатди. У Астрахань қўрғонига қилинган ҳужумда жасурлик кўрсатди. Степан Тимофеевичнинг шахсан ўзи унга қойил қолган. Галушкани сайлаймиз. Майли, у бизга бошлиқ бўлсин.

Саратовликлар унга овоз беришди. Галушка Саратовнинг юзбошиси қилиб сайланди.

Бечора дарров Разин ҳузурига югурди. Унга боргапни айтди. Унга ялиниб илтижо қилди:

— Мени қўй, атаман! Худони ўртага қўйиб, илтимос қиламан, мени бўшат. Дўстларимни қандай ташлаб кетаман.

— Қўлимдан келмайди,— деб жавоб қилди Разин.— Сени сайлаган мен эмас. Сени халқ кўрсатди. Мен халқнинг ихтиёрига қарши чиқа олмайман.

— Атаман, мен ҳақиқат ва эркинлик учун курашни давом эттирмоқчиман, ахир. Мен ўнбошиман.

Разин Галушкага қаради:

— Эркинлик ва ҳақиқат учун фақатгина милтиқ билан жанг қилинмайди. Атаманлар жанг майдонида керак. Атаманлар тинч ҳаётда ҳам зарур. Сени халқ сайладими — унга хизмат қил. Гап бундай: ҳозир бориб, саратовликларга қуллуқ қил.

Разин Саратовда кўп бўлмади. Бу ерда эркин тартиб ўрнатди. Кейин Самарага йўл олди.

Бир куни Волга бўйида, Самарага яқин ерда стрелец билан қайиқчи баҳслашиб қолди: Разин кучни қаёқдан оларкин, Разинга ким ёрдам бераркин?

— Унга жин ёрдам беради, жин,— деди стрелец.

— У бутун Волга бўйини жанг қилмай қўлга олди, бунда қандайдир сир бор.

— Вой сени қара, хом калла,— деди қайиқчи,— Разинга худонинг ўзи мадад беради.

— Тфу, ярамас! Қанақа худо?

— Йўқ, худо,— деб ўз сўзида туриб олди қайиқчи.— Худовонди карим Разин тўғри йўлдан бораётганини кўриб турибди. Унга мадад беришининг сабаби ҳам мана шунда.

Рус халқи баҳслашишга жуда ўч бўлади. Стрелец қайиқчига, қайиқчи бўлса, стрелецга ён бергиси келмайди. Қайиқчи қўлидаги эшакни билан жангчини тушириб қолнишга оз қолди. Стрелец эса, милтигининг қўндоғи билан қайиқчини уришига оз қолди.

Бақиروقларнинг атрофини одамлар ўраб олишди. Бу одамлар ҳам баҳсга қўшилиб кетишди. Баъзилари қайиқчининг гапига қўшилиб, Разинга худо ёрдам беряпти, дейишди. Бошқалари эса стрелецнинг фикрини қўллаб-қувватлаб:

— Йўқ, ҳар ҳолда унга жин ёрдам беради,— дердилар.

Шу пайт Степан Тимофеевичнинг ўзи Самара остонасига етиб келди. Жангчи билан стрелец Разинни кутиб олиб, бош отрядга қўшилиб, нимаики бўлса, ҳаммасини ўз кўзлари билан кўриб, ишонч ҳосил қилишга аҳдлашди. Улар қайиққа ўтириб, илгарига қараб сузиб кетишди.

— Жин!— деб қичқиради стрелец.

— Худо!— деб ундан ҳам қаттиқроқ бақиради қайиқчи.

— Жин!— деб томоғи қирилгудек бўлиб бақиради стрелец.

— Худо!— деб жони борица қичқиради қайиқчи.

Улар сузиб кетаётиб ҳам баҳслашишни қўйишмайди.

Стрелец қайиқчига ён бермайди, қайиқчи стрелецга енгилгиси келмайди. Қайиқчи стрелецни қайиқдан улоқтириб юборишига оз қолди, сал бўлмаса стрелец қайиқчини ўлдириб қўяй деди.

Улар йўлда тунашди. Улар сершоҳ дуб дарахти остида чўзиллиб, дам олишди. Ухлайдиган вақт бўлди-ю, лекин рус кишиси баҳсга ўч-да. Дуб дарахти тагида ҳам:

— Жин!

— Худо!

— Жин!

— Худо!— деган сўзларга барҳам берилмади.

Дуб дарахти остида қайиқчи стрелецни бўғиб ўлдириб қўйишга оз қолди. Стрелец ҳам қайиқчини дубга осиб қўяй деди.

Улар тонг отар пайтидагина пинакка кетишди. Худди ўша пайтда Разин бу ердан ўтиб кетди. Баҳсчиларга Самарага қайтиб келишга тўғри келди. Улар Самарага сузиб келдилар. Шаҳар Разиннинг қўлига ўтган эди. Самара қўзғолончиларга жанг қилмай таслим бўлганди. Бу ерда ҳам дарвозалар катта очиб қўйилганди.

— Мана, кўрдингми — унга жин ёрдам беради.

— Жин эмас, худовонди карим!

Шундай қилиб, қайиқчи билан стрелец яна олиша бошлашди. Улар бир-бирининг елкасига туртар соқолидан тортқилашарди. Охири муштлаша бошлашди.

Қайиқ қалқиб, тўнкарилди. Иккаласи ҳам сувга тушиб кетишди.

Қирғоққа тезроқ чиқиб олиш ўрнига стрелец қайиқчини қўйиб юбормайди. Қайиқчи эса, стрелецга жон-жаҳди билан ёпишиб олган.

— Худо!— деб бақирди қайиқчи.

— Жин!— деб бақиради унга жавобан стрелец.

Шу алпозда иккаласини ҳам сув ўз қаърига тортди. Сув юзига биқиллаб ҳаво чиқиб, улар кўринмай кетишди.

Шундай қилиб баҳс ажрим бўлмай қолди.

Разин кучни қаердан олади? Унга ким ёрдам беради? Қизиқ, қайси бирингиз бунга жавоб бера оласиз.

ФУРСАТ ҚўЛДАН БЕРИБ ҚўЙИЛДИ

Разиннинг чодирнга қоровулда турган казак отлиб кирди-да:

— Отахон атаман! Отахон Степан Тимофеевич!— деди нафа-си озгига тиқилиб.

Тонг пайти эди. Разин ухлаб дам олаётганди. Чодирдан юз метрча нарида дарё. Волга тўлқинланиб қирғоққа урилади. Ҳали қуёш ётоғидан кўтарилмаган. Лекин шарқ томон ёрниша бошлаган, кўп ўтмай қуёш заррин нур соча бошлайди.

— Отахон! Степан Тимофеевич!

Разин кўзини очди.

— Атаман, фалокат! Самарага боярлар қўшини яқин келиб қолди.

Разин ўрнидан ирғиб турди. Юриб кетаётиб қиличини олди. Пистолетларини камарига қистирди. Атаман чодир эшигини тортқилаб чиқди. Чодир қулаб кетишига сал қолди.

Разин ташқарига чиққанида юзлик отрядлар сафга туришмоқда эди.

— Жангга! Жангга!— старшина ва юзбошларининг бўйруқлари қулоққа чалинарди.

Разин отга сакраб мишиб, Волганинг олис-олис қиргоқларига қаради. Далалар, чўллар тепасида чанг кўтарилганини кўрди. Разин чанг кўтарилаётганини кўриб, отлиқ қўшин келаётганини тушунди.

Қаёқдан пайдо бўлишди?!

— Разведкачилар вақтни бой беришибди-да!— деди у.

Атаманлар Разинни қуршаб олишди-да:

— Отаҳон, қандай бўйруқ берайлик?— деб сўрай бошлашди.

— Отлиқ қўшинга қарши отлиқ зарба берамиз,— деди Разин.

Қазак отларининг туёқлари гурсиллай бошлади. Юзликлар сафланиб, жангга тайёр туришди.

Заволжск воҳаси узра кўтарилган қуюн борган сайин қуюқлашиб, шаҳарга яқинлашарди. Разин диққат билан тикилиб турди. Мана, ниҳоят чанг орасидан отлиқлар кўрина бошлади.

«Дадил келишяпти,— деб ўйлади Степан Тимофеевич.— На чора, казакнинг ҳамласига дучор бўлмоқчи бўлсанг, майли, келавер, келавер!»

Разин дворянлар сафига қандай ташланишини, одатдагидек ҳаракат билан қнлич силкитишини кўз олдига келтирди. Жанг яқинлигини от ҳам сезди. Сабрсизланиб ер тепинди.

— Хўш, бошлаш вақти етди,— деб қичқирди Разин.

Яна бир бор душман чавандозларига назар ташлади. Энди бўйруқ бермоқчи бўлиб турганди, ҳайратдан қотиб қолди. Степан Тимофеевич чавандозларни кўрмади. Отларни кўриб турибди, қўшин эса кўринмайди. Самара томон яйдоқ отларгина югуриб келишарди. Атаман бештагина отлиқни зўрға санади, холос. Эҳтимол, бошқалари чанг-тўзон ичига яширингандир. Дворянлар тўзон кўтариб, ҳийла ишлатмоқчи бўлганмикинлар?! Лекин бу одамларнинг эгни-бошлари дворянларникига ўхшамасди. Улар бошқирдларнинг чўзинчоқ қалпоғини кийиб олишган эди.

Разин яна диққат билан қаради. Ниҳоят отлиқлардан бирини таниб қолди-да:

— Ҳа, бу Гумерка-ку!— деди.

Гумерка ҳам қўлини силтади, жилмайиб, нималардир деб бақирди.

Степан Тимофеевич шундагина гап нимадалигига тушунди.

Разинчиларга от етишмасди. Армия сон жиҳатдан кун сайин ўсиб борарди, от эса етишмасди. Разин казакларни ҳатто Каспий бўйи чўлларига ҳам юборганди. От сотиб олишга пул берганди. Аммо улар ҳеч нарсасиз қайтиб келишганди.

Бошқирд Гумерка Разин армиясида Саратов яқинида пайдо

бўлиб қолганди. Узоқ турмади. Тез орада ғойиб бўлди. У кета-ётиб, Разинга яқин кишилардан бирига:

— Отахон атаманга айтиб қўй: унга совға келтираман,— деган эди.

Ўшанда у қанақа совға келтиради, деб узоқ бош қотиришганди. Мана, Гумерка сўзининг устидан чиқди. У она-юрти Бошқирдистондан олти юз бош от ҳайдаб келди.

Разин Гумеркани ўз чодирига таклиф қилди, вино қуйиб меҳмон қилди ва қучоқлаб ўпди.

— Яхши, яхши отлар,— дейишарди чўл йўрғаларини кўздан кечирав экан разинчилар.— Мана буни совға деса арзийди! Яшавор бошқирд ўғлони! У ўзимизники, бегона эмас.

БАШИРКА

Гумеркага олти юзга отни Самарагача ҳайдаб келишда ўғли Баширка ёрдам берди. Унинг бўйи зўрға отасининг тиззасига етарди. Баширка атиги тўрт ёшга кирган. Лекин у от устида худди чавандоздай ўтирарди.

Донлик болалар ҳам ундан қолишишмайди. Улар ҳам гўдакликларидан отга минишади. Чавандозлик қилиб казакни қойил қолдираман, дегандан кўра Каспий сувини тубигача шимирган осонроқ. Лекин шунга қарамай, Баширка станицаликларни қойил қолдирди.

У отга ҳеч кимнинг ёрдамисиз миниб олди. Узангига, кейин отнинг ёлларига тирмашиб чиқди. Бир дақиқа ўтар-ўтмас болани отнинг устида кўришди. У отни чоптириб устида гоҳ ўтириб, гоҳ тик турарди. Эгарли отни ҳам минди, яйдоқ отга ҳам минди, олдинга қараб ўтириб ҳам, тескари ўтириб ҳам кўрди. У отнинг бўйнидан қучоқлаб олди. Сағрисидан тутиб турди.

Баширка арқон ташлашга ҳам жуда чаққон.

— Сен арқон ташлаб қуён овласанг ҳам бўлади,— деб ҳазиллашишди казаклар.

Ҳаммадан ҳам Баширканинг разинчилар орасида тўпчи Иван Забродадан тўп ютиб олгани қизиқ бўлди.

Заброда Баширканинг қобилиятига ишонмади.

— Шундай ёш бола от устида тикка туриб, юра олармиди? Бунақа бўлиши мумкин эмас. Бўлмаган гап,— деб таъкидлади Заброда.— Хоҳлаган одам билан баҳслаша олишим мумкин. Агарда у этигимни истаганингиз ечиб олгунингизча от устида тура олса, майли, этигимни бераман, этик нима бўлибди, майли, тушини ҳам ола қолсин.

Забродага баҳона бўлса бас, рўпара келган одам билан баҳслашаверади.

Баширка отга минди. Йўрға олға отилди. Бола от устида тик

турди. Икки қўлини қанотдек ёзиб бошқирдча нимадир деб бақирди ва дала бўйлаб елдек учиб кетди.

Заброданинг этигини аллақачон оёғидан ечиб олишди. Тўпчи оёқ яланг қараб турибди. Баширка бўлса, ҳамон от ўйнатиб юрибди. У ҳатто шўхлик қилиб, отнинг устида рақсга тушмоқчи ҳам бўлади.

— Балки, бир йўла эгнингдаги кўйлагингни ҳам ечиб олсакмикин? Эҳтимол, иштонингни ҳам ечарсан?— деб кулишарди Забродани мазах қилиб казаклар.

Чавандоз дала айланиб, яна маррага қайтиб келди. Баширка отдан сакраб пастга тушди.

— аброда э-нгасини қашиб қолди. У оғзини очганича аграйиб турарди.

— Тўпчи олиб келавер!— деб бақирди казаклар.— Тўпчи олиб кел. Унга ачинмай қўя қол. Қойил, Баширка!

Разин казакларнинг шовқинини эшитиб қолди. Атаман шовқини бўлаётган ерга келди.

— Нима бўляпти бу ерда?— деб сўради у жиддий.

— Заброда бу болага тўпини ютқазиб қўйди!

Разинга разинчилар баҳс қандай бошланиб, нима билан туғанини тушунтиришди.

Тўпчи бошини ҳам қилиб турарди. Разинга қарашдан қўрқарди. Атаман ҳозир боплаб адабини беради энди!

— Нимага жим турибсан? Беравср,— деди Степан Тимофеевич.— Сўзда ботир бўлганингдан кейин, амалда ҳам ботир бўлгннда.

Заброда тўпга отларни қўшиб, уни баҳс бўлган ерга филдиратиб келди.

— Майли, Баширка, олавер,— деди Разин.

Лекин Баширка тўпни олмади. Эҳтимол бола уни олган ҳам бўларди. Чунки унинг кўзлари чақнаб турарди. Бироқ Гумерка унинг қулогига ниманидир пичирлади. Бола Забродага тўпни ҳам, этигини ҳам қайтариб берди.

— Шайтон бола сени сақлаб қолди,— дейишди Забродага разинчилар.— Бўлмаса атаман бу қилган ишинг учун аҳмоқ бошингни кесиб ташларди.

Заброда тирик қолганига ўзи ҳам ишонгани келмасди. Разин армиясида тўп ҳамма нарсадан юқори баҳоланарди. Улар жуда кам эди-да.

Бола разинчилар ҳузурида уч кун меҳмон бўлди. Сўнгра отаси уни уйига жўнатиб юборди. Ўилқи ҳайдаб келганлардан икки киши Бошқирдистонга қайтиб кетаётган эди. Разинчилар бола билан хайрлашди. Баширка билан Разин ҳам хайрлашди. Унга қимматбаҳо сирга совға қилди.

— Баширка, хайр, оқ йўл сенга.

Разинчилар узоқ вақтгача бу болани эслаб юришди. Иван Заброданинг тўпини ўшандан кейин «Баширканинг тўпи» деб атайдиган бўлишди.

ЖАННАТ МЕВАСИ

Разин Самарада узоқ турмади. Шимолга, Симбирск томон йўлга чиқди.

Разин Волга бўйлаб юқорига бормоқда. Шу вақтда уларнинг кетидан узум ортилган кема ҳам дарё бўйлаб юқори томонга суза бошлади. Астраханликлар буни атаманга совға сифатида юборишга қарор қилишган эди.

— Отахонимиз атаман ҳам татиб кўрсин. Казаклар ҳам бу мевадан еб яйрашсин.

Узум эса саралангани — жаннат меваси. Бошларининг бири бирдан ширин.

Кема Царицинга етиб келди. Царицида Разин йўқ эди. Отрядлар Саратовга жўнаб кетишганди.

Кемадаги бошлиқ — Филат Василёнок — сузишни давом эттиришга буйруқ берди.

Кема Саратовга етиб борди. Саратовда ҳам Разин йўқ. Отрядлар Самарага жўнаб кетган экан.

Филат Василёнок ўйлаб қолди. Ёз иссиқ. Йўл узоқ. Узум чирий бошлади. Ярмигина қолди.

— Атаман жуда тез кетяпти!

Филат шундай деб ўйлади-да, атаманин қувиб етишга қарор қилди.

— Чаққонроқ, чаққонроқ! — деб шоширади эшкакчиларни у.

Эшкакчилар эшкакларга зўр бердилар.

Астраханликлар Самарага ҳам етиб келишди. Самарада Разин йўқ.

— Ё раббим! — деб иола қилди Филат Василёнок. — Мен бечорани қайси қилмишим учун жазолаянсан?

Узумнинг ўндан бир қисми ҳам қолмаган эди. Бунинг устига эшкакчилар ҳам узоқ йўл юриб қолдан тойишди. Кемага сув ҳам оқа бошлади.

Филат Василёнок соқолини тутамлаб, узоқ ўйлади. Бошини чап қўли билан ҳам, ўнг қўли билан ҳам қашлаб қўйди. Бу совгани Разинга омон етказа олмаслигига Филатнинг ақли етиб турарди.

Василёнок бошқа сузмасликка қарор қилди. «Бўлганича бўлди. Узумни самараликларга тарқатаман! Болаларга, — деб ўйлади Филат. — Роса хурсанд бўлишади улар».

Шундай қилди ҳам.

Самараликлар умри бино бўлиб, узум деган мевани кўрмаган эди. Волга бўйига катта-ю кичик тўпланди.

Василёнок болаларга узум тарқатаркан:

— Отахонимиз атаман Разин Степан Тимофеевичнинг туҳ-
фаси бу,— деб қўярди.

Ўша куни Самарада роса байрам бўлди! Узум сершира, ма-
зали эди. Ҳар донаси ёнғоқдай келади. Болалар оғзиларини тўл-
диришади, шарбати лабларидан, жағларидан оқади. Ҳатто бу-
рун, қулоқларигача шира бўлиб кетди.

Василёнок Астраханга омон-эсон қайтиб келди. Бўлган гап-
ни ҳаммасини сўзлаб берди. Узумни Разинга етказиб беролма-
ди. Уни Самарада болаларга тарқатди.

— Қандай қилиб! Нима учун!— деб аччиғланишди астрахан-
ликлар.

Совгалар Степан Тимофеевичга топширилмаганлиги уларга
алам қилди. Улар Филатни жазолашди. Разинга эса мактуб
ёзиб, чопар юборишди.

Астраханликлар мактубларида бир кема узум тўғрисида,
Филат билан самаралик болалар ҳақида ҳам ёзишди. Мактуб-
нинг охирида: «Филат Василёнок аямай қамчиланди. Отахони-
миз атаман, агарда розилик берсанг, уни қопга солиб, сувга
ташлаймиз. Ёзиб юбор»,— деб маслаҳат ҳам сўрашди.

Разиндан жавоб ҳам етиб келди.

Степан Тимофеевич, уни эслаганлари, кема юборганликлари
учун астраханликларга миннатдорчилик билдирибди. Филат Ва-
силёнок тўғрисида ҳам ёзибди. Астраханликлар хатнинг шу
ерини ўн мартача такрор ўқишди. Мана Разин нима ёзганди:

«Филат Василёнокка атаманлик миннатдорчилигимни билди-
раман». Шундан кейин Разин Филатга беш дона қундуз, яъни
беш дона қундуз териси, тепаси оч қизил казак телпаги ва казак
қиличини совға қилажаги тўғрисида ёзган эди. «Болалар,— деб
ёзган эди хатида Разин.— Мендан қимматлироқ. Биз ўшалар-
нинг бахтини деб боярларга қарши курашмоқдамиз. Улар йўли-
да жонни қурбон қилишга ҳам тайёрман».

ВОҒЕА ЖИГУЛИНИНГ ТИК ЕРИДА ЮЗ БЕРДИ

Бу иш Жигулининг тик ерида юз берди. Разинчилар ўз ўр-
гоқларини калтаклашди.

Бунга уларнинг баланд чўққида тўпланиб қолишгани сабаб
бўлди. У ердан бепоён дарёни томоша қилишди. Кейин, беихти-
ёр суҳбатлаша бошлашди. Сўзга сўз уланди. Ҳазилга ҳазил би-
лан жавоб қилишди. Гоҳида жиддий, гоҳида шундайин оддий
ҳазил-ҳузил гаплар бўлди. Разинчиларнинг суҳбати қизиб кет-
ди. Кутилмаганда бордию бирортанга подшо бўлсак, нима қи-
лардик, деб баҳслаша кетишди. Мана орзуда қаергача бориб
етишди.

— Мен тўйиб-тўйиб овқат ердим,— деб орзу қилди разинчилардан бири.

— Мен шоҳ бўлиб қолсам, маза қилиб ухлаб олардим,— деди иккинчиси.

— Мен бўлсам, пақирлаб пиво ичган бўлардим,— деди яна бошқаси.

Кимдир:

— Мен оч қизил рангли чакмонда юардим,— деди.

Бешинчи разинчи ўзини кўлгидан тия олмай:

— Ҳой оғайнилар! Борди-ю мен подшо бўлиб қолгудай бўлсам, Эрон маликасига уйлапардим,— деди.

Шундан кейин жавоблар жиддийлашиб борди.

— Мен ҳамманинг ўрнини алмаштирардим. Оддий кишиларни боярларнинг ўрнига қўярдим, боярларни эса қашшоқ халққа айлантирардим,— деди яна бир разинчи.

— Мен бўлсам, ўзимизнинг отахонимиз Степан Тимофеевичга ўхшаб, ҳаммага эркинлик, ер берган бўлардим,— деди яна бири.

— Мен бўлсам, дворян деганини томир-томнирдан қуритиб юборардим,— деди яна бошқаси.

Разинчилар чиндан ҳам орзуга берилиб кетншди. Улар шу қадар баланд парвоз эта бошлашдики, ҳар қандай подшонинг ҳам қурби етмайдиган орзулар тўғрисида гапира бошлашди.

— Мен бўлсам, очил дастурхон бунёд қилардим. Уни ёзиб қўйиб: «Ҳой одамлар, келаверинглар!»— деб жар солардим. Улар қайси уруғ, қайси қабиладан бўлмасин — туркми, бошқирдми, казакми бари бир. Ҳеч кимни хафа қилмас эдим.

— Мен ажойиб шаҳар қуардим. Деворларини осмонўпар, томини биллурдан ишлатардим. Уни одамларнинг ўз ихтиёрларига топширардим!— деди яна бир казак.

— Мен бўлсам шундай қилардимки, одамлар ўлимни бишмасди.

— Мен бўлсам, жангларда ҳалок бўлган казакларни қайта тирилтириш учун ҳаёт сувини кашф этардим.

— Мен бўлсам, одамларга қарчиғайдан ҳам баландроқ учишлари учун қанот берардим.

Баҳс авжида эди. Ҳар бири халқнинг фаровон ҳаёти ҳақида орзу қиларди. Ҳар бир казак ўзини ҳамма нарсаса қодир ҳис этарди.

Фақат бир ёшгина йигит бошқаларнинг гапига қулоқ солиб қарағай дарахтига суянганича кўзларини пирпиратиб турарди.

— Хўш, сен-чи,— деб унга ёпиша бошлашди казаклар.— Сен подшо бўлганингда нима қилган бўлардинг?

— Менми?— деб қайта сўради йигитча.

— Ҳа, сен-да.

— Мен сигир сотиб олган бўлардим.

Унинг гапи тушунарли бўлса ҳам, разинчиларни гангитиб қўйди. Йигитнинг ҳаётда қийналгани кўриниб турибди. Лекин унинг жавоби ўринсиз бўлиб чиқди. Нега энди шундай бир пайтда у, ўзининг арзимас бир сигирини тлқиштирди. У одамларнинг орзусини чиппакка чиқариб юборди.

Разинчиларнинг йигитдан жаҳллари чиқди.

Бу воқеа Жигулининг тик чўққисида юз берди. Разинчилар ўз ўртоқларини роса дўппослашди.

АРГИМЧОҚ

Разин Волга бўйлаб, жадал юқорилаб борарди. Қўшин сафарда юравериб чарчаганди. Мана, улар Волга бўйидаги қандайдир катта бир қишлоқда дам олгани тўхташди.

Казаклар биричи кунёқ арғимчоқ қуришди. Ҳар бири беш газдан кетадиган устунларни ерга қўмишди-да, арғимчоқ яшашди. Арғимчоқлар дарахтлардан ҳам юқорига кўтариларди.

Волга бўйига йигитлар, қизлар ва умуман бутун қишлоқ қўчиб чиқди. Бу ерда ўйин-кулги шу қадар авжига чиқдики, худди сайлгоҳдай гавжум бўлиб кетди. Ҳатто Волганинг ўзи ҳам ҳайрон қолганди. У тўлқинланар, қиргоққа кўз югуртмоқчи бўлиб шалоп-шалоп уриларди.

Одамлар маза қилиб дам олишарди. Уч кундан бери ана шундай қувноқ дам олишарди.

— Эҳ, қани энди шу ерда бир ҳафтагина тўхтасак!— дейишарди казаклар.

Разин ҳам Волга бўйига арғимчоқни кўргани чиқди.

— Отаҳон, сен ҳам учиб кўр!

— Степан Тимофеевич!

— Атаманга жой бер! Жой!— деб бақирарди казаклар.

Уни арғимчоқ ёнига бошлаб келишди-да:

— Маза, ҳамма ёқ кўринади!— дейишди.

Степан Тимофеевич жилмайди-да:

— Борди-ю, юқоридан номаъқул нарсани кўриб қолсам нима бўлади?— деди ҳазиллашиб.

— Номаъқул нима бўларди,— дейишди бўш келмасдан разинчилар.— Волга, оролчалар. Волга бўйидаги жарлар— ҳамма ҳаммаси яққол кўрилади юқоридан. Атаман, ўрмон тепасидан учиб ўтасан. Қарчингайга ўхшаб қанот қоқасан.

Разин арғимчоқга шу қишлоқлик Дуняша деган қиз билан бирга ўтирди. Ёш Дуняшанинг юраги шувиллаб кетди. У арқонга маҳкам ёпишиб олди.

Арғимчоқ ҳаракатга келди: гоҳ юқорига, гоҳ пастга тез ва баланд уча бошлади. Степан Тимофеевич қизишиб кетди. Шабада сочларини сийпалайди. Қафтаннинг этаги шамолда худди

қанот каби елпинади. Қоп-қора кўзлари ўтдай чақнайди. Арғимчоқ эса, борган сари баландга кўтарилади. Кўм-кўк осмонни кесиб ўтаётгандек бўлади.

— Қойил қолса арзийди!— Мана бу атаманчасига, атаманчасига!— деб чувуллашади казаклар.

Дуняшанинг ранги қув ўчиб кетган.

— Вой, қўрқинчли! Вой, қўрқинчли!— дейди у.

— Қизча, қўлингни узатиб, фалакка ёпиш!— деб ҳазиллашади кимдир.

Ҳазилкашлар аския бошлашади.

— Отахон атаман, бувимни кўрмайпсанми?

— Эҳтимол, осмон фариштасини кўраётгандирсан?

— Қалай, авлиё Илья омон эканми?

— Фаришталарни ҳам кўряпман, бувингни ҳам кўриб турибман. Ҳов ана авлиё Илья аравада келяпти,— деб жавоб қайтарди ҳазилкашларга Разин. Аммо ўзи шимол томондан, сафардавом этадиган ёқдан кўзини узмайди. Ҳатто қўлини кўзига соябон қилиб, узоқ-узоқларга қарайди.

Разинчилар буни сезиб қолишди-да:

— Отахон атаман, у томонда бирор нарса борми?— деб сўрашди.

Степан Тимофеевич жавоб бермади.

Пастда турган казаклар таажжубланишди. Атаман, эҳтимол бирор ер ёнаётганини кўргандир? Ёки Волгада боярларнинг кемалари келаётганмикин? Ёки бўлмаса ажойиброқ нарса кўриб қолдимикин? Ҳамма жим бўлиб қолди. Разинчилар арғимчоқни ўраб олишди.

— Отахон атаман, нима кўрдинг?— сўрашди разинчилар.

Разин ҳамманинг жим бўлишини кутиб турди-да:

— Халқ қайғусини кўряпман. Етим-есирларнинг кўз-ёшларини кўряпман. Халқнинг ноласини эшитяпман. Халқ бизни кутяпти. Бизга умид боғлаяпти,— деди.

Атаманинг сўзлари казакларнинг юрак-бағрини эзиб юборди.


Арғимчоқни секинлатишди. Разин ерга сакраб тушди. Унинг ёнига юзбоши Веригин келди ва:

— Атаман, гапинг тўғри. Дам олиб, кўнгил ёзишнинг вақти эмас,— деди.

— Тўғри, тўғри.— деб ғовур-ғувур қилишди казаклар.— Қани, сафарга отландик.

Деҳқон қўшини сафарга чиқди. Юзликлар кетидан юзликлар. Отряд кетидан отряд йўлга тушди. Тўлдан чапг кўтарилди.

Арғимчоқлар кишлоқда қолиб кетди. Болалар анча вақтгача бу арғимчоқда учинишди. Улар юқориға кўтарилишганда олға кетган қўшин изига тикилишади.



Учинчи боб

БОЯРЛАР ҚҰРҚИНЧЛИ ТУШ КҰРАДИЛАР

ЕПИФАН КУЗЬМА-БАҚАЛОҚ

Боярлар қўрқинчли туш кўра бошладилар. Улар тушида доим даҳшатли чавандоз — Разиннинг от миниб келаётганини кўришади.

Боярлар донмо ташвишда яшашади. Тверда ҳам, Рязанда ҳам, Орёлда ҳам, Москвада ва бошқа шаҳар-қишлоқларда ҳам боярлар тинчликларини йўқотиб қўйишди.

Қўчадан от туёғининг овози эшитилса кифоя — боярларнинг оёқлари қалтирайди.

Шамол деразани тикиллатса ҳам боярларнинг юраги орқасига тортиб кетади.

Епифан Кузьма-Бақалоқ ҳам Разиндан бошқалардан кам қўрқмасди. Бунинг устига-устак, хизматкори Дунайқа худонинг берган куни янги-янги ваҳимали гапларни топиб келарди. Худди атайин қилгандай яна кеч кирганда гапириб берарди.

Разин тўғрисида, ўша кезларда жуда кўп ҳар хил миш-мишлар юрарди. У боярларни ёмон кўрармиш, подшо хизматкорларини ҳам ёқтирмасмиш. У ҳатто полларга ҳам раҳм қилмасмиш. Унинг ўзи жини ва денгиз маликасидан туғилган экан. Умуман унга жинлар мададкор.

— Ундан ўқ ўтмасмиш,— деди Дунайка.
— Ҳатто тўп ҳам унинг қаршисида отилмай қолармиш.
— У яқин келса, шаҳар дарвозалари ўзидан-ўзи зулфинидан чиқиб, очилиб кетармиш.

— Вой, вой, ўзинг сақла, парвардигор!— деб чўқина бошлади бояр Кузьма-Бақалоқ.

— У яна қуш бўлиб учармиш, балиқ бўлиб шўнгирмиш,— деди пичирлаб Дунайка.— Унинг оти ҳам сеҳрли эмиш— дарё ва тоғлардан учиб ўтармиш. Қиличи ҳам сеҳрли экан. Бир ҳамласи билан юз одамнинг боши кесилармиш.

— Вой, вой, ўзинг сақла, парвардигор!

— Яна,— деб сўзида давом этади Дунайка.— У ҳуштак чалиб, ҳурматли хўжам, Волгада кетаётган кемани сеҳрлармиш. Ҳуштак чалса, кемалар юролмай қолармиш. Одамлар унга қараса, тошга айланиб қолармиш.

— Вой, вой, илоҳим кўрсатма!

Бояр худди қуёнга ўхшаб қўрқувда яшарди. Икки ой ичида икки пуд озди. Бирданига ўн ёшга қариб кетди. Бошидаги охириги бир дона сочидан ҳам маҳрум бўлди.

Бояр Кузьма-Бақалоқ бу фалокат четлаб ўтиб кетишини тилаб, кеча-кундуз ибодат қиларди. Бироқ худо унинг ибодатини инобатга олмади.

Мана, бир куни ярим тунда даҳшатли воқеа юз берди. Бечора кўзини очса, тепасида Разин турганмиш.

Бояр додламоқчи бўлди. Лекин иложи йўқлигини тушунди.

Разин ҳам қовоғини солиб, жим тикилиб тураверди. Унинг кўзлари ўтдай чақнарди.

Бояр бу нигоҳга дош беролмай, оёқ-қўли оғирлашаётганини сезди. Шунда Дунайканинг сўзларини эслади. Қўлларини қимирлатмоқчи эди, қимирламади. Оёғини ҳам қимирлатолмади.

— Вой, вой!— деб ингради бечора. Лекин бақиргани билан овози ичидан чиқмади.

Эрталаб хизматкорлар кирганида хўжайинлари жонсиз ётарди.

— Нима бўлди унга?

— Бу қандай юз берди?

Боярнинг хонадонидагилар баринга нима бўлганини тушинолмадилар.

— Негадир худо унинг жонини жуда эрта олиб қўйди.

— У ҳали узоқ умр кўрарди.

— Балки у кўпроқ ичиб қўйгандир.

— Ёки бирор ёмон нарсга еб қўйганмикин?

— Балки ёмон туш кўргандир? Тун бўйи алаҳлаб чиқувди.

...Боярлар қўрқинчли туш кўришарди. Уларнинг тушига баҳодир чавандоз кирарди.

Бу икки шаҳарча бир-бирига қўшни. Бу икки шаҳарча — юқори Ломов, қуйи Ломов эди.

Разинчилар шаҳарларни олишганида, мана бундай муносабатда бўладилар.

Халқни майдонга тўплашади. Шаҳар ҳукмдорни шу ерга келтирадилар. Унинг тақдирини халқнинг ўзи ҳал қилади.

Разинчи юзбоши:

— Жазолансинми ёки афу этилсинми?— деб халқдан сўрайди.

Агарда одамлар: «Жазолансин!»— дегудай бўлсалар, шаҳар ҳукмдорини шу ернинг ўзидаёқ осиб ўлдирардилар.

Агарда одамлар «афу этилсин!» дегудай бўлсалар, шу ернинг ўзидаёқ бўшатиб юборардилар.

Саратовда ҳам, Самарада ҳам, Чёрный Ярда ҳам, Царицинда ҳам худди шундай бўлган. Қўзғолончилар бошқа шаҳарларда ҳам шундай қилишарди.

Ҳар иккала Ломовни разинчи атаман Михаил Харитонов қўлга олди.

Разинчилар қуйи Ломовни ишғол қилишди. Халқни тўплашди. Ҳукмдорни келтиришди.

Михаил Харитонов олдинга чиқди-да:

— Жазолансинми ёки афу этилсинми?— деб мурожаат қилди.

Кимдир:

— Жазолансин!— деб бақирди.

Лекин шу оннинг ўзидаёқ ўнлаб одамлар:

— Афу этилсин!

— Афу этилсин!

— Афу этилсин!— деб шовқин кўтаришди.

Атаман ҳукмдорни қўйиб юборди.

Маълум бўлдики, ҳамма ҳукмдорлар ҳам ёвуз эмас экан. Уларда ҳам одамийлик бор экан. Агарда халқ афу этса, ундан юқорироқ суд бўлмайди-да.

Разинчилар юқори Ломовни ишғол қилдилар. Нима сабаб бўлди-ю, халқни вақтида тўплаб бўлмади, кеч кириб қолаётган эди. Ҳукмдор қамаб қўйилган эди. У ҳукмни кутаётган эди.

Харитонов маҳбусни эрталаб эслади, халқни тўплаш тўғрисида буйруқ берди. Аҳоли майдонга тўпланди.

Харитонов келди. У казаклар ҳукмдорни келтиришларини кутарди. Кутилмаганда разинчилар югуриб келишди-да:

— Атаман, ҳукмдор ғойиб бўлибди. Уни қамаб қўйган ери-миздан тополмадик,— дейишди.

— Нега йўқ бўлади? Қочганми?!

— Йўқ, атаман, қочмаган.
— Балки қўрққанидан ўлиб қолгандир?
— Йўқ, қўрқадигаптардан эмасди. Лекин тирик ҳам эмас.
— Нега йўқ бўлмаса?!

— Одамлар бизсиз ҳам уни паншаҳага санчиб олиб кетишибди. Демак одамлар ўз ҳукмларини ижро этибдилар.

БОШПАНА ВА ОСОЙИШТАЛИК ИЗЛАБ

Деҳқонлар ғалаёни бутун Волгани қуйи қисмидан тортиб то шимолий қисмигача жойлашган шаҳарларни қуршаб олди. Разин марказ бўйлаб борар, баҳордаги дарё тошқинига ўхшаб, ўнг ва чап томонларда юзлаб отрядлар бош кўтарарди. Ветлугада ва Хапрада ҳам деҳқонлар қўзғолонга қўшилишди. Тамбовда ва Пензада ҳам боярлар таҳликага тушиб қолишди. Тулада ва ҳатто Москвага яқин жойларда ҳам қўзғолончилар тўдаси пайдо бўлди. Владимир билан Суздальнинг тинчлиги бузилди. Украинада ҳам яқин кунда боярларга қарши кураш бошланади.

Боярлар ота-боболаридан қолган иссиқ ўринларини ташлаб қоча бошлашди. Халқ ғазабига дуч келиб қолишдан қўрқарди улар.

Бояр Феофан Круторогов ҳам ўз мулкини ташлаб қочди. У Пенза бўсағасидан Тамбовга қочиб келди. Крутороговнинг Тамбов яқинида дўсти бор эди. Уни Семён Рогокрутов деб аташарди. Феофан унинг хонадонидан бошпана топмоқчи бўлганди.

Круторогов Тамбовга қочиб келаётган пайтда Семён Рогокрутов бошпана қидириб, дўсти ҳузурига йўлга чиққан эди. У Пенза яқинида яширинишга умид қилган эди.

Дўстлар йўлда учрашиб қолишди.

— Кўзимнинг нури Семён Васильевич!

— Жонгинам Феофан!

— Қаёққа кетяпсан?

— Сеникига. Ўзинг қаёққа кетяпсан?

— Сеникига.

— Вой сен-ей?

— Вой сени қара-ю!

Пенза томонларда ишлар ёмон, Тамбов атрофида ишлар ундан ҳам чатоқ.

Дўстлар узоқ туриб маслаҳатлашишди. Ниҳоят Воронежга қочишга қарор қилишди. Воронеж яқинида Круторогов билан Рогокрутовнинг дўсти яшарди. У ҳам бояр, Сисой Водохлюпов. Боярлар ўша ерда бошпана топишга ишонган эдилар.

Дўстлар Воронеж шаҳрига яқинлашишди. Лекин шу пайт Воронеждан Тамбовга ёки Пензага боришни мўлжаллаб йўлга чиққан Водохлюповга дуч келиб қолишди.

Улар йўлда учрашиб қолдилар.

— Кўз нуримиз Сисой Гаврилович!

— Жонгинам Феофан, жоним Семён!

— Қаёққа кетяпсан?

— Сизларникига кетаётгандим.

— Бунга қара-я! Биз бўлсак сеникига кетаётган эдик.

— Вой сен-ей!

— Сени қара-ю!

Дўстлар Воронеж томонлар ҳам нотинч эканини билишди. Узоқ туриб ўйлашди. Шацк шаҳрига қочишга қарор қилишди. Дўстларнинг Шацк шаҳри яқинида ошналари яшарди. У ҳам бояр. Захар Хлюповодов.

Оғайнилар Шацка шаҳрига қараб йўл олишди. Худди шу пайтда Шацка шаҳридан улар қаршисига Захар Хлюповодов йўлга чиққанди.

Оғайнилар қадимий катта оқ тол дарахти тагида учрашиб қолишди.

— Кўз нуримиз Захар Захарич!

— Йўл бўлсин?

— Сизларникига, яхшилар.

— Афсус ва яна афсус. Биз бўлсак сеникига кетаётган эдик.

— Сени қара-я!

— Вой сен-ей!

Шацк шаҳри атрофида ҳам аҳвол ёмон. Боярлар ерга ўтириб, тол дарахти соясида узоқ суҳбатлашишди. Боярлар энди нима қиладилар? Дўстлар қаердан бошпана топадилар?

— Шимолгами? Жанубгами?

— Шарқ томонга кетамиз.

— Йўқ, боярлар, ғарбга қочамиз. Литва чегаралари томонга борамиз.

Боярлар ҳамон тол дарахти соясида ўтиришибди. Улар халқ газабидан қай томонга қочиб қутулиш тўғрисида баҳслашар эдилар. Боярлар баҳси давом этди. Улар ўрмондан чиққан деҳқонларни пайқамадилар ҳам. Шу билан баҳс ҳам тугади.

Боярлар тол дарахтига осилдилар. Улар ўзларига бошпана ва осойишта ерни шу жойдан топдилар.

БУЮК ГАГИН

Боярлар ота-боболаридан қолган ниссиқ ўринларини ташлаб қочарди. Бояр Буюк Гагин эса ҳеч қаёққа қочмади. Ўз уйида яшайверди.

— Ҳа, мен уларга, қулларга кўрсатаман!— деб шовқин кўтарди бояр.— Қани, улар қўл кўтариб кўришсин-чи. Бир зумнинг ўзидаёқ кўрсатиб қўяман.

Очигини айтганда Василий Гагин ботир одам эди. У, албатта, қаттиққўл ҳам эди. Гагиннинг деҳқонлари буни бир эмас бир неча марталаб ўз елкаларида синаб кўрганлар.

Гагиннинг разинчиларни кутиб, қўл қовуштириб ўтиришга сабри чидамади. У ёшлигида стрелец қўшини сафларида хизмат қилганди. Мана, бояр ёшлигини эслади.

— Биринчи навбатда,— деб буюрди. Гагин.— Тупроқдан баланд тепалик кўтариш керак.

Деҳқонлар ишга киришиб кетишди, боярнинг уйи атрофида баланд қўрғон тепа ҳосил бўлди.

— Яхши,— деди кўздан кечириб бўлгач Гагин.— Энди чуқур зовур қазिश керак.

Деҳқонлар белкуракларга яна тутинишди. Зовур ҳам тайёр бўлди.

— Энди зовур атрофини,— деб давом этди Гагин,— девор билан ўраш лозим.

Деҳқонлар болталарини олиб яна ишга киришдилар. Зовур атрофида девор пайдо бўлди.

— Жуда яхши бўлди,— деб маъқуллади Буюк Гагин.— Энди биз яна кузатиш минорасини қуришимиз керак.

Минора ҳам тайёр бўлди.

Гагин минорага кўтарилиб, тўрт тарафга бирма-бир қараб чиқди-да:

— Жуда соз,— деди маъқуллаб.

Қўрғон битганидан сўнг Гагин ўқ-дориларни, милтиқларни ҳам шу ерга ташиттирди. Бир ҳафта давомида деҳқонларни отишга ўргатди. Улар анча эпчил эканлар. Улар мерганлардан ҳам яхшироқ отишарди.

Тўпсиз қўрғон ҳақиқий қўрғон бўлолмаслигини билган Буюк Гагин тўп ҳам топиб келтирди. Деҳқонларни яна отишга ўргатди. Улар эпчилликларини яна бир бор кўрсатиб, Гагиннинг мақтовига сазовор бўлдилар. Бояр ҳар бир деҳқонга бир кружкадан шароб қуйиб берди. Деҳқонлар қўрғон шарафига. Гагиннинг соғлиғига қадаҳ кўтаришди.

Хўжайиннинг буйруғига биноан тўпнинг оғзини Шарққа — Волга томонга, Разинни кутишаётган томонга тўғрилаб қўйишди.

— Энди, келавер,— деди қўлларини бир-бирига ишқалаб Буюк Гагин.

Разин етиб келди. Разин келмасдан аввал, қўрғон битган куни, Гагинни деҳқонларнинг ўзлари тутқин қилиб қўйишган эди. Лекин уни ўлдиришмади. Деҳқонлар бояр отишни ўргатгани, қўрғон қурдиргани ва тўп келтирганини инobatга олиб, унга бўлган эски гиналарини кечирдилар. Разинчилар яқин келиб қолганларида деҳқонлар баринларини олиб чиқиб, тўпдан ўз қўли

билан отишга мажбур қилдилар. Лекин одамларга эмас, осмонга қаратиб отиш керак эди. Разинни ўқлардан салют бериб кутиб олмоқчи бўлган эдилар.

Буюк Гагиннинг жаҳли чиқиб тупурди, лекин отишга мажбур бўлди.

Разин деҳқонлар ўқ-дори, милтиқ, тўпни қаёқдан олганларини суриштириб билганидан кейин, у ҳам Гагиннинг гуноҳини кечирди.

— Демак, боярлар ҳам бизга ёрдам қилишяпти,— деди жиламайиб Степан Тимофеевич.— Раҳмат сенга ёрдамчим,— деди Буюк Гагинга кўзини қисиб Разин.

РОҲИБАЛАР

Княгиня Ликова ҳам Буюк Гагиндек ўз мулкида қолди. Лекин княгиня қўргон қурдирмади. Уйи атрофига зовур ҳам қаздирмади. Ўқ-дори ва милтиқлар ҳам солиб олмади. Тўп олишни ҳаёлига ҳам келтирмади.

У роҳибаларни ўз мулкига кўчиртирди, холос.

— Муқаддас даргоҳга ёвуз тегмайди!

Роҳибалар Ликинанинг саройига кўчиб кирдилар. Улар кечакундуз сажда қилишар, ҳеч тўхтамай дуо ўқишарди.

Биринчи ҳафта кетидан иккинчи ҳафта ҳам ўтди, роҳибалар бу ерга ҳам анча ўрганиб қолишди. Монастирда, тўрт девор ичинда яшадан ҳам зерикарли ҳаёт борми. Бу ерда яшаш эса, бутунлай бошқача. Қир бағридан дарё оқиб ўтади. Шундай ёнги-пангда ўрмон дарахтлари шохларини силкитиб туради. Ўрмонда қўзиқорин, ҳар хил мевалар кўп, саҳар чоғида эса, қушлар сайрайди.

Ликинанинг уйида яшаётган роҳибалар эртадан кечгача дуо ўқиб, сажда қилиш билан банд бўлсалар ҳам ҳаёллари дарё ва ўрмонда.

Улардан бири яширинча дарёда чўмилиб олди. Кейин бу сирини бошқаларга сўзлаб берди.

Иккинчи роҳиба ҳеч кимга билдирмай ўрмонга борди. У ҳам сирини яширолмади. Бошқалар ҳам дарёга бориб келадиган бўлиб қолишди. Ўрмонга ҳам бора бошлашди.

Роҳибалар эрксизликларини лаънатлар эдилар. Эркин ҳаёт ҳаёлларидан нари кетмай қолди. Гоҳида улар майсазорга тўп-ланиб, ҳаётий қўшиқлардан айтардилар. Кеч киргач, роҳибалар авваллари ухлагани ётишарди. Негадир энди роҳибаларнинг кўзига уйқу келмайди. Улар юлдузларга боқадилар, чуқур хўрсинадилар. Гоҳида эса, уйлари ҳақида ҳикоя бошлайдилар.

Княгиня Ликова уларни уялтиради:

— Вой ундайлар, вой бундайлар! Сиз ҳали худога шундай хизмат қилияпсизларми? Қилаётган саждаларингиз шуми ҳали?

Унинг дўқ-пўписалари кор қилмайди.

Ликова уларга бақира бошлайди:

— Вой уятсизлар! Вой худосизлар! Ҳали муқаддас бурчин-гизни шундай адо этиясизми? Ҳали сиз худованди каримга шу-нақа хизмат қилясизми? Шошмай турларинг, ҳали сизларни худо уради!

Роҳибаларга бу сўзлар ҳам таъсир қилмайди.

Ликова роҳибаларга таъна тошини ёғдиради.

— Сенларга беҳишзда ўрин йўқ. Сенлар фаришталарнинг қў-шиғини эшитиб бўпсанлар. Ҳали, сен гуноҳкор бандалар дўзах оловида ёнасанлар. Қиёматгача қозонда қайнайсанлар.

Бу сўзлар ҳам таъсир қилмайди.

— Тақдирга тан беринглар, тақдирга тан беринглар!— деб бақиради княгиня.

У роҳиба бечораларни шу қадар хўрладики, охири тоқатлари ток бўлди. Жаҳллари чиққан роҳибалар княгинянинг мулкига ўт қўйиб, уй-уйларига тарқаб кетдилар.

Одамлар анча вақтгача:

— Мулкка Разин ўт қўйди, Разин. У бизнинг ерларда ҳам бўлди,— деб гапириб юришди.

Разин эса бу ерга яқин ҳам келмади. У анча наридан ўтиб кетган эди.

Одамлар нега бундай дейишганийкин?

ТОПҚИР

Боярлар тинчликларини йўқотиб қўйдилар. Улар мол-мулк-ларини яшира бошладилар. Бировлар қудуқларга, бировлар ертўлаларга яширар, яна бировлар эса махсус ўра қазитар эди.

Квашня Квашнин деган бояр бойликларини гўнгнинг орасига яшириб қўйди.

Квашня Квашнин ўз ишидан мамнун бўлиб:

— Мана мен ўйлаб иш қиладиган одамман! Гўнгни титиш кимнинг ҳам хаёлига келади?— деди.

Боярнинг кўнгли тинчиди. Унинг олтин ва қумушларини гўнг уюми сақлаб беради.

Бироқ орадан бир ҳафта ўтгач, Квашнин хавотирга тушиб қолди. Хаёлига кимдир бу ишини сезиб қолгандай, кимдир яшираётганда кузатгандай бўлаверди.

Бояр бойлигини бошқа жойга яширди. У ўрмон этагидаги қари дуб дарахтининг тагига, ари инининг ёнгинасига кўмиб қўйди.

Квашня Квашнин мамнун:

— Мен қандай айёрман! Ким ҳам юрак ютиб ари инига яқинлашарди?

Боярнинг кўнгли тинчиди. Дуб дарахти атрофида арилар гувиллаб учиб, боярнинг олтин-кумушларини қўриқлашмоқда.

Лекин бир ҳафтадан кейин Қвашин яна безовта бўла бошлади. Боярнинг хаёлида кимдир сезиб қолгандай, кимдир уни кузатгандай бўлаверди.

Қвашня Қвашини бойлигини яна бошқа жойга яширди. У энди илонлар уймалашиб ётган чириган тўнкалар остига кўмди.

Қвашня Қвашини ўз ишидан мамнун бўлиб:

— Мен қандай ақлли одамман! Илонларнинг пинга ким ҳам борарди?— деди.

Боярнинг кўнгли тинчиди. Илонлар вишиллашиб, бир-бирига чирмашиб, унинг олтин-кумушларини қўриқлашяпти.

Яна бир ҳафта ўтгач, бечора бояр тинчлигини йўқотди. Ҳамон боярга кимдир уни кузатиб тургандай бўлаверди.

Қвашини бойлигини яна бошқа жойга беркитишга қарор қилди. Балки бу охириг жой бўлар. Энди у энг ишончли жойга қўяди. У олтин ва кумушларини олиб қалин ўрмонга жўнади.

— Бойлигимни айиқнинг ишига яшираман. Мана қандай топқирман! Ким ҳам айиқ инини қарарди?

Фақат айиқ боярни у ўйлаганча қувонч билан кутиб олмади. У боярни сержун панжаси билан маҳкам тутди. Шундай қилиб Қвашня Қвашини ҳалок бўлди.

Топқир одам қалин ўрмон ичида қолиб кетди. Боярнинг олтин ва кумушлари, алвидо энди!

АЖОЙИБ ИШЛАР БЎЛЯПТИ

Бояр Кирилл Морозов энг йиртқич ҳайвондан ҳам қўрқинчли эди. У ҳатто ваҳший ҳайвонга ўхшаб:

— Хизматкорлар! Қуллар! Ир-р-р-ир!— деб ириллагани-ириллаган эди.

Хизматкорларини қўлига тушган нарса билан: калтак тушса, калтак билан, шоти тушса, шоти билан, узун темир тушса, темир билан калтакларди.

Бирданига... Умуман ўзингиз хулоса чиқаринг.

Бояр бутунлай ўзгарди-қўйди. Энди у одамларни ҳатто чертмайди ҳам. Ҳатто ўқраймайди ҳам. Бақирмайди ҳам. Умуман одамларга ёмонликни раво кўрмайдиган бўлиб қолди. Кимни учратса, биринчи бўлиб бош кийимини ечиб, таъзим қилади.

Мана қандай ажойиб ишлар бўляпти!

У авваллари хизматкорларини: Тришка, Епишка, Ермошка, Антошка, Серёжка деб, кўпинча эса — аҳмоқ деб чақирарди.

Энди бўлса Тришкани бояр — Трифон, бу ҳам камлик қилгандай отасининг исмини ҳам қўшиб — Трифон Евсеич, Епишкани — Епифан Алексеич, Ермошкани — Ермолай Спиридонич,

Антошкани — Антон Капитонич, Серёжкани — Сергей Сергеич деб чақиради. Албатта у энди «аҳмоқ» деган сўзини унутиб ҳам юборди.

Мана қандай ажойиб ишлар бўляпти!

Илгари бояр ҳақиқий бояр эди. У кунини бекорчилик ва маишатда ўтказарди. Морозов овни яхши кўрарди. Ичкиликни ҳам челаклаб ичарди. Хизматкорлар кийинтириб, хизматкорлари ечинтирарди. Қошиқ билан овқатлантириб қўйишларига оз қолганди. Бояр пиёда юрмасди. Доим савлат тўкиб каретада юрарди.

Энди бўлса — халқ уни кўриб, ажабланарди. Бояр ўзи кийиниб, ўзи ечинади. Овга чиқишни ҳам унутиб юборди. Ичкилик ҳам ичмай қўйди. Каретани ёндириб юбориб, пиёда юрадиган бўлди.

Боярнинг бошқа ташвишларни кўпайиб қолди. Морозовнинг ўзи ўтин ёради. Пичан ўради. Гоҳида эса икки букилиб ер ҳайдайди. У деҳқончиликни ёқтириб қолди. Меҳнатсиз туролмайдиган бўлиб қолди.

Мана шундай ажойиб ишлар бўляпти, албатта!

— Разин унинг ақлини киритиб қўйди,— деб қўйишади одамлар.

Ҳақиқатан ҳам Разин қўшини бу ерларга яқинлашгани сайин бояр мулойим, меҳрибон бўлиб борар, ҳамма ишда ўзгаларга ўрнак бўларли эди.

Деҳқонларни фақат бир нарсасига таажжублантирарди.

Бояр негадир жон-жаҳди билан ер ҳайдагани-ҳайдаган эди. У ерни ҳайдаб бўлиб, яна қайтадан ҳайдашга киришарди. Икки марта ҳайдаганига қарамай, яна учинчи марта ҳайдай бошлади. Ундан кейин ўша ерни тўртинчи, бешинчи марта қайта ҳайдайверди.

«Бу қанақаси?!» — деб ажабланди одамлар.

Улар диққат билан қараб, гап нимадалигини билишди: бояр қўрқиб кетганидан ақлдан озган экан.

НИЗГУРЕЦКИЙ ВА СВИСТЕЦКИЙ

Дворянин Низгурецкий ҳукумат иши билан Москвага борди. У аллақандай буйруққа кўра, воеводадан қаңдайдир қоғозлар келтирди. Бу қоғозларда уларнинг Переяславск уездида тинчлик, осойишталик ҳукм сураётгани, боярларга халқ итоат этаётгани, ҳеч қандай қўзғолон йўқлиги, бундан кейин ҳам бўлмаслигига ишончи комиллиги ҳақида ёзилганди.

¹ Воевода — қадимги Россияда аскар ёки вилоят бошлиғи.

Низгурецкий Москвада дворянин Свистецкий билан учрашиб қолди. Свистецкий Москвага Саратовдан келган эди.

— Вой, вой, бизнинг томонларда нималар бўлаётганини билсанг эди!— деб ҳасрат қила бошлади Свистецкий.— Халқ ҳадидан ошмоқда, ақлдан озмоқда. Тўғри, Стенка қутуриб кетди.— Свистецкий саратовликлар шаҳарни қандай топширишганини, воеводани қандай ўлдиришганини, ёвузга қай тариқа «Ура!» деб қичқаришганини ҳикоя қила бошлади.— Мен зўрга қутулиб қолдим. Қароллар кийимини кийиб қочдим.

— Бизнинг уездимизда тинчлик, хотиржамлик,— деди Низгурецкий.— Москва бизни ўғридан мустаҳкам пана қилиб турибди.

Дворянлар ўтқир винодан бир қадаҳдан ичишди. Халқ қўзғолони ҳақида яна узоқ гаплашишди. Суҳбат Низгурецкий Свистецкийни меҳмонга таклиф қилиш билан тугади. Свистецкий рози бўлди ва боришга ваъда берди.

Низгурецкий унга йўлни тушунтирди:

— Нерль дарёсидан кўприкдан ўтишинг биланоқ йўл иккига ажралиб, бири чапга, иккинчиси ўнгга қараб кетади. Менинг қўргонимга бориш учун ўнгга бурилиб, ўрмон орасидан юриш керак. Ўрмон оралаб ўтсанг учта қарағайни кўрасан. У ерда йўл яна иккига ажралади, бири чапга, иккинчиси ўнгга қараб кетади. Менинг уйимга бориш учун шу ерда чапга бурилиш керак. Шу йўлдан ярим чақирим юрсанг, иккита қайинга дуч келасан. Шу ерда йўл яна айрилади, бири чапга, иккинчиси ўнгга қараб кетади. Қулоқ сол: чапга юрсанг ҳам, ўнгга юрсанг ҳам, тўғри меникига борасан. Менинг қўргоним,— тушунтирди Низгурецкий,— ўрмон тугаши биланоқ кўринади — дарё қирғоғида. Уйим жуда баланд. Пешайвонни ўймакор. Дарвоза темир билан парчинланган. Топиш жуда осон. Адашиб қолсанг — дуч келган одам кўрсатиб қўяди.

Бир неча кундан кейин Свистецкий Низгурецкийникига жўнади. Свистецкий кетяпти-ю, атроф жимжит, тинчлик. Дворяннинг қалби қувончга тўлди.

Нерль дарёси кўпригига етиб борди. Ўнгга бурилди. Кейин чапга бурилди. Уч қарағай ва икки қайин ёнидан ўтди. Мана лийдоқ дала. Хув анави ерда, олдинда, дарё бўйида Низгурецкийнинг қўргони бўлиши керак. Аммо Свистецкий қанча қарамасин, қўргон кўринмади. На уй, на ўймакор пешайвон, на темир билан парчинланган дарвоза кўринади.

Свистецкий ҳайрон бўлиб, «Йўлнинг қаеридадир адашиб бошқа жойга келиб қолганга ўхшайман», деб ўйлади.

У отини тўхтатди.

Яна қайишлар ёнига, кейин қарағайлар ёнига қайтиб келди. Ўрмон йўлларида бир соат дайдиб юрди. Чарчади. Ҳолдан той-

ди. Ўрмон ичида юраверганидан буталар ҳамма ёғини шилиб юборди. Лекин қўрғонни ҳеч қаердан тополмади. Свистецкий Нерль дарёси кўпригига қайтди. Шу ерда бир деҳқонга дуч келиб қолди.

— Ҳей!— деб қичқирди Свистецкий.— Низгурецкий қаерда яшайди?

— Шу йўлдан ўрмон ичидан кетаверсанг, хўжайин, бир чақиримча юрганингдан кейин учта қарағайни кўрасан. Қарағай олдидан йўл икки томонга — бири чапга, иккинчиси ўнгга кетади. Сен чапга бурил. Яна ярим чақирим юрсанг иккита қайин турганини кўрасан. Уша ерда йўл яна иккига ажралиб, бири чапга, иккинчиси ўнгга кетади. Чапдан юрсанг ҳам, ўнгдан юрсанг ҳам очиқ жойдан чиқасан...

— У ерда бўлдим,— Свистецкий деҳқоннинг гапини бўлди.— Атроф дала, бошқа ҳеч нарса йўқ.

— Гапимни бўлма, адаштира,— деҳқоннинг жаҳли чиқиб кетди.— Ўзим ҳам чалғиб кетмай тагин. Ҳа, бундай, далага етганингдан кейин ўнгга бурилиб, ўрмон ёқалаб яна чорак чақирим юр. Ана шундан кейин... Ўзинг ҳам кўрасан, жаноб. У ерда осина дарахти ҳам бор.

«Эҳ-ҳа, гап бу ёқда экан-ку!— Свистецкийнинг кўнгли ёришиб кетди.— Осинани унутиб қўйибман. Вино жуда ўткир экан».

Свистецкий яна от чоптириб, қарағай ёнига, кейин қайин ёнига борди. Далага етиб, ўнгга бурилди. Свистецкий отга қамчи босиб, осина ёнига келди-ю, қўрқанидан юраги ёрилиб ўлаётди. Осинага Низгурецкий осиб қўйилган эди.

Свистецкий даҳшатдан бақириб юборди. Саратовни эслаб бу ердан қочиб қолди. Энди у ўрмон оралаб юришдан қўрқди. Даладан дарё бўйига от чоптирди. Шу ерда Свистецкий култепага, деҳқонлар ўт қўйган бойнинг уйига дуч келди. Уйда фақат печь бутун қолган эди. Халқ уруши аланга олиб, тобора кенгайиб, мамлакат бўйлаб тошқин сувдек тошиб бормоқда. Халқ асрлар бўйи чеккан азоблари учун қасос олмақда.

«БЕҒАМ»

— Уф-уф,— бояр Яков Одоевский уф тортарди,— худо бизга беғамни юборди.

Подшони «беғам» деб аташарди. Подшо Алексей Михайлович гавдали, семиз бўлса ҳам, табиати чиндан ҳам беғам эди.

У овни яхши кўрарди. Кўпроқ лочин билан ов қилишни севарди. Москва атрофидаги ўрмонлар ҳавас қиладиган. Подшонинг дўстлари қувноқ. Ҳайвонлар овчининг оёғи остидан чиқади.

Подшо овга чиққиси келса, давлат ишларини ўз ҳолига ташлаб қўярди.

У ҳайвон орқасидан бир кун, икки кун, бир ҳафта, ҳатто бир ой ҳам қувлаб юраверарди. Кремлда эса боярлар подшонинг ўрмонда кайф-сафо қилиши қачон тугаркин, деб фол очиб ўтиришарди.

Разин қўзғолони ҳақидаги хабарни подшо овда эшитди. Бу хабарни Яков Одоевский келтирди.

Яков Одоевский воқеани гапириб берди.

— Ҳечқиси йўқ, изга тушади. Халқ бир шовқин кўтариб, кейин тинчланиб қолади,— деб жавоб берди подшо боярга.

Подшо Одоевскийни ёқтирмасди. У подшога тинчлик бермайди. Яков Одоевский ҳамиша ҳар хил ишлар ҳақида гапирарди. Бояр томоғини ғоз ёғи билан мойлаб олгандек секин, муғамбирона гапирарди. Кўриниши ҳам хунук. От жағ, кўзига оқ тушган. Худди мушукка ўхшаб юради. Эркакларга ўхшаб, салобат билан юрса-чи.

Подшо боярни Москвага қайтариб юборди ва бир кундан кейин боришини айтди.

Аммо тез орада келавермади.

Унгача разинчилар Астраханни олишди.

— Ўғри Стенка катта ғалаён бошлади,— хабар берди Одоевский подшога.— Астраханни жанг билан эгаллади.

— Жойига тушади. Халқ бир шовқин кўтариб, кейин тинчланиб қолади,— жавоб берди подшо боярга.

Шундай жавоб берди-ю, ўзи яна овга чиқиб кетди.

«Уф, уф — Одоевский ичида уф тортди.— Худо бизга қуён-хўрни юборди».

Подшо яна Москвага қайтиб келганда разинчилар Саратовни эгаллашган эди.

— Шоҳим,— деб шивирлади Одоевский,— ўғри Стенка Саратовга кирди. Пашша ширага ёпишгандек, одамлар қароқчига қўшиляпти.

— Жойига тушади. Халқ шовқин кўтариб, кейин тинчланиб қолади,— деб жавоб берди яна подшо.

У яна ошналари билан овга чиқиб кетди.

Подшо учинчи марта овдан қайтиб келди. Одоевский унга янги хабарни етказди:

— Шоҳим, ўғри Стенка Самарадан ўтди. Бутун Волга қароқчилик қияпти. Татарлар, черемислар, мордвин, бошқирлар ҳам ёвуз томонига ўтишди. Русь тебраниб турибди, шоҳим, тебраниб турибди. Дворянларга ҳалокат келяпти. Кўнгил очишни қўй, шоҳим.— Боярнинг овози қаттиқроқ чиқа бошлади.— Ёки дворянлар подшоси эмасмисан!

— Канадек ёпишиб олдинг-ку бояр!—подшо Алексей Михайловичнинг жаҳли чиқиб кетди. Ҳатто ҳафа бўлди:— Бўлмаса кимнинг подшосиман, қуллариними?

Подшо ҳафа бўлди, лекин бу сафар қуён овига чиқмади. Дворянлардан қўшини тўплаб, Волгага қарши юриш қилишга буйруқ берди.

НАЙЗАЧИЛАР ШКВАДРОНИ

Боярлар Руси қимирлаб қолди. Разинга қарши курашиш учун турли рус шаҳарларида шошилинч қўшин тўплай бошладилар.

Стрелецлар, тўпчилар, найзачиларни йнга бошлашди. Қўшинга дворянларни ҳам, боярларнинг болаларини ҳам олишарди. Найзачилар, рейтарлар, драгунлар, гусарлар, оддий аскарлар тўпланиш жойларига келишарди.

Орёл воеводаси Никифор Спесивцев бутун бир найзачилар шквационини тўплади. Уни анча вақт ичда қурооллантирди. Энг яхши отларнинг берилишини кузатиб турди. Тизгинлар мустаҳкам, эгарлар нишиқ бўлсин, деди. Ҳар бир кишида жанговар найза бўлиши керак. Ҳар бирида қулоқни ҳам тўсиб турадиган темир дубулға бўлсин. Ҳар бирида қилич бўлсин.

Кексаларни олмади.

— Серзардароқ, ёшроқ одамлар керак. Ёшлар чўрткесар бўлади, қўлларни ҳам бақувват — деб ўйлади Никифор Спесивцев.

Воевода йигитларни кўздап кечирди. Ҳар бир отлиқ бир баҳодир. Ҳар бир от олов ва ел.

— Биз орёлликлармиз, — дер эди воевода. — Биз тулаликларни ҳам, костромаликларни ҳам, тверликларни ҳам, тамбовликларни ҳам — ҳар қанақасини йўлда қолдириб кетамиз. Шаҳаншоҳ мамнун бўлади.

Спесивцев подшога найзачилар шквационини тўплаганини ёзиб юборди. Унда: аскарларнинг ҳар бири баҳодир, отлар тўқ, найзалар ўткир. Йигитлар — ишончли, ҳар бирининг ғазаби икки кишига татийди. Разинга энди шафқат йўқ, дейилганди.

Отлиқлар йўлга чиқишди. Йўл Тула ва Серпухов орқали Москвага боради — у ерда қўшин тўпланаётган эди.

Бир ҳафта ўтгач чопар келди:

— Хўш, шквацион қалай, воевода?

— Жўнатдим, жўнатдим. Ҳар бир аскар — баҳодир. Шаҳаншоҳ мамнун бўладилар.

Иккинчи ҳафта ўтди. Орёлга яна чопар келди.

— Шквацион қани, воевода?!

— Жўнатдим, жўнатдим. Шаҳаншоҳ мамнун бўладилар. Менинг одамларим ишончли. Бири биридан зўр. Орёл Шквациони Разиннинг адабини беради.

Иккинчи чопардан кейин орадан кўп ўтмай учинчиси келди.

— Шквацион қани, воевода?!

«Бу нимаси, шквадрон қаёққа кетдийкин?»— деб ўйлади Спесивцевнинг ўзи.

— Қаерда?

Шквадрон эса бу вақтда Донга етиб келган эди. Дондан Волга томон юрди. Найзачилар Разинга қарши эмас, Разинга қўшилиш учун Волгага боришарди.

Ушанда бундай ҳоллар тез-тез содир бўларди. Одамлар боярлар қўшинидан қочиб кетардилар. Стрелецлар ҳам, найзачилар ҳам, драгунлар ҳам, рейтарлар ҳам Разинга қўшилишарди. Уларнинг орасида дворянларни, ҳатто боярларнинг фарзандларини ҳам учратиш мумкин эди.

АНҚОВЛАР

Подшо қўшинига дворянларнинг ҳали балоғатга етмаган уч фарзанди — Памфил, Боголеп ва Топей борарди.

Ўнг томонда отлиқ Топей кетмоқда.
Чап томонда отлиқ Памфил кетмоқда.
Боголеп уларнинг ўртасида кетяпти.
Уларнинг энг новчаси Памфил.
Уларнинг энг паканаси Топей.
Боголеп ўрта бўйли.
Уларнинг энг ақллиси Топей.
Улардан энг анқови Памфил.
Боголепнинг фаросати ўртача.

Уларни уйларида жанговар жасоратга кузатиб қилишган. Ўўлга энг яхши отларни беришган.

Ҳар бирининг орқасида мушкет осиглиқ. Ҳар бирининг ёнида қилич кўринади. Ўқ ва порох солинган халталарни осиб олишган. Шалка ўрнига дубулға кийиб олишган.

Дворян болалари кетишяпти. Улар Стенька Разинни савалаб, уйга галаба билан қайтишни орзу қилишади.

— Жангда ёвузни тирик қўлга тушириб олиб келамиз. Подшонинг мақтовига сазовор бўламиз.

Йигитчалар уйдан ўн икки чақирим узоқлашишди. Салкам минг чақиримча йўл қолди.

Йўл ўқдек тўғри кетган. Бирдан йўл учга ажралди.

Дворян паҳлавонлари йўл четидаги тош олдида тўхташди. Қайси йўлдан юришни баҳслашишди.

— Ўнгга юрамиз,— деди Памфил.

— Чапга юрамиз,— деди Топей.

Боголеп эса ўртадаги йўлдан юришни маъқул кўрди. Улар бир соат баҳслашишди. Яхшиямки бир чол келиб қолди.

— Хоҳлаган йўлингиздан кетаверинглар. Кимга қайси йўл

маъқул бўлса, ўшандан юрсин. Баҳслашманглар. Бу йўллар ба-
рибир қўшилади.

Памфил ўннга юрди. Бу йўл ўрмонга бурилиб кетарди.

Топей чапга бурилди. Бу йўл дарёга олиб борарди.

Боголеп эса тўғрига, очиқ даладан олға кетди.

Памфил ўрмон ичидан кетяпти. У қаҳрамонлик ҳақида хаёл суради. Москва унинг шарафига қўнғироқ чалади. Мана, подшо Алексей Михайловичнинг ўзи уни шарафламақда.

Памфил шон-шухрат ҳақида хаёл суриб, йўл бўйидаги бута-
лар орасида соя каби эргашиб бораётган одамни кўрмай қолди.

Йўл сершоҳ эман ёнига келди. Бу ерда Памфилни паншаха-
лар кутиб олди ва биқинига санчилди.

Топей дарё томон кетмоқда эди. Топей қаҳрамонлик ҳақида
хаёл суради. Москва унинг шарафига қўнғироқ чалади. Подшо
Алексей Михайловичнинг ўзи уни шарафламақда.

Топей дарёга етиб борди. Дарёдан кечиб ўтди. Баланд қир-
ғоққа кўтарилди бошлади. Тепалик устидан Топей боши узра
чалғи кўтарилди. Хаёлпараст дарёга қулади.

Боголеп отига миниб яланг даладан кетиб бормоқда. У
жангда қаҳрамонлик кўрсатиш ҳақида хаёл суриб боряпти.
Мана унинг шарафига Москва бутхоналари қўнғироқ чалаяпти.
Подшо Алексей Михайловичнинг ўзи уни шарафламақда.

Яланг дала тугади. Йўл тик жарликка келди. Боголеп жар-
га туша бошлади.

Афсус, орқасида кўзи йўқ. Дворян ўғли орқасида кимдир
тик кўтарилганини кўрмади. Сўйил қилич каби кўтарилди. Ду-
булғасига болға каби урилди. Боголеп отдан йиқилди. Жар
тубида қолиб кетди.

Чол тўғри айтган экан — дворянларнинг йўли бир хил бў-
либ чиқди.

УРИНИШДИ

Ефремов воеводаси Аввакум Иевлев полшога бундай хат
ёзди: «Подшо жаноб олийларига, подшоҳимиз ва улуг князь
Алексей Михайловичга сенинг қулинг Аввакумка таъзим қи-
лади».

Воевода Ефремовда шаҳар деворлари чириб, қийшайиб
қолгани, баъзи жойлари қулаб кетгани ҳақида ёзганди. Шаҳар-
нинг ишончли ҳимояси йўқ. «Агар ўғри Стенька Ефремовга
келса,— деб ёзди Иевлев подшога,— катта фалокат бўлиши
мумкин». Воевода янги девор қуриш учун пул сўради.

Подшо воеводага жавоб ёзиб, девор қуришни буюрди. Бў-
нинг учун пул ажратди. Воевода Ефремовга эман ходаларини
келтирди. Усталарни ёллади. Девор қура бошлашди.

Дурадгор усталар оқсоқоли Никита Зяблов воеводага ёқиб.

қолди. Зяблов кекса бўлса ҳам, дурадгорликда устаси фаранг эди.

— Биз бу деворпи дарров тиклаймиз,— дер эди Никита.— Эвараларимиз вақтидаям йиқилмай турадиган бўлади. Хотир-жам бўл, отахон воевода, Разин бу девордан ўголмайди.

Воевода ҳар кунн келиб, иш қапдай кетаётганини кўради. Болталар тақиллайди, арралар тўхтовсиз ишлайди.

— Тезроқ, тезроқ!— деб бақиради Зяблов.

Никита тўғри айтган экан — девор худди эртақдайдек тез битяпти. Иевлев чолни мақтади.

— Уруняпмиз, отахон воевода,— деб жавоб берди Зяблов.

Воевода дурадгорларни ҳам мақтади.

— Уруняпмиз!— жавоб қилишди дурадгорлар.

Воевода иш билан чарчаб қолди. У касал бўлиб, бир неча кун ётиб олди.

Аммо иш тўхтаб қолмади, давом этаверди. Мана, Никита Зяблов воеводанинг ҳузурига келди.

— Воевода отахон, девор тайёр!

Иевлев ўзини тута олмади, ўрнидан туриб, қўрғонни кўрғани борди. Қараса — деворлар жуда соз, баланд ва мустаҳкам. Ҳатто эски девордан бир метр баланд.

— Яшапглар!— деб мақтади воевода.

У қўрғоннинг бир томонини айланиб, иккинчи ва учинчи томонини айланиб, тўртинчи томонига бурилди. Қараса — бу ёғида ҳеч қандай девор йўқ.

— Бу қанақаси!— деб бақирди воевода.

— Ғўла етишмади,— тушунтирди Никита.

— Қанақасига етмайди?!

— Мўлжалимиз тўғри чиқмади. Деворни бекорга бир метр баланд қилган эканмиз. Ҳечқиси йўқ,— деди Никита,— бунинг эвазига уч томон мустаҳкам. Ҳеч қандай куч билан ўтиб бўлмайди. Воевода отахон, энди Разин хавфли эмас.

Воевода инграб юборди:

— Нималар деяпсан, ахмоқ! Бутун бир томонида девор бўлмаса, бу қанақа мустаҳкам қўрғон?

Никита қўлларини ёзди, кулгисини зўрға яшнрди:

— Адашдик, отахон, адашдик. Нега бундай бўлдийкин? Ахир жон куйдириб ишлагандик, отахон...

— Жон куйдириб?!— бақирди воевода.— Ғофиллар, подшога хизмат қилмаяпсизлар! Лаънати Степкани кутяпсизлар!

Воевода дурадгорларни савалашни буюрди. Аммо бу ҳақда пошдога хат ёзиб, яна пул сўраб ўтирмади. Бундай қилишга юраги дов бермади.

Шундай қилиб, Ефремов уч томони деворлигича қолаверди. Яхшиямки Разин Ефремовни олмади.



Тўртинчи боб

КАЗАК СЎЗИ

ГУСЬ ВА ПРИСЕВКА

Икки ёш казак — Гусь билан Присевка ким халқ ишига идоқатлироқ эканлиги ҳақида баҳслашиб қолишди.

— Мен!— деб қичқирди Гусь.

— Йўқ мен!— деб ишонтирмоқчи бўлди Присевка.

— Мен ҳаётимни ҳам аямайман!— Гусь мушти билан кўк-гига урди.

— Мен ҳар қандай қийноққа ҳам бардош бераман, фик майман!— қасам ичди Присевка.

— Хоҳласанг бармоғимни таг-туғи билан кесиб ташлайман.

— Бармоқ эмиш, мен қўлимни юлиб олишим мумкин!

Казаклар бирн иккинчисидан қолишмай баҳслашишарди. Разин бу пайтда лагерни айланиб юрганди, казаклар баҳ-ни эшитиб қолди. У тўхтади. Қўлимсиради.

Баҳслашаётганлар атамани кўриб, жимиб қолишди.

Степан Тимофеевич шоввозларга разм солди.

— Эҳ, сиз бақироқлар: ҳаёт, қийноқ, бармоқ, қўл эмиш. Ингизни чинакамига синаб кўришни хоҳлайсизми?

— Буюр, атаман! Сўз берамиз.

— Хат-саводларнинг борми?

— Йўқ, Степан Тимофеевич.

— Гап бундай: ким бу илми-дошшини биринчи бўлиб эгаллаб олишнинг уддасидан чиқса, унга ҳақиқатан ҳам ишонса бўлади.

Қазаклар безовталаниб қолишди. Улар бунақасни кутинмаганди. Эҳ, отахон атаман қаттиқ жойидан тутди-ку. Лекин нима қилиш керак? Энди чекиниб бўлмайди. Қазак сўзи берилган.

Разин хат-савод тўғрисида бекорга гапирмаганди. Унга ёзиш ва ўқишни биладиган одамлар керак. Саводхонлар кам. Илмсиз деҳқон қўшинларига оғир эди.

Қазаклар черковга бориб, дьячок¹ни топишди.

— Ургат, узун соч,— дейишди.

Улар ҳарф ўрганишга киришдилар. Қазаклар куйиб-пишиб ҳаракат қилишди.

Лекин билим эгаллаш қийинчилик билан кўчарди. Ҳафта кетидан ҳафта ўтди.

— Тоқатим тоқ бўлди, бўлак чидай олмайман!— болалардек йиғлади Гусь.

Бундан кўра стрелецлар ўқишга учраганим афзал!— фиғон чекарди Присевка.

Яна бир ҳафта ўтди.

— Эҳ, менинг бошим, бечора бошгипам! Билим оламан деб ўлиб кетсам керак,— қайғуради Гусь.

— Бу дўзах азоби нима учун? Одил худо, бизнинг қай гуноҳимиз учун жазоладинг?— увлаб йиғларди Присевка.

Қазаклар фиғон чекар, ўз тақдирларини лаънатлашарди. Оҳ-фиғон чекишса ҳам билим олишга ҳаракат қилишарди. Ахир, казакчасига сўз беришган эди-да.

Орадан икки ой ўтди.

— Қани энди жўнаплар,— деди ниҳоят дьячок.

Қазаклар шамолдек елиб Разиннинг олдига шошилдилар.

— Ҳикматни эгалладик, отахон атаман!

— Йўғ-ей!— ишонқирамади Степан Тимофеевич.

— Текшириб кўр!

Разин Гусга ёзиғлиқ бир парча қоғоз узатди.

— Ўқи-чи.

Гусь ўқиди. Тўғри, у унчалик равон ўқий олмади. Аммо, сўзларни аниқ ўқиди.

— Яша, казак!— мақтади Разин.

Атаман тоза қоғоз олиб, уни Присевкага узатди.

¹ Дьячок — православ черковида унвонга эга бўлмаган руҳоний.

— Ёз-чи.

Присевка ёза бошлади. Тўғри, у ҳали унча тез ёзолмаса ҳам, аниқ ёзар, ҳарфларини чалкаштириб юбормасди.

— Яша, казак!— ҳайратланди Разин,— икковингиз ҳам азаматсиз! Хурсанд қилдиларинг. Кутмагандим.

Гусь билан Присевка ўнғайсизланишди.

— Ҳаракат қилдик, отахон атаман. Ахир казак сўзини берган эдик-да.

ЛЁВКА — «КЎРКАМ»

Лёвка — «кўркам» дозорда ухлаб қолди. Бунинг учун разинчиларда ўлим жазоси бериларди.

Бир куни Разин қоровуллар хизматни қандай ўташаётганини текширишга отланди.

Зимистон тун эди. Юлдузлар кўринмайди. Ой ҳам кўринмайди. Осмонни булут қоплаганди. Степан Тимофеевич айтиқса кўриқчиларни уйқу элтадиган пайт — тонготар вақтини таъналаган эди.

Разин постдан-постга ўтарди. Гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда, қоронғилик қўйнида:

— Тўхта! Қимсан!— деган овоз эшитиларди.

Степан Тимофеевич кимлигини айтарди. Кўриқчилар Разинни овозидан таниб:

— Сенга саломатлик тилаймиз, отахон атаман!— дейишарди.

Қоровуллар хизматларини ишончли адо этишарди. Разин бундан мамнун эди.

У олтита дозор постларидан ўтди. Текширилмаган еттинчи, сўнгги пост қолди. Бу ерда Лёвка навбатчилик қиларди. Унинг бурнининг учи кесиб ташланган эди. Қазаклар ҳазиллашиб унга «кўркам» деб лақаб қўйишган эди. У қачонлардир Нўғой чўлида походда бўлган, қайсидир жангда бурнидан айрилган эди.

Лёвка шундоққина дарё бўйидаги дозорда, Волга қирғоғи жарлиги устида ўсган қарағай остида постда турарди.

Разин дарё қиялигига чиқди. Ҳеч ким унинг одим товушини эшитиб қичқирмади. «Бу қанақаси» ўйлади Разин. Тўхтади. Аста ҳуштак чалди. Бир дақиқа жавоб кутди. Қаттиқроқ ҳуштак чалди. Ҳамон жимлик.

Разин қиялик бўйлаб ўн беш қадам юрди ва қандайдир товушини эшитди. У жойида қотиб қолди. Қулоқ солди. Ҳа, бу шунчаки одатдаги казак хурраги эди.

Степан Тимофеевич ухлаб ётган одам ёнига келди. Бу беғам Лёвка эканини кўрди. Казак ерда ўтириб қарағайга суяниб ол-

ганди. Тушида қандайдир ёқимли нарсани кўраётган эди. У жилмаяр, ҳатто лабларидан пуфакчалар учиб чиқарди. Боши милтиқнинг огзига сал суянган. Шапкаси пешанасига сурилган.

Тонг ғира-шира ёриша бошлаганди. Лёвка «Кўркам» ҳеч нарсани ўйламай ухлаб ётибди. Хурраги бутун қирғоқни тутиб кетганди. У бошига фалокат тушганини сезмасди.

— Эҳ, ярамас бурунсиз!— деб Степан Тимофеевичнинг жаҳли чиқди. Казакни уйғотмоқчи бўлди. Кейин бу фикридан қайтди. Атаманнинг шумлиги тутди. У Лёвканинг қўлидан милтиқни олиб қўймоқчи бўлди. «Қизик, Лёвка уйғонгач, қанақа важ топаркин!»

Степан Тимофеевич Лёвкага яқинроқ келди. Милтиқ қўндоғини аста ушлади. У милтиқни ўзига тортган эди, шу заҳоти казак кўзларини очди. Ўрнидан сапчиб турди. Разин бирор сўз айтишга улгурмаёқ, казак милтиғини силтаб қулочкашлаб туширди. Разинни қўндоқ билан уриб гаранг қилиб қўйди.

Казак кимни уриб йиқитганини билиш мақсадида унга синчиклаб разм сола бошлади.

Қаради-ю, кўз олди қоронғилашди. Лёвка Разинга ташланди.

— Отахон атаман!— дерди у Разинни силкитиб.— Отахон атаман! Ё худо, бу қандай юз берди?

Степан Тимофеевич ўзига келмади. Лёвканинг гурзидек қўлининг зарбаси кучли эди.

Лёвка қияликдан Волгага зинғиллади, шапкасини сувга тўлдирди. Қайтди. Қоқилиб-қоқилиб югурди. Разиннинг устига эгилиб, унинг чаккаси ва пешанасини ишқалай бошлади.

Степан Тимофеевич ҳушига келди. У гандираклаб ўрнидан турди.

Шу кунни атаманлар казак тақдирини ҳал қилишга киришдилар. Тартибга кўра дозорда ухлаб қолган одам дорга тортилиши керак эди. Бироқ Разин казакни ҳимоя қилди...

— Биринчи марта бўлгани учун қамчилашнинг ўзи кифоя.

— Нима учун, отахон атаман?!

— Шу учунки, милтиғини қўлда маҳкам ушлади, жазони юмшатишга арзийдиган казак.

— Ахир у сенинг атаманлик ҳаётингга хавф солди-ку.

— Шундай, лекин мен ҳаётман. Афв этдим,— кулимсиради Степан Тимофеевич, миясидаги муштдек шишни силаркан.

Бироқ орадан бир ҳафта ўтгач, дозорда бошқа бир казак ухлаб қолганида, Разин биринчи бўлиб:

— Осилсин!— деди.

Степан Тимофеевич қаттиққўл эди. Шундай қаттиққўл эдики! У жазолашни ҳам, афв этишни ҳам биларди.

Разин ҳам авлиё эмасди. У ҳам ичкилик ичарди. Лекин одамлар мукка тушиб ичкиликбозлик қилишса, қаттиқ ғазабланарди. Бунақаси эса бўлиб турарди. Гавриил Копейка деган казак, айниқса, ичкиликка ўч эди. Степан Тимофеевич бир куни Копейкани учратиб қолди. Худди вино бочкасидан бурқираётгандай, казакдан спирт ҳиди анқирди.

Степан Тимофеевич ҳидни сезди:

— Мастмисан?

— Йўқ, отахон!— жавоб берди сурбетлик билан Копейка. Разин ёлғонни мутлақо ёқтирмасди.

Степан Тимофеевич казакни иккинчи бор учратди. Копейка оёқда зўрға турарди. Кўзлари хира тортган. Разинга ғалати боқарди.

— Мастмисан?

— Асло, йўқ, отахон атаман! Ҳатто ҳидлаганим ҳам йўқ.

Разин бу сафар ҳам индамади. Фақат жазолайман деб ўшқирди, холос.

Фойдаси бўлмади.

Бир куни казак шундай ичибдики, ҳатто юролмай қолибди. Копейка тўрт оёқлаб эмакларди. У эмаклаб, Разинга тўқнашиб кетди.

— Шайтон, яна ичдингми?!

— Йў-қ, о-та-хон а-та-ман,— деди казак тили тутилиб,— мен-мен ўт ичидан тамаки халтачамни қидирыпман.

— Вой, шайтон! Вой, ёлғончи!— Степан Тимофеевичнинг ёмон жаҳли чиқди.— Эй казаклар, қамчиланг!

«Қамчи» сўзидан Копейканинг кайфи шамолдек учиб кетди. У Разиннинг оёқларига ташланди.

— Кечир, атаман.

— Ичишни биласанми, бош оғриғига қамчи ейишни ҳам эвлагин,— қатъий жавоб берди Разин.

Курси билан қамчи олиб келишгач, Степан Тимофеевич буйруқ берди:

— Ўн марта урилсин

Савалашди.

— Энди яна қирқ марта қамчиланг!

— Нима учун, отахон атаман!

— Ёлғончилиги, маҳмаданалиги учун!— жавоб берди Разин.

Степан Тимофеевич ёлғончиларни жуда ёмон кўрарди. Ёлғонни энг катта гуноҳ ҳисобларди.

Казак Ксенофонт Горшок Разиннинг ишончини қозониб, пинжига кириб олди. Бу аста-секин, майда-чуйда нарсалардан бошланди. Горшок гоҳ атамanning тубкасини тозалар, гоҳ чакмонининг чапгши қоқиб қўяр, гоҳ от жиловини тутқазарди. Разинга бирои нарас керак бўлиб қолса бас, Горшок шу заҳоти пайдо бўларди. У ҳатто Степан Тимофеевич билан ҳаммомга ҳам бирга борар, атамanning бели, елкаларини ишқалаб қўярди.

— Ишларим жойида,— деди Горшок казакларга,— ниятимга етаман. Отаҳон атаман ҳузуридаги биринчи шахс бўлиб оламан.

Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди. Разин сезмаган ҳолда Горшок унинг энг яқин одамига, ҳамма ишда биринчи маслаҳатчисига айланиб қолди. Энг даҳшатлиси — Горшок чақимчилик қила бошлади. Ҳаммомда атаман белини уқаларкан у шипширди:

— Отаҳон атаман, юзбоши Тарах Незлобин кеча кўпроқ вино ичиб қўйди ва сен тўғрингда ёмон гаплар айтди.

Горшок Тарахга туҳмат қилган эди. Незлобин аслида мана бундай деган эди: «Отаҳон атаман Ксенофонтга бекор катта эрк бериб қўйди-да».

Горшок атаман тубкасини тозаларкан яна деди:

— Отаҳон атаман. Бошқирд Амирка ҳам сенинг атаманик шахсиятнингга ёмон сўзлар билан тил теккизди.

Аслида Амирка мана бундай деган эди: «Унинг ўрнида бўлсам, Горшокнинг таъзирини берардим».

Горшок атаманига отни келтираркан, яна бошқа биров ҳақида Разинга шипширларди.

Степан Тимофеевич қизикқан эди. Аямай жазоларди. Юзбоши Тарах Незлобин ва бошқирд Амирка унинг қаҳрига учрашди. Қўнгина бошқа бегуноҳлар ҳам жабрланди.

Горшок бекиёс қудратга эга бўлиб олди. Казаклар унинг қаршисида ҳайиқиб туришарди. Унинг чақишидан қўрқишарди. Горшок кимни ёқтирмаса, унинг бошига ташвиш тушишини яхши биллишарди.

Тўғри, казак Епифан Гроза Ксенофонтга таъзирингни бераман, деб дағдага қилди. Лекин Епифаннинг дағдагаси ўзига бало бўлиб қайтди. Гроза қайгадир йўқолди, худди сувга чўккан тошдек ном-нишонсиз йўқ бўлиб кетди.

Казаклар энди бутунлай жимиб қолишди. Чақимчидан бир чақирим наридан айланиб ўтишарди.

Бир кун Горшок ҳам йўқолиб қолди. Уни роса қидиришди. Разин дарғазаб бўлиб, ҳаммагнин терингни шиламан деб дўқ

қилди. Ёрдам бермади. Горшок умуман бўлмагандек ном-нишонсиз йўқолди.

Фақат бир ҳафтадан сўнг, атаман анча тиңчигач, разинчилар чақимчини сувга чўктириб юборишганини тан олишди.

Аммо энди Степан Тимофеевич казакларни койимади ҳам, уларнинг терисини шилиб ҳам олмади. Шу ҳафта ичида Разин гап нимадалигининг тағига етди. Шундай жанговар атаман ҳузурида чаён қандай яшагани ва гапини ўтқазганига ўзи ҳам ҳайрон бўлди.

Орадан бир неча кун ўтгач, бошқа бир казак Разин ҳузурида Горшокнинг мавқеини эгалламоқчи бўлиб, атаман қулоғига: «Отахон атаман, ўнбоши Фома Ефимов сен ҳақингда бўлмагур сўзлар айтди»,— деб шипшиганди, Разин казакларни чақириб, шу ернинг ўзида — ҳамманинг кўз ўнгида чақимчининг тилини кесиб ташлашни буюрди.

РАЗИН ВА КОЛЯЗИН

— Отахон Степан Тимофеевич!

— Нима дейсан!

Ўнбоши Титов жим қолди.

— Нимага лндамаяпсан?

— Гапришга қўрқяпман, атаман. Жуда ғазабланасан-да.

— Агар қўрқсанг, қани, йўлпнгдан қолма.

Бироқ Титов кетмади. Кетишга-ку кетмади, аммо айтмоқчи бўлиб келган гапини ҳам сўзлашга журъат этолмади.

Разин ўнбошига ажабланиб қаради. Титов жасур казак. У гапришга журъат қилолмайдиган нима воқеа бўлдийкин?

Ниҳоят ўнбоши таваккал қилди.

Разин унинг гапини тинглаб, бир дақиқа жим қолди. Ана шу пайтда атаман бирдан бақириб қоладими ёки бирор ҳазил қиладими, билиш қийин эди. Кутилмаганда Разин хахолаб кулиб юборди.

— Алдамаяпсанми?

— Турган жойимда ер ютсин, Степан Тимофеевич.

— Ҳаммаси шундай бўлдими? Разинман дедими?

— Шундай. Сенинг атаманилик номингдан фойдаланди.

— Қани, бу ёққа олиб кир.

Бир дақиқадан сўнг бир одамни Разин чодирига олиб киришди.

Разин разм солди — ажабо! Разин қаршисида ҳақиқий атаман турарди. Ҳатто ташқи кўрениши нимаси биландир Разинга ўхшарди. Бошида усти қизил қалпоқ. Оёғида саҳтиён теридан тикилган яшил этик. Башанг чакмон. Чакмон ичида гулдор қўйлак. Тимқора кўзлари ёниб турарди.

— Ажабо,— деди Степан Тимофеевич.— Демак сен рост-
данам Разинмисан?

Бояги одам қизариб, хижолат бўлди. Қўзларини ердан узол-
май қолди.

— Ростини айтсам, Степан Тимофеевич, менинг номим —
Колязин.

— Қазакмисан?

— Йўқ. Мужик авлодиданман.

— Ажабо!— яна такрорлади Разин. Титов билан кўз уриш-
тириб, унинг бояги айтган ҳикоясини эслади.

Титов бир гуруҳ казаклар билан Шацк томонга борган эди.
Бир куни бир қишлоқда тунашди. У мужиклардан Шацк атро-
фида Степан Тимофеевич Разин пайдо бўлиб қолганини билиб
олди.

«Яна қанақа Разин?— ўйлади юзбоши.— Бу ерга Разин
қайдан келиб қолди?!»

— Разин, Разин, казак, у Дондан,— ишонтиришмоқчи бў-
лишарди деҳқонлар.

Титов деҳқонлар Разин деб атаган кишини қидириб топди.

— Сен Разинмисан?— сўради у.

— Разин Степан Тимофеевич.

Титов унинг номи сохта эканлигини сизди. Қиличга қўлини
чўзди. Қизиққонлик қилиб, чопиб ташламоқчи бўлди. Бироқ
ўзича ҳукм чиқаришга журъат этмади.

Титов каказлар билан биргаликда шацкийлик Разинни ҳа-
қиқий Разин ҳузурига олиб келди.

Разин «Разин»га назар солди:

— Одамларга эркинлик бердингми?

— Бердим.

— Меҳнаткашларга тегмадингми?

— Тегмадим, отахон атаман.

— Халққа сидқидилдаи хизмат қилдингми?

— Халқ учун ҳокимларга қарши бордим ҳам.

— Атаманлар керак, ҳа, керак,— жонланиб гапирди Разин.
Сўнг Колязинга ўғирилди:— Яша! Нима ҳам дердик — майли,
бор. Атаманмисан — атаманлигингча қол. Истасанг — Разин
бўл. Истасанг — Колязин. Хоҳласанг ўзингни хумча деб ата,
хоҳласанг оташкурак деб. Иш исмга боғлиқ эмас, аксинча иш
кўрсатган одамнинг исмигина донг таратади.

ПОРА БЕРИБ ҚУТУЛДИЛАР

Уездларнинг бирида қўлга киритилган хазинани юзбоши
Матвей Веригин казаклар отряди билан бирга Разинга олиб

борарди. Пуллар бежирим қутиларда эди. Биттасига —мис, бошқасига эса кумуш тангалар солинганди.

Казаклар энг хавфли жойлардан, стрелецлар заставаси, заслонларни ўтиб келдилар. Барча тўсиқлар ортда қолгандай эди. Тўсатдан ўрмонда пистирмага дуч келиб қолдилар.

Стрелецлар билан казаклар орасида отишма бошланиб кетди.

Стрелецлар сон жиҳатидан кўпчилик бўлиб, уларда ўқ-дори ҳам етарли эди. Казакларда эса ўқ тугай деб қолганди. Веригин аҳвол чатоқлигини англади.

Разинчилар эман, қайинлар панасида ётганича қаршилик кўрсата бошладилар.

Бир қур ўқ уздилар, икки қур ўқ уздилар. Учинчисига эса кўпчиликда ўқ ҳам қолмади.

Веригиндан ўнгроқда ётган казак унинг олдига эмаклаб келиб:

— Отахон, ўқ қолмади,— деди.

Чап томонда ётган казак эмаклаб келиб:

— Отахон, ажалимиз етди,— деди.

«Эҳ, нима бўлса бўлди, ўлим керак бўлса тик туриб ўламиз», деб Веригин ғоз туриб қўл жангига буйруқ бермоқчи бўлди. Худди шу пайт учинчи казак эмаклаб келди. Етиб келгач, хунук сўзлар билан сўкинди-да, қўққисдан шивирлади:

— Отахон, борди-ю, пора бериб қутулсак-чи?— шивирларкан кўзи билан пул тўла қутиларга ишора қилди.

— Пора бериб! Вўй сен итни!— гижинди Веригин. Сўнг жилмайди:— Қани, қутичаларни судраб кел.

Маслаҳатчи қутилар томон отилди ва уларни зудлик билан юзбоши ёнига олиб келди. Веригин қулфларпи қўндоқ билан уриб тушириб, қутини очди.

— Мана шундай, атаман! Мана шундай!— Яна шивирлади маслаҳатчи.— Рухсат бер, стрелецларга бу ҳақда қичқириб эълон қилай.

Веригин индамади. Бир ҳовуч танга олиб, ўнгдаги казакка ташлади. Яна ҳовучлаб олиб, чапдагисига ташлади. Бошқаларга ҳам ташлади:

— Қани, ўқла!

Разинчилар дарҳол нима гаплигига тушуниб, милтнқ оғзини тангага тўлдиришди.

— Мана энди эълон қил,— буюрди Веригин маслаҳатчига.

Энди маслаҳатчи ҳам тушунганди. Казак қаддини ростлаб, стрелецларга қичқирди:

— Пора бермоқчимиз, пора! Атаман сизларни кумуш ва мис тангалар билан сийламоқчи. Кумуш ва мис тангалар билан

сийлайди!— қичқирди казак ва қўлидаги тангаларни жиринглатди.

Танга жараңларини эшитиб, стрелецлар пистирмадан бошларини чиқардилар.

— Тепкини бос,— қичқирди Веригин.

Қазаклар отишди. Дарахтларни қуюқ тутун чулғади. Тутун тарқалганда эса стрелецлар ғойиб бўлганди. Учаси ер тишлаб ётарди. Бошқалари яна пистирмага қайтишди.

Қазаклар тетикланиб, шундай отишма бошлашдики, стрелецлар орқага чекиनावеришди. Кейин эса казакларни безовта қилмай қўйишди. Афтидан стрелецларда ҳам ўқ-дори тугаган эди.

Веригин Разин ҳузурига келиб, унга хазинани топширди.

— Жаҳлинг чиқмасин, отахон атаман,— деди у.— Қўтидагилар бир оз кам чиқади.

— Қанақасига кам?— қовоғини уйди Разин.

Веригин стрелецлар пистирмаси ҳақида сўзлаб берди.

Разиннинг чеҳрасидаги қаҳр тарқаб кетди. Степан Тимофеевич кулиб юборди.

— Пора бериб қутулдик дейсанми?

— Пора бериб қутулдик, отахон атаман.

ДАРЕ МАЛИКАСИ

Оскарка Шайтонча разинчиларга Самарада қўшилди. Шайтонча унинг лақаби. Қазаклар унга шундай деб ном қўйишди. У мордвин бўлиб, Саранскданми, Алатирданми эди. Разин қўшинларида мордвинлар ҳам, чувашлар ҳам, черемислар ҳам, татарлар ҳам анчагина эди. Бироқ Шайтонча ўзини русман дерди.

— Россияда яшайман, шунинг учун ҳам русман.

— Эътиқодинг қанақа?

— Разинчилар эътиқодиданман. Шунинг учун ҳам сизларга келиб қўшилдим-да.

Унинг тили ўткир эди.

Шайтонча паншаҳа билан жанг қиларди. У бошқа қуролни тан олмасди.

— Учлари ўткир,— тушунтирди Оскарка.— Жангда жуда қўл келади. Бу нилла милтиқ эмас. Уқлаб ўгирмайсан.

У пайтларда милтиқни ўқлашнинг ўзи бир ташвиш эди. Порох ҳам, ўқ ҳам милтиқнинг оғзидан жойланарди.

Шайтонча ҳаммага ёқиб қолди. У шўх ва меҳрибон эди. Бунинг устига ёлгон-яшиқларни тўқишга ҳам уста эди. Уйдирмаларни бирин-кетин дўндириб ташларди. Ҳамиша мавзуси

битта — дарё маликаси эди. У дарё маликасининг кўриниши, нима ейиши, нима ичиши ҳақида гапирарди. Ҳатто уникида меҳмон бўлгани ҳақида гапириб берарди.

— Сувнинг остида-я? — ҳамма гапга лаққа ишонадиган одамлар ҳайрат билан сўрашди.

— Сувнинг остида, — жавоб берди Шайтонча.

Шайтончанинг гапини эшитиш учун турли жойлардан келишарди. Бир кун Разин ҳам эшитганди.

Юзбоши Веригин Оскаркани учратганида унинг паншаҳасига қараб ҳазиллашганди:

— Сен маликадан ақалли қирқма милтиқ ёки нилта милтиқ сўрасанг бўларди.

— Менга милтиқнинг нима кераги бор? — деди Шайтонча. Ва яна паншаҳанинг афзаллиги тўғрисида, уни ўқлаб ўтиришнинг ҳожати йўқлиги ҳақида гапира кетди.

— Бошқалар учун сўрасанг-чи, — гиж-гижлади Веригин.

Разин қўшонида қурол танқис эди. Милтиқ ёки қирқма милтиқ катта бойлик ҳисоблашарди.

— Бошқалар учун сўраб кўраман, — рози бўлди Оскарка. Сўради ҳам.

Қайгадир ғойиб бўлди. Уч кун йўқолиб кетди. Келганида эса қўлида қирқма милтиқ бор эди.

Ҳамманинг оғзи очилиб қолди. Юзбоши Веригин ҳам донг қотиб қолди.

— Демак, алдамабсан. Демак малика бор экан, — деган овозлар эшитилди.

— Қани, яна қирқма милтиқ олиб кел!

— Иккита олиб кел.

— Иккита ҳам олиб келсам бўлади, — жавоб берди Шайтонча.

Яна у қайларгадир йўқолиб кетди. Қайтганда эса, ҳамма унинг қўлида ваъда қилинган иккита қирқма милтиқни кўрди.

Бунинг сири оддий экан. Шайтонча ўрмон агрофини яхши биларкан. У катта йўл ёқасига чиқиб, якка стрелецларни пойларди. Паншаҳа санчиб қуролини тортиб оларди.

Разин Шайтонча ҳақида эшитиб:

— Баракалла! — деб Оскаркани мақтади.

Степан Тимофеевич жасур одамлардан иборат бир неча отряд тузишни буюрди. Улар ҳам ўрмон йўлларида бориб, қурол-яроғларини қўлга киритишлари керак эди. Ундай жасурларни ўлжакорлар деб аташарди. Шайтонча улар билан ҳам бирга борарди. Улардан кўпчилиги ботирликларини намоиш қилишди. Шайтончанинг ҳам ҳамиша омади келиб турди.

— Унга малика ёрдам беряпти, қўллаб-қувватлаяпти, — ҳазиллашарди разинчилар.

Мужик Фрол Скобеев казакларнинг жонидан тўйғизиб юборди. Ҳеч кимга тинчлик бермайди. Тинмай: нима учун, нимага нимага, нима учун?— деб савол бергани берган.

— Нима учун казаклар ер ҳайдашмайди?

Казаклар тушунтиришди. Казаклар ерни ҳайдаш учун эмас, балки мамлакатни қўриқлаш учун яратилган, дейишди.

— «Дуван» сўзи қаердан келиб чиққан?

Казаклар унга тушунтиришди. Бу қадимий сўз. Ўлжани бўлиш пайтини шундай аташган.

Бундан кейин ҳам «Нимага, нима учун»лар юзлаб ёгилди.

Дастлаб казаклар унга жон деб тушунтиришди. Кейин эса Скобеев шундай жонга тегдики, унга кўзи тушган казаклар энг ёвуз йиртқични кўргандек қочиб қолишарди.

Энди Фрол Скобеев тўпчиларга хиралик қила бошлади.

— Наряд дегани нима?

Тўпчилар уни тушунтиришди. Наряд бу, тўпнинг ўзи. Тўплар шундай аталади, деб тушунтиришди.

— Нега раскат дейилади!

Тўпчилар бунини ҳам тушунтиришди. Раскат қалъа кўтармаси ёки девори ёнидаги тўп қўйиладиган тахта кўприкча.

Дастлаб тўпчилар унга ихлос билан тушунтирдилар. Кейин саволлар дўлдай ёғилиб кетганда эса: «Вой эзма, вой бадбахт баттол!»— деб қичқирдилар.

Тўпчилардан Фрол энди стрелецларга ўтди. Стрелецлардан сўнг эшкакчиларга азоб берди. Ундан кейин — драгунлар, гусарлар, мушкетёрларга навбат келди. Ҳатто разинчиларга келиб қўшилган попни ҳам таъзирини берди.

Попдан худо ҳақида сўради. Ерда худо борми? Агар бор бўлса, нима учун кўринмайди? Дунёда фаришталар борми? Агар бор бўлса, нима учун овози эшитилмайди? Дўзах ва жаннат бор нарсамми? Агар бор бўлса, отахоннинг ўзлари қазо қилганларидан сўнг дўзахга тушадиларми ёки жаннатга?

Рухоний ўзини гутаолмай, уни ҳайдаб юборди.

Қўп ўтмай Скобеев бировларга савол бериш ўрнига бошқаларнинг саволларига ўзи жавоб берадиган бўлди. Разин армиясига одамлар келиб қўшила бошлади. Янги келиб қўшилганларга ҳамма нарса қизиқарли.

Скобеев биттасига юқоридаги ва пастдаги жанг ҳақида тушунтирди. Юқоридаги «юқори» сўзидан келиб чиққан. Бу, деворлар устида олиб бориладиган жанг. Пастдаги, деворлар ёнида ва тагида кетадиган жанг. Бошқаларга эса дуваннинг нималигини сўзлаб берди. Юк тортадиган тўплар ҳақида эса учинчисига ҳикоя қилиб беради.

Бу тўплардан деворни мўлжалга олиб отилади. Денгиз ва дарё кемалари ҳақида сўзлайди. Қайиқларнинг номи ҳар хиллигини; яъни нега баъзилари денгиз қайиғи, баъзилари дарё қайиғи деб аталишини тушунтиради. Дарё қайиғининг четлари алоҳида ўрнатилган. Яна сали деб аталган қайиқ эса солга ўхшар, ёғочдан эмас, қамишларни боғлаб ясаларкан. Бу қайиқ одамни зўрға кўтараркан. Кўпинча аскарлар кийимларини, эгар-жабдуқларни, қилич ва милтиқларини шу қайиқда олиб ўтарканлар.

Скобеев кўп нарсани биларди. У қизиқарли ҳикоя қиларди. Унга савол беришгани-беришган. Ҳеч кимга рад жавоби бермайди. Разин ўйлаб-ўйлаб, Скобеевни юзбоши қилиб сайлади.

Бироқ қўшин орасида бунга норозилар ҳам топилди:

— Қанақасига? Нима учун? Бизлар ундан кам билмаймиз. Бизнинг ҳам юзбоши бўладиган пайтимиз келди.

— Эҳтимол, сизлар ҳам ундан кам билмассизлар,— жавоб берди Разин.— Лекип билганини ҳеч кимга айтмайдиганлар биз учун қадрли эмас. Фақат билганини ўзгалар билан баҳам кўрадиганлар ҳурматимизга сазовордир.

ЁҚИМТОЙ ОДАМ

Ермил Крупицин Разин қўшинлари билан узоқ йўлни босиб ўтди. Астрахань, Саратов, Самаралар ортда қолди. Қанчадан-қанча бошқа шаҳарлар, қанчадан-қанча қишлоқ ва қишлоқчаларни босиб ўтишди. Гоҳ қайиқда суздилар, гоҳ чақиримларни пиёда босиб ўтдилар, баъзан эса араваларда боярлардек гердайиб юришди.

Разинчилар Крупицин қаерга бормасин, ўз уйига келгандек ҳамма билан апоқ-чапоқ бўлиб кетишини сезиб қолишди. Атрофга одамлар дарров йиғилишарди. Жўнаб кетишаётганда эса, энг яқин дўстларини кузатишгандек кузатиб қолишарди.

Аввалига разинчилар:

— Эҳтимол унинг ҳар қишлоқда қариндоши бордир?— деб тахмин қилишди.

— Ермил асли аравакаш бўлса керак. У Волга бўйи қишлоқларида бир неча марталаб бўлган.

— Йўғ-е, у Волга бўйлаб кема судраган ва ўша пайтда ҳамма жойда таниш-билиш орттирган.

Бу ҳақда Крупициндан сўрадилар.

Ермил умрида бурлаклик қилмаган экан. Ямшиклик ҳам қилмаган. Умуман Волга томонларда бўлмаган. Ўзи асли елецкийлик. Елецкий Волгадан анча олисда.

Шу пайт кимдир:

— У ёқимтой одам,— деди.

Разинчилар Крупицинга бошдан-оёқ қараб чиқиб, нега ёқимтойлигини суриштира бошладилар.

Ҳаммаси бир кунн Крупициннинг қўшиндан қолиб кетганидан бошланди. Бир қишлоқда тунашгандан сўнг у ғойиб бўлди.

— Ҳа, қочиб кетган бўлса керак,— деб хулоса қилдилар,— афтидан, Ермил юришга чиқолмаган.

Бироқ уч кун ўтгач, Крупицин ўртоқларини қувиб етиб олди.

— Қаерларда эдинг?

— Қайга гумдон бўлдинг?

— Биз сени алвасти ўғирлаб кетган,— деб ўйловдик.

Крупицин индамоқчи эмасди. Бироқ сабри чидамади. Ҳикоя қилиб беришга тўғри келди.

Бир қишлоқда у ёлғиз кампирникида тунабди. Кампирнинг кулбаси кулба эмас, хароба экан. Харилар чириган, деворларн қийшайиб кетган экан. Томи тешилган. Шундай қилиб Крупицин қишлоқда қолибди. Уч кун кампирнинг томини тузатибди.

— Балки кампиринг анча ёш бўлса керак?— кимдир Ермилга тегишди.

Ҳазилкашнинг оғзига уришди.

Шу кундан бошлаб разинчилар Крупицинни кузата бошладилар. Хўш, сўнг нима бўлди?

Отряд бир кунлик ёки қисқа дам олишга тўхтайди. Ҳамма ўзини майсага ташлайди. Оёқлар чарчоқдан зириллайди. Разинчилар чўзилганча дам олишади. Ермил-чи, у қайга йўқолди?

Крупицин эса бу пайтда кимнингдир нақшинкор пешайвонини тузатаётган ёки бева стрелец аёлининг ўтинини ёраётган, ё кучаниб аравадан ғўла тушираётган бўлади.

Бирон жойда қудуқ қазилляптими — Ермил кўмакка шай. Соё устидаги кўприк синиб тушганми — у ерда ҳам Крупицин ҳозир-нозир. Одамлар сувдан тўр тортяпти. Қарабсанки, разинчи ҳам ёрдамга югуради. Бир жойда Ермил темирчига босқон босишади. Бошқа жойда эса болаларни тўплайди-да, қизиқ эртаклар айтиб беради. Учинчи бир жойда, ўтлоқда, ўроқчиларга кўмак беради.

— Намунча, Ермил!— дейди ўртоқлари.— Ўзингни аясанг бўларди. Ҳамманинг кўнглини ола олмайсан-ку!

— Гапинг ҳақ,— дейди маъқуллаб Крупицин.

Бироқ янги қишлоқда ҳаммаси яна бошидан бошланади.

БАҚИРОҚ ВА ГУЗАЛ

Манзиллардан бирида казак Мишка Бичок хўроз топиб келди.

— Ўғирладингми?!— сўрашди ундан казаклар.

— Йўқ,— деб жавоб берди Мишка шўхлик билан.— Менга уни битта кампир берди.

Бироқ ҳамма бу айёرنинг ёлғон гапираётганини, хўрозни ўғирлаганини билиб турарди.

Хўроз ғалати чиқиб қолди. Очиғини айтганда, у кўримсизгина эди. Бўйин патлари юлинган, бирорта хўроз билан уришган бўлса керак. Бир панжасида бармоғи йўқ эди. Аммо...

Хўроз зоти умуман ҳеч ким ва ҳеч пима билан чиқишмайди. Бу хўроз бўлса шу заҳотиёқ казакка ўрганиб қолди. Мишканинг кетидан опасига эргашган бузоқдек юргани-юрган. Мабодо биров Мишка билан гаплашиб қолса борми, шу ондаёқ хўрознинг жаҳли чиқар ва қанотларини ёзганча жангчилардек шаҳдам юриб, ўша одам томон борарди. Тезроқ қочиб қолмаса, чўқишдан ҳам тоймасди.

Товуқлар суви унчалик ёқтиришмайди. Улар ҳовуз ва ариқлардан парироқ юришга ҳаракат қилишади. Бу хўроз бўлса худди ўрдак тухумидан чиққанга ўхшайди. Ҳатто сузарди ҳам. Мишка сувга тушса, у ҳам тушарди. Мишка кемага чиқса, кетидан хўроз ҳам чиқарди.

Ҳаммадан ҳам муҳими, хўрознинг овози жуда жарангдор эди. У ўзининг қаттиқ қичқириги билан тонг қоронғисида кемадагиларнинг ҳаммасини уйготарди. Аввалига разинчилар бундан ачиққанишди. Бақироқни бўғиб ўлдирмоқчи ҳам бўлишди. Лекин тез орада кўникиб қолишди. Қўнқакча эса, яхши кўриб қолишди. Хўрознинг қичқириги уларга қадрдон Дон станицаларини, олис қишлоқдаги уйларини, хотин, бола-чақаларини эслатарди.

Хўроз кутилмаганда, лекин қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Бу кун разинчиларнинг ёдида қолди. Хўроз кема устида ўтирарди. Кун иссиқ эди. Қуёш аёвсиз қиздирарди. Хўроз кўзларини юмиб олиб мудраётганди. Бирдан у сапчиб турди-да, қанотларини ёзиб ғалати қичқириб юборди. Одамлар унга қарашди, лекин пима воқеа бўлганини дарҳол тушунишмади. Кейин пайқаб қолишди. Кеманинг четида илон ўрмалаб борарди. Қўрқоқлар шу заҳотиёқ қочиб қолишди, қолганлар қиличга ёпишишди. Бироқ хўроз чаққонлик билан учиб бориб, заҳарли қора илонга ташланди. Тумшуги билан бошини мажақлади. Аммо илон ўлмаган эди. У хўрознинг бўйнига найзасини санчиб, ўлимга ўлим билан жавоб беришга улгуриб қолди.

Кемага илон қаердан келиб қолди экан? Манзилда турилганда ўзи ўрмалаб келдимикин? Ёки биров тасодифан юк билан олиб кирдимикин? Эҳтимол, бу ёмон ниятда қилингандир. Қимдир атайин олиб келиб ташлагандир? Атаманиннг душмани оз эмас, улардан қар нарсани кутиш мумкин.

Казаклар шу куни қаттиқ қайғуришди.

Кўп ўтмай разинчилар янги хўроз олиб боқишди. Лекин бу хўрознинг овози бўғиқ, сувдан эса оловдан қўрққандек қўрқарди. Бунинг устига ҳамма ёқни ифлос қилиб юборди. Қўриниши чиройли бўлгани билан фақат шўрвага ярарди, холос.

Казаклар уни сўйиб, шўрва пиширишди.

ЛАЗУТКАЛИГИЧА ҚОЛДИ

Лазутка Дятлов Разиндан нолигани-нолиган эди. Лазутканинг фикрича, Степан Тимофеевич нима иш қилмасин, ҳаммаси нотўғри ва бу ишда бошқача йўл тутиш керак эди.

Разин Астраханга бориш ҳақида команда берганда, Дятлов дарҳол одамларни айнита бошлади:

— Астраханга бекорга кетяпмиз. Атаман нотўғри қиялпти. Вақтимизни беҳуда ўтказамиз. Тўғри Москвага, шимолга боришимиз керак эди. Подшо ва дворянларнинг асосий кучи ўша ерда.

— Йўқ, олдин жанубга бориб тўғри қиялпмиз,— жавоб беришди разинчилар Лазуткага.— Степан Тимофеевич ҳақ. Астрахань мустаҳкам қалъа ҳисобланади. Уни четлаб ўтиш ярамайди. Агар Астраханни олсак, бутун Волга қўлимизда бўлади.

Царицинда Разин қалъани тузатиш ҳақида буйруқ берганда, Дятлов бу ерда ҳам хўроздек шовқин солди:

— Уни тузатишнинг нима кераги бор! Шаҳарни қўлга киритдик, бўлди-да. Бизга деворларнинг нима кераги бор? Ундан кўра бузиб, ёғочларини одамларга ўтин учун улашиш керак.

— Эҳ, Лазутка, Лазутка, калланг ишламайди,— дейишди разинчилар Дятловга.— Ҳозирча Русда боярлар ҳукм сураб экан, деворлар бизга керак. Қўрғон ва қалъаларни бузишга ҳали вақт эрта. Разин тўғри қиялпти.

Степан Тимофеевич деҳқонларни казаклар билан тенг кўриш ҳақида буйруқ берганда эса, Дятлов бунга сира чидаб туrolмади. Казакларнинг орасида юриб, овозининг борича:

— Қандай қилиб казакни мужик билан тенглаштириб бўлади. Мужик туғилгандан қул бўлади, казак эса болалигиданоқ эркин яшайди. Қандай қилиб мен мужик билан тенг бўламан!— деб бақирарди.

— Сен ноҳақсан, ҳа,— дейишди разинчилар Лазуткага:— Походнинг буюк кучи Разин одамларни тенглаштираётганида. Шунинг учун ҳам минг-минглаб одамлар унинг томонида, мужикми, казакми, бундан қатъи назар, одам дунёга эркин ва бахтиёр яшаш учун туғилган. Шундай экан, Разин ҳақ.

Дятлов тинчимасди:

— Разин нотўғри қияпти, ҳа, нотўғри қияпти,— дерди у. Ҳар қанақа масалада ҳам Лазутка ўзича хулоса чиқарарди. У дозорда ухлаб қолган одамларга нисбатан қаттиққўллиги, бешафқатлиги учун Разинни койирди:

— Разин одамларни аямайди, казаклар қонини қадрламайди,— дерди у.

Степан Тимофеевич Гавриил Копейканинг ичкиликка ўчлигини сезиб қолиб, уни савалашни буюрганида:

— Нима, казак ичиши ҳам мумкин эмасми!— деб қўйди.

Ҳатто, Разин Гусь билан Присевкани савод чиқаришга мажбур қилганида ҳам:

— Бекордан бекорга казакларни қийнашнинг нима кераги бор? Нима, биз попнинг насл-насабиданмидик! Мен бўлганим-да...— деб тўнғиллади.

— Сен бўлганингда...— деб кулишарди казаклар жавоб ўрнига.

Дятловнинг Разинга ҳаваси келишини ҳамма биларди. Лазутканинг нияти атаман бўлиш эди. Ҳеч бўлмаса юзбоши ёки ўнбоши бўлишни орзу қиларди.

Бироқ одамлар уни нимагадир атаманликка сайлашмади. Ҳатто юзбошиликка, ҳеч бўлмаса ўнбошиликка ҳам сайлашмади. Лазутка эди, Лазуткалигича қолди.

ТРУБКА

Разиннинг шумтолдан ясалган севимли трубкаси бор эди. Бир кун Степан Тимофеевич кема четида турганида трубкани сувга тушириб юборди. Трубка чўка бошлади.

— Вой эссизгина!— койинди Степан Тимофеевич.— Бу ёмонлик аломати.

Бу трубка отасидан қолган эди. Отасига эса, айтишларича, бобосидан қолган.

— Ҳозир олиб чиқамиз!— дейишди казаклар шу ондаёқ.

Разинчилар кемани тўхтатиб, ечинишди-да, ўзларини сувга ташлашди. Сузиб-сузиб дарёнинг тубига тушишди. Маълумки, Волга кичкина дарё эмас. Нафаслари қайтиб, роса қийналишди. Лекин трубка топилмади.

— Эшакларни эшинглар,— буюрди Разин.

Шундай қилиб трубка дарё тубида қолди.

Албатта, Степан Тимофеевич бундан хафа бўлди, бироқ на чора. Дарёдан қидириш, сомон орасига тушган нинани қидиришдек гап. Аммо орадан бир ҳафта ўтгач, Разиннинг олдига уч казак келиб:

— Марҳамат, ҳурматли атаман!— деб унга трубка беришди. Разин қараса, ўша, отасидан, бобосидан қолган трубка.

Степан Тимофеевич аввалига кўзларига ишонмади. Қўлида айлантириб кўрди. Мана кертилган ва гадир-будур жойи. Мана бураб очиладиган еридаги мис қалқача.

— Ўша. Худди ўзи. Қандай топдиларинг? Қаердан?— деб Разин казакларга қаради.

Казаклар огирликларини у оёқларидан-бу оёқларига ташлаганча буни ўзинг топ, атаман, қандай топганимизни қўявер, энг муҳими — трубка бор, дегандек елкаларини қиснишди.

— Раҳмат,— деди Степан Тимофеевич ва казакларга таъзим қилиб, кетишга рухсат берди.

Улар кетишгач, яна трубкани айлантириб кўра бошлади. Синчиклаб қарагач, бошқа трубка экаплигини фаҳмлади. Икки томчи сув ҳам бунчалик ўхшаш бўлолмасди. Бу трубка олдингисига жуда-жуда ўхшар, лекин бари бир бошқа трубка эди.

Степан Тимофеевич жилмайиб қўйди.

Казакларни қидириб топмоқчи бўлди-ю, аммо кейин фикрдан қайтди. Усталарни хижолатга қўйгиси келмади.

Степан Тимофеевич трубка чекарди. Ундан чиққан тутун юқорига кўтарилиб, тубсиз осмонга сингиб кетарди.





Бешинчи боб

СИМБИРСК ДЕВОРЛАРИ

БОР КУЧИНИ ИШГА СОЛДИ

1670 йилнинг 4 сентябрида Разин армияси Симбирскка яқинлашди. Степан Тимофеевич ўз қўшинларини шаҳардан уч чақирим қуйда тўхтатди. Кейин эса, қоронғи тушгач, Волга оқими бўйлаб уларни қайиқларда юқорига жўнатиб, Симбирскни лимол томондан айлашиб ўтди.

Симбирск саркардаси Иван Милославский анчадан бери Разинни кутиб олишга тайёргарлик кўраётган эди. Милославскийнинг гарнизони кучли — бутун бошли тўрт стрелец полкидан борат.

Бунинг устига Симбирскка теварак-атрофдан озмулча дворянлар йиғилмаган эди. Улар ўз мулкларини ташлаб қочиб елишиб, Симбирск деворлари тагидан паноҳ излашарди.

Дворян Милославский шу заҳотиёқ улардан янги отряд узди.

Энг асосийси, Симбирск саркардасининг бахтига Саратов князь Юрий Барятинский ўз қўшинлари билан ёрдамга елиб қолди. Князь Юрий Барятинский барваста одам бўлиб, қаиқларда катта тажриба ортирганлардан. Поляклар билан

ҳам, шведлар билан ҳам урушган эди. У чет элликлар билан жангга киришганда ҳам, худди ўша ерда ҳарбий таълим олгандек, энг сўнгги услубда жанг қилар эди.

Подшо Алексей Михайлович разинчилар юришини қайтариш учун князь Юрийни Волгага юбормоқчи бўлганида, Бярятинский норози оҳангда деди:

— Улар билан урушишга уяламан. Подшоҳим, арзимаган ишга аралашиб нима қилдим. Қароқчилар тўдаси билан қанақа уруш бўлиши мумкин. Айниқса мендек таниқли жангчи, ўз кучини кўрсатиши учун арзймайди бу.

Аммо князь Юрий Бярятинский хато қилган эди. У бор кучини ишга солиб кўрди. Фақат у ўйлагандек бўлиб чиқмади.

Саркардалар ўз қўшинларини йиғиб, жангга ҳозирлик кўра бошлашди.

— Сен, князь Иван, чапдан ҳужумга ўтасан,— деди Бярятинский Милославскийга.— Мен эса ўнг томондан. Ёвузни исканжага оламиз. Кейин бир-бир қириб ташлаймиз. Яхшиси уларни Волгага қисиб бориш керак, ҳаммаси сувда чўкиб ўлсин. Мана буни урушда донолик деса бўлади.

Ишлар яхши кетаётганди-ку, бироқ Разин боярларнинг режасини бўзиб ташлади.

Саркардалар қўзғолончиларни жанубдан кутишаётган эди. Разин ҳужумни шимолдан бошлаб қолди. Худди мойга пичоқ ботиргандек разинчилар осонгина дворянлар тўдасини ёриб ўтишди.

Бояр жангчилари чекиниб, ҳар томонга тарқаб кетишди. Милославский тезроқ қалъа деворларига етиб олишга ошиқар эди. Бярятинский ҳам ўша ёққа бормоқчи бўлди, бироқ полки Свияга дарёсининг нариги томонига чошиб борарди. Бярятинский ҳам уларга эргашиди.

— Князь Юрий кучини кўрсатди,— кулишди разинчилар.— Бизга кўксини тутиб турганди, ана орқаси кўриниб қолди.

АЙЁР НЕМИС

Қазаклар қилич ва найзаларни ишга солиб, ўз жонини сақлаб қолмоқчи бўлган рақибларни қувиб кетишди.

Разинчиларнинг тўдаси тепаликни ошиб ўтишгач, бир жангчига кўзлари тушди. Кўринишидан у дворянга ҳам, стрелецга ҳам ўхшамасди. Қийими ҳам бошқачароқ эди. На соқол, на мўйлови бор. У қўлларини кўтарганча бор овози билан:

— Их бин¹ рус эмасман! Их бин рус эмасман,— деб қичқирарди.

¹ Их бин (нем.) — мен.

Казаклар унга найза санчмоқчи бўлишди. Лекин ниятларидан қайтишди. Кейин Разиннинг олдида олиб боришди.

— Их бин рус эмасман,— яна ўша сўзини такрорлади у қўрқанидан худди кузги баргдек қалтираб.

Тўғри, у русчани жуда қийналиб гапирарди. Кейин аён бўлишича у немис экан. Бяратинскийнинг полкида швед ва данияликларнинг борлигини ундан билиб олишди.

— Ҳали шундайми?— ҳайрон бўлди Разин.— Данияликлар, шведлар?

Кейин суриштириб кўришса, фақат немислар эмас, швед ва данияликлар, ҳатто голландлар ҳам бор экан:

— Қаранг-а, голландлар ҳам бор экан,— бошини тебратди Разин,— демак ўзиникилар етмас экан-да!

Ўша пайтларда рус қўшинларида чет эллик солдатлар ҳам пулга ёлланиб хизмат қилишарди. Разин уларни Симбирск жангларида учратарман деб ўйламаган эди.

— Боярларга оғир, жудаям оғир,— кулди Разин.— Сен қўлингни кўтарибсанми, демак жуда айёр экансан.

Казаклар кулиб юборишди.

— Вас? Вас?¹— гўлдиради немис.

— Айёр,— такрорлади Разин.

— Вас? Вас?

Ана шу «вас»и учун ҳам казаклар у Василий ёки Вильгельм бўлмаса ҳам Васька деб аташди. Унинг асли исми Карл эди.

Немисни кўргани тўда-тўда бўлиб келишарди.

— Наҳотки немис бўлса?

— Буни қаранг-а!

— Азаматлар, мана кимни асир олишибди! Демак кучли эканмиз.

Разинчилар немиснинг кийимига, қиртишланган юзига қараб ҳайратланишарди:

— Камзули белигача тушади! Юзи тирсакдек туксиз!

Биринчи кун кечқуруноқ казаклар Васькага вино ичиришди. У қўшиқ айтди, ҳатто ўйнаб ҳам берди.

Эртасига немис Разинга хизмат қилиш учун тайёрлигини айтди. Кейин қанча ҳақ олишини суриштира бошлади.

— Гельд, гельд²— деб, тушинтирарди Васька.

Казаклар аввалига тушинишмади. Унинг ниятини фаҳмлагач эса, ўз навбатида ҳеч қандай ҳақ олинмайди, деб тушунтиргунларича хуноб бўлиб кетишди. Кишилар ўз ихтиёрлари билан жанг қилишяпти. Ҳамма боярларни йўқ қилишгач эса,

¹ Вас! (нем.) — нима?

² Гельд (нем.) — пул.

мукофот ҳам бўлади. Мукофот пул эмас, ҳаммага тенглик, озодлик, бахт тарзида бўлади.

Немис ишонмай кўзларини пирпиратади.

— Гельд, гельд,— яна ўз гапини такрорлайди Васька.

Бир неча кундан сўнг немис қочиб кетди.

Бу ҳақда Разинга хабар беришди.

— Атаман, буюр, кетдан қувайлик.

— Қўяверинглар,— деди Разин.— Майли, яшайверсин. Биз ки немис уйига қайтиб кетар. Бизда кўрган ва эшитганларини гапириб беради.

НОЗИК ТОПШИРИҚ

Разин армиясида донг таратган атаманлар кўп эди: Михаил Харитонов, Максим Осипов, марий Мирон Мумарин, чуваш Алгилда Атимов, татар Алмакай, мордвин Павел Елашев, тўпалончи деб ном олган Прокофий Иванов, ҳаммага таниқли Василлий Ус, Михаил Чирок, Иван ва Сергей Васильевлар, Фёдор Шелудяк ва бошқалар.

Дастлабки пайтларда уларнинг ҳар бирида ўн-йигирма минг кўзголлончи бор эди.

Разинчилар отряди Волгадан юзлаб чақирим нарига кетишганди. Уларни Разин Саратовдан ҳам, Самарадан ҳам, Симбирскдан ҳам жўнатганди.

Улар: Пенза, Саранск, Алатир, Космодемьянск шаҳарларини ишғол этишди. Разинчилар эгаллаган шаҳарларнинг сон-саногини йўқ эди.

Асосий ҳаракатдаги армиядан узоқларда янги отрядлар вужудга келарди. Янги командирлар ҳам чиқа бошлади.

Бирдан Разин Арзамас бўсағасидаги Кандомск ва унга яқин уездларда катта отряд ҳаракат қилаётганини, атамани аёл киши эканини эшитиб қолди. Унинг исми Алёна экан.

— Аёл?— деб ишонмади Разин. Кейин эса жаҳли чиқиб кетди:— Дунёда мужиклар қуриб кетибдими! Нима, унинг қўл остидагилар ҳам аёлларми?

— Йўғ-э, эркаклар бўлса керак,— дейишди Разинга.

Степан Разиннинг баттар жаҳли чиқди:

— Эркакларга хотин киши бошчилик қилса-я! Ишонмайман. Бўлиши мумкин эмас!

Разин Арзамасга бориб, одамларнинг гап ҳақиқатми, йўқми, биллиб келгин, деб юзбоши Филат Гаркушани юборди.

Юзбоши Арзамасга яқин бўлган бир қишлоққа етиб келди.

— Сизларга бошчилик қилаётган атаман аёллиги ростми?

— Қанақасига аёл!— қишлоқ одамлари Гаркушадан ранжиб, кейин қўшиб қўйишди:— Сенинг ўзинг аёлсан.

«Отахон атаманга нотўғри гапиришган экан-да»,— деб ўйла-

ди Гаркуша. Аммо у атаман олдиға қайтпшға шошилмади, ҳам-
масини ўз қўзи билан кўрмоқчи бўлди.

У ўрмонда киндом отрядини қидириб топди. Атамани ҳам
кўрди. Атаман келишган, чакмон ва телпак кийган. Эгарда ка-
закка ўхшаб ўтирарди.

«Эркакипниг ўзгисаси,— кўнглидан ўтказди Гаркуша.— Аёл
эгар устида бунчалик ўтира олмайди!»

Аммо Гаркуша қатъий ҳукм чиқаришға шошмади. Тўла
ишонч ҳосил қилмагунча Разинга бирор хабар етказгиси кел-
мади. У ҳар бир топшириқни бекаму кўст бажарадиган казак
эди.

Юзбоши арзамаслик атаманинг эркак ё аёллигига тўла
ишонч ҳосил қилиш ниятида уни чимчилаб кўрмоқчи бўлди.
«Ҳар қандай аёл ҳам чимчилашға дош беролмай, чинқириб
юборади»,— деб ўйлади Гаркуша.

Шу кунгёқ пайт пойлаб туриб Разиннинг юзбошиси ўйини
амалга оширди.

Бироқ Гаркуша Симбирскка — ўзиникилар ёнига кўзларини
моматалоқ қилиб, бошда гурраси билан қайтди.

— Аёл, ҳақиқий аёл!— Гаркуша Разинга ҳисобот берди.—
Жин урсин уни!— деб тупурди.

— Нималар деясан, қаерда сени бундай гўзал қилиб қў-
йишди?— Ўзини тутолмай кулди Разин.

Юзбоши атаманинг топшириғини қандай бажарганини ай-
тиб берди.

Разин анчадан буён бунчалик маза қилиб кулмаганди. Кул-
гидан унинг елкалари силкиниб кетди.

— Агар аёлниг қўли шунчалик бақувват бўлиб, казак юз-
бошисини таъзирини берган бўлса, демак атаманликка лойиқ
эканда.

Негадир кўпчилик Алёнани «онахон Алёна» деб аташарди.
Лекин аёл улар айтганича кекса эмасди. Ўрта ёшлардаги за-
бардаст аёллардан эди. Одамлар унинг ёшига қараб эмас, бал-
ки хулқу фаросатига қараб баҳо беришарди. Алёна қўрқмас
командирлардан бўлиб, ўз отрядини усталик билан бошқарар-
ди. Айниқса боярлар қўлига асир тушгандан кейин унинг дов-
юраклигига кўплар қойил қолишди. У ўлим олдида ҳам бош
эгмай, аксинча истеҳзоли кулиб турди.

Алёнани қотиллар тириклай оловга ташлаб ёндиришди.

Боярлар унинг оддий аёллигига ишонишмади. Уни сеҳргар
деб ҳисоблашарди.

«БИЗНИКИЛАР СИЗЛАРГА БУШ КЕЛИШМАЙДИ»

Симбирскийдаги арк ёғочдан эди. Уни «Ёғоч шаҳар» ҳам
деб аташарди. Арк Симбирск тоғининг қоқ ўртасига, яъни энг

юқорига жойлашганди. Шаҳарча атрофи зовур билан ўралган бўлиб, тўрт томонидан соқчи миноралар қад кўтарганди.

Аркдан Иван Милославскийнинг қўшинлари паноҳ топганди. У билан содиқ стрелецлар, дворянлар бирга эди.

Симбирскни қўлга киритган заҳотиёқ Разин аркка қарши ҳужум бошлади. Степан Тимофеевич Милославский аркда экан, Симбирск устидан тўла ғалаба қозонган деб бўлмаслигини, олға кета олмасликларини яхши ҳис қиларди.

— Бир ҳамлада аркни ишғол қилолсак эди!

Разинчилар арк девори атрофини тимқоронғида ўраб олишди.

— Қаттиқ ҳужумга! Ёриб ўтамыз,— қичқирди Разин. Шу билан гўё у катта бир тўсиқнинг йўлини очгандек эди.

Отрядлар ўнгу сўлга тарқалишди. Қадамлар зарбидан ер ларзага келди.

— Имилама, тезроқ ҳаракат қил!— Разин юзбошилари-нинг буйруқлари тинимсиз эшитилиб турди.

Худди шу пайтда Разиннинг ёнгинасида, ўнг қулогининг та-гида, ёшгина йигитнинг бақиргани эшитилди. Ҳатто Степан Ти-мофеевич чўчиб тушди.

— Бизникилар сизларга бўш келишмайди!

Бунга жўр бўлгандек Разиннинг чап томонида ҳам худди шунга ўхшаш овоз янгради:

— Бизникилар сизларга бўш келишмайди!

Икки группа жангчилар шошилиб ўтаётиб, атаманни туртиб йиқитишига оз қолди.

— Вой шайтонлар-эй!— деб уришган бўлди Разин. Сўнг ку-либ қўйди. Қочиб кетаётганлар бир зумда тун қоронғисида го-йиб бўлишди. Лекин Разин уларни таниди.

Бу воқеа Царицинда, шаҳар девори тузатилаётганда содир бўлган эди.

— Ялқовлик қилма! Тезроқ қимирла!— юзбошиларнинг буй-руғи дам-бадам эшитилиб турарди.

Степан Тимофеевич ишнинг боришини кузатиб юрарди. Тў-сатдан шундоққина унинг қулогининг остида биров бор овози билан бақирди:

— Бизникилар сизларга бўш келишмайди!

Худди шу пайт чап қулогининг остида бу овознинг акс-садо-си янгради.

— Бизникилар сизларга бўш келишмайди!

Сўнг иккала қулоғи остида бараварига:

— Ҳушёр бўл, атаман!— деган овоз эшитилди.

Разин икки ёнига аланглади. Икки тўп йигит чопиб борар-ди. Ҳар бир тўдада йигирма чоғли одам бор. Зўр бериб улкан хариларни судраб боришарди. Улар ким олдин хариларни девор

тагига олиб боришга баҳслашишарди. Чопиб боришаркан, ҳадеб қичқиришарди:

— Бизникилар сизларга бўш келишмайди!

— Ўзи кетаверади, ўзи кетаверади...

— Бизникилар сизларга бўш келишмайди!

— Ўзи кетаверади, ўзи кетаверади...

Степан Тимофеевич қадди-баста келишган, бир-биридан хушсурат йигитларга боқиб маҳлиё бўлиб қолди. Ҳаммаси ҳам ҳақиқий рус баҳодирлари.

Иккинчи учрашув Самара яқинида, Волгадан сузиб ўтишадиганда бўлди. Нариги соҳилда разинчилар учун карам шўрва ва бўтқа ҳозирланар, гулханлар гуриллаб турар эди.

Разин кичик кемада сузиб борарди. Тўсатдан ўнг томонидан:

— Бизникилар сизларга бўш келишмайди!— деган овоз эшитилди.

Степан Тимофеевич ўнг томонга бошини буриб улгурмасидан чап томондан ўша овоз такрорланди.

— Бизникилар сизларга бўш келишмайди! Унинг ёнидан бир-бири билан баҳс бойлашган икки қайиқ шитоб билан ўтиб кетди. Степан Тимофеевич йигитларни таниди.

— Салом, атаман!— дейишди улар ҳам атаманни таниб.

Яна қичқириқлар такрорлана бошлади:

— Бизникилар сизларга бўш келишмайди.— Эшкаклар қанотдек кўтарилиб тушарди.

Уларга қараб туриб Степан Тимофеевич ҳам ўзини тутолмай қолди.

— Қани, ҳайданг!— деб буюрди у ўз эшкакчиларига.

Эшкакчилар жон-жаҳдлари билан эшкак эша бошладилар. Атаманнынг кемаси ҳам мусобақага қўшилди.

Соҳилга ҳамма барабар етиб келди. Уларнинг юзлари буғруққан, кўзлари завқ-шавқдан ёниб турарди.

— Яшанглар, азаматлар!— деди Степан Тимофеевич йигитларга. Аммо шу заҳоти: «Нима учун бунчалик қув-қув қилдик? Бўтқа деб шунча ҳовлиқдикми. Туф-э!» дея кўнглидан кечирди:

Мана энди Симбирскда учрашиб туришибди. Разиннинг ўнгу сўлида турган одамлар ҳад-ҳисобсиз эди. Ҳар хил кийимларда, казак папахлари, қилич, алмисоқдан қолган милтиқ, паншаҳа, узун дастали найза ва болталар кўзга чалинади. Мингга-минг, юзга-юз келиб қўшилади. Бу одамлар денгизи тинимсиз чайқалади, долғаланади, Симбирск тоғи томон тўхтовсиз илгарилайди. Қаердадир узоқда, тонг қоронгисини ёриб таниш овоз элас-элас қулоққа чалинади.

— Бизникилар сизларга бўш келишмайди!

— Бизникилар сизларга бўш келишмайди!

Йигитлар ҳамма билан барабар тоғни ишғол этгани кетиш-
япти.

— Жасур халқ бу, жасур! Абжирлигини қаранг!— деди хаяжонланиб Разин.— Улар учун бўтқанинг ҳам, меҳнатнинг ҳам, жоннинг ҳам фарқи йўқ — ишқилиб орқада қолшмаса бас. Ҳақиқий рус табияти мана шу.

ХИВИЧЛАР

Симбирскни ишғол қилишганда разинчилар бир карвон ара-
вани ўлжа олишди. Араваларда нон, туз, тўп ўқи, порох бор
эди. Арава ва отларга керак бўладиган нарсалар: тақа, жаб-
дуқ, арава ўқи, қора мой, арқон, миҳ бор эди.

Шунингдек, хивичлар ҳам бор эди. Уч арава лиқ тўла. Юк
ташиш бўйича хўжалик ишларини Ягужинскийнинг ўзи бошқа-
рдди. Бу иш ҳам ўшандан чиққан.

— Жиноятчиларга оборянман, жиноятчиларга,— деди Ягу-
жинский.— Шундай савалайликки, ўғри аҳли бундан буён кў-
зини очиб юрсин. Булар хивич эмас, ўлим элчиси! Мана шунинг
учун ҳам олиб келаяпман-да!

Ҳа, Ягужинский ўта ёвузлиги билан ажралиб турарди. У
фақат хивичлар келтирмаган, аравада қамчи, занжирли кунда-
дан тортиб, болта, сим, чивик, сиртмоқ каби жаллодларга ке-
ракли барча анжомлар муҳайё эди. Аравада унинг жаллоди
ҳам савлат тўкиб ўтирарди.

— Мен эҳтиёткор одамман,— тинмай вайсарди Ягужинс-
кий,— ҳар уч кишидан бирини дорга осаман, ҳар беш кишидан
бирини қозикқа ўтқазаман,— қиқирлаб куларди у.— Ҳа, бу
хивичлар эса бундайроқларга аталган.

Аммо ишлар Ягужинский ўйлаганидек бўлиб чиқмади. Улар
эндигина хивич ортилган аравани ғирчиллатиб Симбирскка ки-
риб келишганди. Шу ерда бирдан қўзғолончиларга дуч келиб
қолишди. Улар араваларинигина эмас, Ягужинскийнинг ўзини
ҳам қўлга олишди.

— Хивич?— ҳайрон бўлиб сўради Разин, унга юк ташувчи
хўжалик ҳақида гапиришганда.

— Ҳа хивич, отахон атаман. Уч арава лиқ тўла. Бундан таш-
қари сиртмоқ, қамчи ва бошқа жаллод анжомлари ҳам бор.

— Сени қара-ю,— даргазаб бўлди Степан Тимофеевич.— Уч
арава қамчи, хивичлар дегин? Бу ёвузлик кимдан чиққаникин?

— Дворянин Ягужинскийдан,— огоҳлантиришди Разинни.—
Отахон, агар ижозат берсанг, уни ўзи олиб келган нарсаси би-
лан меҳмон қилсак...

Разин кулди:

— Ундай бўлса... Ҳолбуки у хивич, қамчиларни севаркан,
биринчи галда ўзини бошлаб савалаб синовдан ўтказиш керак.

Разинчилар шу заҳотиёқ Ягужинскийнинг шим ва кўйлақларини ечиб олиб, тахтага ётқизишди. Аравадан қамчи ва хивичларни олиб, қатор териб қўйишди. Эҳе, бир чақиримча жойгача чўзилди.

Кечга яқин Разинга шундай хабар келтиришди.

— Ягужинский тамом бўлди. Қалтакларга дош беролмади шекплли, нафас олмаяпти, отахон.

— Нафас олмаяпти?— газабланди Разин.

— Шундоқ, отахон.

— Ҳа, одамлар бундоқ чегарани ҳам билишмайди,— хўрсинди Степан Тимофеевич.— Ёвузлик ёвузлик билан тугапти-да!

— Ахир бу ишни биз бошламадик-ку!— деб хафа бўлишди разинчилар.

— Бизни кечирармиди?

— Ҳаммасига ўзи айбдор. Ахир унга юз хивич етарли эди-ку! Уч аравасини нима қиларди?

ИККИ КАЗАК

Улар йўлда дўстлашиб қолишди. Иккиси ҳам казак, иккиси ҳам разинчи. Бирн Запорожье, бири Дон казаги. Иван Сорока билан Фрол Телегин.

Улар бирга жангга кириб, бирга курашишди. Бир ёпқич остида тунашди. Форс ерларини бирга кезишди. Қаттиқ ҳужум қилиб Астраханни қўлга олишди. Оч қолишганда бир бурда нонни бирга баҳам кўришди, томчи сувни иккига бўлишди. Бир қадаҳда май ичишди.

Дам олиш пайтларида эса қайлиқларни эслашарди. Сорока Марийкасини, Телегин ўзининг Дуняшасини гапирарди. Ана шунда қадрдон она юрт кўз ўнгиларида намоён бўларди. Сорока ўзининг Запорожьесини, ўйнаб, кўпириб оққан Днеприни қўмсарди. Телегин эса Черкасскийнинг қафтдек текис қир-адирларини, соқини ва тинч оқувчи Донни хотирларди.

Икки казак худди ака-укадек аҳил яшашарди. Шодлик ва қайғуни ҳам ўртоқлашишарди. Ҳатто ўлим ҳам уларга баравар келди.

Илк ҳужумда разинчилар Симбирск қалъасини қўлга кирита олишмади. Айниқса стрелецлар ва дворянлар қаттиқ қаршилик кўрсатишди. Қўзғалончилардан раҳм-шафқат кутиш бефойда эканлигини улар яхши тушинарди. Тинмай сочма ўқ ёғдиришар, тўплар ҳам ишга тушганди. Девор тепасидан қора мойни иситиб қуйишарди.

Разин жангчиларга дам берди.

Янги ҳужум олдидан Разин қалъани ёндириш ҳақида буйруқ берди. Разинчилар кечаси шох-шабба ва ўтин тўплай бош-

лашди. Аравада хашак судраб келишди-да, қалъанинг ҳар жой-ҳар жойига уйиб қўйишди.

— Бошладик,— буйруқ берди Разин.

Аланга гуриллаб қалъа деворларини ялар, тинмай кўкка интиларди. Тун осмони ёришиб, юзлаб, минглаб учқунлар юлдуздай чақнаб эди.

Стрелецлар ва зодагонлар ўтни ўчиришга киришишди.

— Тезроқ ўчириш керак! Туз сеп! Қум тўк!— бақирарди ўпкаси тўлиб саркарда Иван Милославский.— Сув қуйларинг, сув!

Шу пайт ҳужум бошланиб қолди.

Иван Сорока ва Фрол Телегин ҳам ҳамма қатори чопиб борарди. Қўлларида узун нарвон. Шу нарвондан юқорига чиқиш-моқчи эди.

Дўстлар девор ёнига зарарсиз етиб боришди.

— Мана бу бошқа гап,— маъқуллади Разин, олов ичидан уларни кузатаркан.— Сенга бу ҳам оз, саркарда Иван Милославский. Мана икки томондан сиқилгач биласан...

Разинчиларнинг деворга яқинлашганини кўриб, Милославский ўзига келди ва:

— Ҳужумга киришинг! Деворга қорамой қуйинг!— деди.

Телегин билан Сорока эндигина нарвонни қалъа деворига қўйишган ҳам эдики, юқорида отишма бошланиб кетди. Улар тасодифан омон қолишди.

Казаклар ён атрофга қараб ўзларидан бошқа тирик жонни кўришмади.

Ҳужум тўхтаб қолди. Одамлар ўқ ёмгири остида қимирлашга журъат этишмасди.

Казаклар ҳамон девор ёнида туришарди. Телегин жойидан жилмас, юқоридан уни стрелец нишонга олаётганидан беҳабар эди. Аммо Сорока буни кўриб қолди. Сорока жангда эпчил. У белидан пистолетини олди-да, дўстини ўлимдан қутқариб қолди.

Телегин ўзини мўлжалга олган стрелецни кўрмади, аммо бошқа нарсани кўрди. Бошқа стрелец дўсти Сорокани отмоқчи бўлиб турган эди. Телегин жангда чаққон. У белидан пистолет олиб, дўстини ўлимдан қутқариб қолди.

Дўстлар жилмайиб бир-бирларига қараб қўйишди.

— Оғалар, асло чўчиманг!

— Оғалар, олға!

Казаклар нарвондан юқорига кўтарила бошлашди. Ҳамма уларга эргашди. Улар юқорига кўтарилишди. Девор раҳлари шундоқ кўриниб турарди. Иван Сорока тепасида ойболта ярқиради. Оз бўлмаса, фалокат юз берарди. Аммо ёнида Телегин бор! У жангда эпчил. Мана, қиличи бплан навбатдаги ҳужумни қайтарди. Стрелецнинг қўлидан ойболтаси тушиши билан, шун-

доқ Телегиннинг тепасида яна бошқаси пайдо бўлди. Оз бўлма-са, яна фалокат юз берарди. Аммо Иван Сорока бор-ку! Эпчил қараб турармиди? Қиличи билан навбатдаги ҳужумни қайтарди. Стрелецнинг қўлидан ойболтаси учиб кетди.

Дўстлар бир-бирига қараб жилмайишди.

Яна бир-икки қадам илгарилашса, маррага етишлари аниқ эди.

Аммо шу пайт...

Милославский отрядида ёйчилар бор эди. Биринчи ҳужумдаёқ уларнинг ўқидан бир қанча казак ер тишлаганди. Ҳозир ҳам ўқлари хато кетмади.

Бир ёйчи қалъа деворига отилиб чиқиб, ўқ узиши билан Сороканинг кўкрагини тешиб ўтиб, Телегинни ҳам ҳалок этди.

Қазаклар пастга қулади.

Улар Волга бўйидаги чуқурда, умумий қабристонда мангу уйқуга кетишди. Уларнинг иккиси ҳам казак, иккиси ҳам разинчи эди. Бири Запорожье казаги, бири донлик. Иван Сорока ва Фрол Телегин.

Улар тепасида ҳар кун қуёш шуъла сочади, тунлари ой қаҳрабо нур тўқади. Юлдузлар гун бўйи мижжа қоқмай уларга тикилгани-тикилган. Она Волга тўлқинланиб қирғоққа бош уради. Шамоллар фарёд чекиб ҳар томонга югуради. Гўё икки казакнинг дўстлигини эъозламоқчи, куйламоқчи бўлади.

КАМПИР

Бир кун Разиннинг ҳузурига бир кампир келди. Ўзи жудаям қари, қадди эгилган. Ҳассасиз юролмайди.

— Ҳузуригга келгандим, атаман. Қўшинингга қабул қилсанг деб.

— Жуда қизиқчи экансиз-ку, кампир,— кулди Степан Тимофеевич.

— Қабул қила қол, ўтинаман,— такрорлади кампир ва ҳассаси билан ерга уриб қўйди.

— Қизиқ бўлди-ю,— бошини чайқади Степан Тимофеевич.— Казак қиличини тутиш қўлингиздан келармикин?

— Йўқ, албатта.

— Балки, ўқ отишни биларсиз?

— Худо кўрсатмасин!— деб чўқиниб қўйди кампир.

— Эҳтимол тўпчиликда устаси фарангдирсиз-а?— кулимсиради Разин.

— Йўқ,— кескин жавоб берди кампир.— Мен ҳикматли сўзларни биламан, халос.

— Ҳикматли сўз?

— Шундай, атаман. Сўз зўр, ҳар қандай қўрқув ва офатдан қутқаради.

Степан Тимофеевич кампирга зиндан қараб ўйланиб қолди. Гап шундаки, Разиннинг қўшинида биринчи бўлиб жангга кирадиган ботирлар талайгина эди. Аммо, жанг олдида қўрқувга тушадиганлар ҳам топиладди.

Разин бир воқеани эслади. Симбирскка ҳужум пайтида бир йигитни учратиб қолганди. Оддийгина йигит. Еш ва келишган. Бошқалардан кам жойи йўқ. Аммо кўзларида қўрқув аломатлари сезилиб турарди. Дом ҳаммадан орқада юрарди.

— Эй худо, ишқилиб ўзинг сақла,— лабларидан шу сўз тушмасди.

Аммо худо унга ёрдам бермади. Ботирлик ҳам инъом этмади. Жойидан қимирлашдан қўрқарди. Бутун жанг давомида буталар орасида яшириниб ўтирди.

Степан Тимофеевич кампирга ўғирилди.

— Майли, сизнинг сўзамоллигингиздан фойдаланамиз.— У кампирга бояги қўрқоқ йигитни кўрсатди.— Мана ҳунарингизни шундан бошланг!

Разин эртасига жангда ўша йигитни кузата бошлади. Оддийгина йигит. Еш ва келишган. Бошқалардан сира кам жойи йўқ. Йигит бу гап бошқачароқ эди. Кўзларидаги қўрқув қани?

Йигит ҳамма қатори ҳужумга ташланди. Симбирск деворларига ботирлик қилиб чиқди. Ҳеч қандай зарар кўрмай, қайтиб тушди.

— Бун қаранг-а!— деб юборди Разин ўзини тутолмай.

Қўшинда сеҳргар хотин пайдо бўлибди, деган миш-миш разинчилар орасида жуда тез тарқалди. Қўп одамлар кампирга мурожаат қилиб, қаҳрамон бўлиб кетишди. Бу ҳол Разинни лол этди. Яна бир бор кампирнинг сеҳрига тан берди. Бир кунни Степан Тимофеевич кампирни чақириб:

— Сеҳрлашни қаердан ўргангансиз? Ҳикматли сўзингизнинг сири нимада?— деди.

Кампир Разиннинг гапига кулиб қўйди ва атамanning қулоғига аста деди:

— Ҳеч қандай сеҳрлаш-пеҳрлаш деган гап йўқ.

— Нега йўқ бўларкан? Ўз кўзим билан кўрдим-ку!

Кампир яна кулди:

— Жанг олдида айтилган энг яхши сўз — бу ҳикматли сўз демакдир!

МАКАР САЗОНОВ

— Оғайнилар, хайр энди. Нон ва туз, меҳрибонлигингиз учун раҳмат,— деди Макар Сазонов.— Сизларга узоқ йўл ва муваффақият тилайман. Мен эса етиб келдим. Қишлоғим шу яқин ерда. Свияга бизнинг дарёмиз.— Сазонов шу ўлкадан, Симбирск

округидан эди.— Шаҳарни ишғол қилдим. Қалъани эса менсиз ҳам оласизлар.

Разин армиясидан казакларнинг кетишлари янгилик эмасди. Сараиов, Самара шаҳарлари бўсағасида ҳам, бошқа ерларда ҳам кетиб қолганлар озмунча эмасди. Жанговар отрядлар баъзида алоҳида, баъзида гуруҳ-гуруҳ бўлиб армияни тарқ эттишарди. Улар Макар Сазоновдек туғилган ерларига етиб олгач:

— Биз ўз ишимизни қилдик, раҳнамо атаманга раҳмат. Энди еримиз озод, бошқа ерлар учун ўша ерлик одамлар жанг қилсин,— дейишарди.

Деҳқонларни уйи, ери ўзига тортарди. Бахтга қарши юриш ёз пайтида эди. Бугдой бошоқ тортган. Бугдойзор деҳқонларни чорларди. Энди ўрим-йиғим, қишга тайёrlаниш керак.

Разин йигитларнинг баъзиларини олиб қолар, баъзиларини жўнатиб юборарди. Куч билан жангчиларнинг юрагига буйруқ бериб бўлмаслигини у яхши ҳис қиларди.

— Сизларни ушлаб турмайман,— дерди Разин.— Фақат шошиляпсизлар. Уйга чопишга вақт эрта. Уйга борганларнинг билан халқ пин битмайди.

Шунга қарамай, армия сопи кун сайин ошиб борарди. Бир кетса, унинг ўрнига ўн киши келиб қўшиларди. Аммо янги келганлар илмсиз, айниқса ҳарбий билимга йўқ эди. Уларни ўргатиш, ҳарбий юришларда чиниқтириш керак эди. Бундай пайтда қийналиб қолиш ҳеч гапмас. Шулар туфайли армия ҳам занфлашиб борарди. Макар Сазонов билан Разин қаттиқ гаплашди.

— Кетмоқчимсан?

— Жавоб бер, атаман. Шу ерликман, симбирскийлик. Мен қиладиганимни қилдим.

Бу гапдан кейин Разиннинг қони қайнаб кетди.

— Қойил қилиб ишлаб қўйдим дегин! Қозон билан Нижнийни, Владимирни ким олиши керак, ким? Ким Москвадаги бойларнинг жазосини беради? Ким?

— Ахир у ерларда қозонликлар, нижегородликлар бор... Ҳар ким ўз ерини ҳимоя қилсин. У жойларда ҳам бизга ўхшаганлар топилар.

— Ўз ерини!— Степан Тимофеевич тутақиб кетди— Ҳм, агар ҳамма ўз билгича иш тутса унда ишимиз нима бўлади. Эсингдан чиқарма, куч бармоқларда эмас, мушда.— Кейин баланд овозда давом этди.— Бирлашмасак бойлар бизни қириб ташлайди.

Шунга қарамай Сазонов армиядан кетиб қолди. Унинг қишлоғидаги бояр қочиб қолганди. Макар уйига қайтди. Маза! Свияго дарёси бир маромда оқарди. Она ер ҳам, озодлик ҳам у учун. Қуёш у учун чарақлаб нур сочади.

Бироқ Сазоновнинг хушвақтлиги узоққа чўзилмади. Симбирск қалъасини ҳимоя қилиб турган Иван Милославский армиясига мадад бериш учун подшо аскарлари шошарди. Бу армияни Разин томонидан биринчи жангдаёқ мағлубиятга учраган ўша князь Юрий Барятинский бошлаб келарди.

Дворян отрядларидан бири Макар Сазонов яшаётган қишлоққа бостириб кирди.

Дворянлар Макарни қўлга туширишди. Тоза қийнашди. Кейин бошқаларнинг кўзини очиб қўйиш учун дорга осишди.

Макар Сазонов кўз юма туриб Разиннинг сўзларини хотирлади. Лекин энди кеч эди.

«БУНГА ҲАМ ИШОНИШ МУМКИН»

Оскар Шайтонча Симбирск қалъасига биринчи бўлиб кираман деб казаклар билан баҳслашди.

Ҳужум устига ҳужум бўлди. Шунга қарамай Симбирск қалъаси қаршилиқ кўрсатиб тураверди.

— Тўпларимиз оз-да, бўлмаса-ку! — жиғибийрон бўларди Степан Тимофеевич.

Умуман армияда қурол-аслаҳа чатоқ эди. Тўп у ёқда турсин, ўнтадан битта жангчига милтиқ, юзтадан биттасига тўппонча тўғри келарди. Разин аскарлари жангга болта, ўқ-ёй, паншаҳа билан киришарди.

Разин одамларнинг ҳаётини сақлаш ниятида ҳужумни тўхтатишни буюрди.

Разин бу фурсатда қалъанинг қулайроқ томонида сунъий тепалик барпо қилмоқчи бўлди. Унинг нияти шу тепаликдан қалъага йўл очиш эди. Шундай қилинса, қалъа деворидан ошиш ҳеч гап эмасди.

Разинчилар тепалик барпо этиш учун икки ҳафта уринишди. Кеча-кундуз тинимсиз тупроқ ташлашди. Оскар Шайтонча ҳам бошқалардан орқада қолмади. Қоплаб ташиб турди. У жуда эпчил ҳаракат қиларди. Оёғи ерга тегмасди.

Куз ҳам етиб келди. Волга узра булутлар пастлаб суза бошлади. Намхуш шамол йўллардаги хас-чўпларни учира бошлади. Ана шу тунд кунларнинг бирида Разин ҳузурига чавандоз ҳовлиқиб кириб келди:

— Отахон атаман, подшо армияси Симбирскийга яқинлашмоқда.

Князь Юрий Барятинский Симбирск шаҳрига яқинлашиб келмоқда эди.

Қўп ўтмай Разин қаршисида яна чопар пайдо бўлди.

— Отахон атаман, подшо аскарлари тобора яқинлашиб келмоқда.

Бу орада учинчи чопар ҳам терлаб-пишиб етиб келди:

— Отахон атаман, Барятинский ёнгинамизда.

Разин ўйлаб ўтирмай қалъага учинчи ҳужумга буйруқ берди. Унинг мақсади: подшо армияси етиб келгунча қалъага кириб олиш эди.

Разин аскарлари тепалик билан қалъа орасидаги масофани ёғоч, хари, шох-шабба билан тўлдира бошлашди.

Душман ўқлари тинимсиз қирса ҳам, қалъадан тўп отилса ҳам разинчилар чекинмадилар. Орага тўшалган йўл ниҳоят қалъа деворига яқинлашди. Яна бир ҳаракат қилинса, қалъага йўл очилади.

— Қараб тур! Эҳтиёт бўл!— деб разинчилар қалъадагиларга пўписа қилишади.— Қани, Оскар паншаҳангни ол.

Худди шу пайтда кутилмаган ҳодиса рўй берди. Қўрғон тепасидан кимдир ёниб турган машъалани улоқтирди. Машъалалар кетма-кет учиб келаверди. Қуруқ шох-шаббалар чирсиллаб ёна бошлади.

Стрелецлар кўприкни ёндиришга аҳд қилишганини ҳамма тушунди.

— Каттароқларини ташланглар! Каттароқларини!— Разин гўлаларни кўрсатиб қичқирди. Шу йўсинда оловни ўчириш ниятида эди.

Бироқ ёғочлар қуп-қуруқ эди. Аланга борган сари кучайиб, бўй чўзарди. Шу дақиқада Разиннинг кўнглидан бир фикр ўтди: борди-ю, шу аланга тўғри қалъага етиб бориб, ҳамма ёқни ўт олдириб юборса, унинг армияси уйдалай олмаган ишни олов бажарган бўларди-да.

Аммо шамол оловни қалъа томон эмас, балки қарши томонга судрарди. Жангчилар ҳам, Разин ҳам саросимага тушиб қолди. Кимдир хўрсиниб қўйди:

— Қанот чиқариб у томонга учиб ўтсайдик!

Худди шуни кутиб тургандек Оскар Шайтонча орадан отилиб чиқди. Қўлидаги қуроли билан тўғри алангага ташланди. Одамлар жимиб қолди. Кейин бақира бошладилар:

— Тинчимас!

— Оскарка!

— Шайтонча!

Кишилар уни орқага қайтишга ундашарди. Аммо уни аланга ўраб олганди. Бир-икки дақиқа кўз очгунча ўтиб кетди. Ниҳоят Оскарка кўринди. У қалъа яқинида ҳаракат қиларди. Демак Шайтонча тирик.

Унинг қандай қилиб қалъа деворига тирмашиб чиқаётганини ҳеч ким пайқамади. У девор тепасида турар, кийимлари ёнарди.

Шайтонча девор устида чопа бошлади. Қўлидаги паншаҳани найзадек ишга солди. Паншаҳа тишларидан ҳалок бўлган стрелецлар қалъа ичига, ташқи томонга қопдек ағанашарди.

Шайтонча эриб кетгандек кўздан ғойиб бўлди. Ачиқ тутун жасур йигитни ўраб олди, тутун тарқаганда эса йигит девор устида йўқ эди. Бу манзара гўё саробга ўхшарди. Балки ҳақиқатан ҳам саробдир? Балки бу жасур йигитчанинг ўзи ҳам бўлмагандек.

Разин йигитлари чўқиниб олишди. Бирн қаҳрамон йигитнинг хотираси учун чўқинди. Бошқалар, сеҳр кучига ишонганлар эса умри узоқ бўлсин деб чўқинишди. Одамлар зора Шайтонча тирик бўлса, деб умид қилишарди.

Балки у қушга айланиб осмонга учиб кетгандир?
Одамларнинг кўпроқ ана шунга ишонгилари келарди.

СЎНГИ ЖАНГ

Князь Юрий Барятинский Свяго дарёсининг қирғоғига ўрнашганди. Разин эса князь армиясини шаҳарга киритмаслик учун бутун отряд билан йўлларни қуршаб олганди.

Свяго йўлларида Разин ўзининг сўнги жангини қилди. Олишув жуда қаттиқ бўлди.

Князь аскарлари сараланган бўлиб, унинг сафида бой фарзандлари, сарой лашкарлари, ёлланган чет эллик سپохийлар бор эди.

Тўп, пилта милтиқ, мушкетларнинг сон-саногини йўқ. Чопқир отлар, дубулға кийган уста чавандозлар, чапдаст жангчилар князь армиясини тутиб турарди.

Бироқ жангнинг бошланишида ким ғалаба қилишини айтиш қийин эди. Разинчилар қаттиқ ҳужумга ўтганда Барятинский саросимага тушиб қолди. Жанг турли ерларда борарди. Бир жангда князнинг қўли баланд келса, қолган жангларда Разин устун келарди. Калтак, болта билан жангга кираётган разинчилар бўш келмасди.

Лекин подшо аскарлари яхши қурулланганди. Унга оддий қуруллар билан қарши бориш қийин эди. Барятинский ўзини тутиб олди. У зодагонларни бир дўнгликка тўплади. Уларни пистирмага қўйди. Шу ердан туриб разинчиларга ҳужум бошлади.

Разин ҳужумга қарши ҳужум билан жавоб берди.

Разин казакларни тепалик томон бошлади. Отлиқ аскарлар дворян аскарларига ҳужум қилишди.

— Чоп, янч! — деб қичқирди Разин.

Дворянлар саросимада қолди, «жуда тез-ку» ўйлади Разин. Аммо у чопишга қизиқиб кетганди.

— Найза санч, бўш келма!

Разин дуч келганга найза санчар, дам ўнгдан-дам чапдан келганга ҳамла қилар, эгарда туриб оларди. Қўлидаги қилич

яшнн тезлигида ҳаракат қилиб, яна ҳавога кўтариларди. Унинг оти титрарди. Разин жангга берилиб кетганди. Бошидаги қалпоғи қийшайган, газаб билан лабини тишлаб, қони қайнаб, кўзларидан ўт чақнаб, Разин отини ниқтарди.

Қазак отлари дўнгликка чиқди. Аммо князнинг ҳийласи иш берди. Дўнгликда, пистирмадаги тўпнинг оғзи разинчиларга қараб турарди.

— От-и-ниг!

Тўпдан отилган сочма ўқ тўғри отнинг пешанасига келиб тегди. От кишиаб хириллади.

Шу заҳотиёқ тўп ортида ўқчилар пайдо бўлишди. Қатордаги ўқчилар кетма-кет ота бошлашди.

Қазак сафлари аралаш-қуралаш бўлиб кетди.

Разинчилар қуриновда қолди. Орқа-ўнгдан князнинг сараланган жангчилари уларни ўққа тутиб, қуршаб кела бошлашди.

Степан Тимофеевич душманга юзма-юз борди. Яна қўлидаги қиличи иш кўрсатди. Дуч келганини чопаверди.

— Чоп!— дерди у аскарларига.

Қутилмаганда отилган ўқ унинг сонига келиб тегди.

— Қўлга тушириб бўпсан!— деди атаман.

Оғриқ зўр бўлса ҳам Разин қўлидан қиличини туширмади. Ўнгдан ва чапдан келганга ажал ёғдираверди. Аммо сўнгги қилич кўтарганида ҳолдан тойди. Князь аскарларидан бири унинг бошига қора чодирини ташлади. Атаманининг кўзи тиниб кетди.

— Огайнилар, атамани қутқаринглар! Успз қийин, атаманспз ҳаммамиз ҳалок бўламиз,— деган товунини эшитди Разин отдан йиқила туриб.

Бир соатдан кейин ҳаммаси тугади. Князь Юрий Барятинский ўз аскарлари билан музика садолари остида Симбирскийга кириб борди.

РАЗИНКА

Разинин содиқ казаклар ўз уйига, Дон тупроғига олиб кетишди. Йўлда Волга билан Дон орасидаги кичкина қишлоққа қўпинишди. Ярадор атамани эҳтиётлаб бир уйга олиб киришди.

Разин ётганича, шифтдан, девордан кўзини узмайди. Дам кўзини очиб, дам юмиб ниманидир ўйлайди. Девор оша узоқларга кўз югуртади.

Бу орада шу қишлоқлик бир ўсмир бола Разин яқинига келиб, нима қилишини билмай бирпас турди, кейин қўлидаги олмани унга узатди.

— Степан Тимофеевич... татиб кўрсанг, Разинка.

— Нима?

— Бушинг номини Разинка дейишадн,— тушунтирдн бола.
Хайратдан атаманинг қошлари чимирилди. Атрофга кўз ташлаб, эслади.

Бу воқеа 1667 йилда Разиннинг казаклар билан Волга бўйидан биринчи юришида рўй берганди. Ўшанда ҳам у ўз йигитлари билан шу қишлоққа қўнганди. Уй эгаси қария тонгда уйи олдиға олма кўчатиини экканди. Степан Тимофеевич чолнинг ҳаракатига бирпас қараб туриб, унга яқинлашиб:

— Келинг, ёрдамлашай,— деди.

— Жуда яхши,— деб жавоб берди чол.

Разин чуқур қазпди. Ниҳол олма кўчатиини экди.

— Стёпажон, уч йилдан кейин келгин, Разинкадан татиб кўрасан,— деди чол атаманга.

Разин илжайиб:

— Албатта келаман,— деб ваъда берди.

Орадан уч йил эмас, тўрт йил ўтиб кетди. «Пешанамда бор экан,— ўйлади Разин, яхши ният ёрти мол дейдилар».

— Бобонг қаерда?— боладан сўради атаман.

— Бобом баҳорда вафот этдилар. Дарахтлар гулга бурканганди. Жонлари узилаётганда ҳам Степан Тимофеевич деб сизни чақирдилар. Олма ҳақида гапирдилар. Уни бутун авлодмиз асраши керак деб васият қилдилар.

Разин эрталаб олма дарахтига қаради. У қулоч ёзиб яшнаб турарди. Бақувват шохлар орасида казакларнинг тугилган муштитек-муштитек олмалар силкиниб турарди.

— «Разинка», ичида такрорлади Степан Тимофеевич. Сўнгра аскарларига ўзини ўша чолнинг қабрига олиб боришларини буюрди. Зиёрат қилгач, яна йўлга отланишди.

Йўл бўйи Разин ўша олма ҳақида гапирди.

— Қандай ажойиб. Бутун Дон, Волга қиргоқларига, ер юзига олма экамиз. Бойларни қувиб, боғ-роғ кўпайтиришга киришамиз, ҳамма ёқ оппоқ бўлиб гулласин. Кузда эса шохлари ҳосили кўплигидан ерга эгилсин. Фақат боғгина эмас — турмушимизни қайта қурамиз. Ер ҳайдаймиз, экамиз, ундирамиз. Ёввойи ўтларни юлиб ташлаймиз, фақат бошоқлар қолади. Улар одамларга бахт келтирсин.

ДОВЮРАК ЧАВАНДОЗ

Степан Тимофеевич ўзи орзу қилган бахтли дамларни кўролмади. Разин Донга қайтишни биланоқ бой казаклар томонида қўлга олинди.

Разинни заижирбанд қилиб, жазолаш учун Москвага олиб келишди. Кучли соқчилар қуршовида аҳтиётлик билан олиб боришди. Олдиндаги соқчилар йўлнинг хавфсизлигини таъминлаб боришди.

Атроф ҳамон нотинч эди. Кама, Ветлуга, Ока ва Хопра томонларда исёнчи халқ отрядлари кезиб юришарди. Улар бойлардан ўч олишарди. Волга яқинида эса Разиннинг издоши атаман Шелудяк отрядлари зодагонларга тинчлик бермасди.

Аравада Разин қимир этмай борарди. Йўл эса ўнқир-чўнқир. Боши ҳам, охири ҳам йўқдек.

Степан Тимофеевич осмонга кўз югуртиради. Беноён чексизлик уни ўзига чорлайди.

«Улуғ ишларнинг охири бўлмайди.— Ўзинча ўйлади Разин,— халқ қачонгача бойлар зулмига чидайдн. Уларни зулмдан халос қилмоқчи бўлган бургут эртароқ қанот қоқдимиз? Халқ эртароқ қувономқчи бўлдим. Йўқ, эрта эмас!— Разин бошини силкитди. Кўзлари чақнади.— Бизнинг ишимиз ниҳоясига етмаган бўлса, уни бошқалар давом эттиради».

— Оғайнилар, қарапглар, Стёнкага жон кирди.— соқчилар орасида шивир-шивир бошланди.

— Кўзини, кўзини қарапглар, ёняпти, бу яхшилик нишонаси бўлмаса керак.

«Қўрқишяпти!— заҳарханда билан ўйлади Степан Тимофеевич,— демак тушовланган от ўз туёғидан айрилганча йўқ».

Москвада Разинни тоза сўроқ қилишди. Қийнашди.

Разин ҳамма қийноқларга бардош берди. Сўроқларга заҳарханда билан жавоб қайтарди.

Разинни Москвада, Қизил майдоннинг Лобной деган жойида ўлдиришди.

Степан Тимофеевич ўлимга тик турди. Дьяк ҳукмини бир маромда ўқиганда ҳам қилт этмади. У майдонга қараб турди. У бою-боёнлар сафига эмас, аксинча, улар орқасида турган почор халқ томонга қаради.

Атаман ночор халққа боқди. Худди шу дақиқада ўзини ажал кундаси олдида эмас, балки отда, Волга бўйларида, ўз йигитларини бошлаб бораётган бир қиёфада сездн.

«Штурмга, жангга!»— унинг қулоқлари остида шу жаиговар буйруқ янгради.

Гўё шу дақиқадаёқ казаклар сафга тургандек бўлди. Одамлар оқими келаверди. Сафлар тугамасдан янги сафлар сафга қўшилди. Оёқлар зарбидан ер ларзага келди. Сафдагиларнинг қиёфаси улуввор бир тусда эди.

«Жангга! Ҳужумга!»— деган товушлар янгради.

Келаётган одамларнинг сон-саногн йўқ эди.

Разин кўзини чирт юмди. Аммо булар унинг кўз олдидан сира-сира кетмасди. Степан Тимофеевич муштини тугиб ҳайқирди:

— Йўқ, улуғ ишларнинг ниҳояси бўлмайди. Рус тупроғи қачонлардир бойлардан қутулади.

Бир дақиқадан сўнг ҳукм ижро этилди.

Жаллод қўлидаги болта ҳавога кўтарилиб, пастга тушди. Степан Разиннинг жони узилди. Атаманининг ҳаёти тугади. Аммо боярлар анчагача қўрқувда яшашди.

От дупурини эшитиши билан боярларнинг тиззалари қалтирарди. Ҳатто шамолдан дераза зирилласа ҳам боярларнинг юраги орқасига тортиб, рагига қон қолмасди. Боярлар ҳатто кечалари бўйра шитирласа ҳам уйғониб, овозларининг борича бақирарди.

Анча вақтгача рус боярлари похуш тушлар кўриб чиқинди. Тушларига даҳшатли дойорақ чавапдоз кирарди.



МУНДАРИЖА

Бир бор. Шаҳарларни қандай забт этадилар ..	3
Иккинчи боб. Арғимчоқлар дарахтдан ҳам юқорига кўтарилди	26
Учинчи боб. Боярлар қўрқинчли туш кўрадилар	46
Тўртинчи боб. Казак сўзи	63
Бешинчи боб. Симбирск деворлари . . .	81

P2

A 47

Алексеев Сергей.

Довюрак чавандоз. Степан Разин ҳақида ҳикоялар. (Русчадан А. Ваҳобов тарж.) Т., «Ёш гвардия», 1975.

104 б. (Кичик мактаб ёшидаги болалар учун.)

Алексеев, С. Грозный всадник.

P2

A $\frac{70802 \quad — \quad 338}{\text{М } 356 \quad (06) \quad 75}$ 131—75

«Детская литература»нинг 1973 йилги
нашридан таржима қилинди.

Кичик мактаб ёшидаги болалар учун

На узбекском языке

СЕРГЕЙ АЛЕКСЕЕВ

ГРОЗНЫЙ ВСАДНИК

Рассказы

про Степана Разина

Издательство «Ёш гвардия» — Ташкент—1975

Редактор С. Сайдалиева, Рассом Г. Жирнов. Расмлар редактори Қ. Алиев. Техн. редактор Л. Жихарская. Корректор М. Ортиқова.

Босмахонага берилди 5/V-1975 й. Босишга рухсат этилди 17/VII-1975 й. Формати 60×84¹/₁₆. № 1. Босма листи 6,5. Шартли босма листи 6,05. Нашр. листи 6,07. Тиражи 45.000. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти, Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30. Шартнома 54—75. Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриёти босмахонаси. Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26. Заказ № 2792. Баҳоси 23 т.

Тител Константинеску.

Қизча ва қуёш.

Хайриддин Салоҳ.

Шуълалар қўшиғи.

Пўлат Мўмин.

Яхшиларга ўхшасам.

Муса Жонгозиев.

Мовий Иссиққўл.

Эргаш Рапмов.

Меҳрибонларим.

Арсеньев.

Тайгадаги учрашув.